


ҲАСАНБОЙ ҒОЙИБ

Ҳаёт деланчаги



Душанбе
«Андалеб Р»
2016

ББК 84 тожик 7-4
F-72

Муҳаррир
Сайфиддин Қараев

Ҳасанбой Фойиб.

Ҳаёт беланчаги. – Душанбе: «Андалеб Р», 2016.
- 288 бет.

Ҳасанбой Фойибнинг шеърлари мавзу, оҳанг, тасвир ва ифода услуби билан ўзига хос жиҳатларга эга. Шеърдан шеърга фикр ва туйғулар тасвирининг ранго-ранг баёни эркин парвоз этар экан шоир руҳий оламини янада ёрқинроқ очиб боради. Шоир ижоди яна шуниси билан аҳамиятлики, унда эзгулик, муҳаббат ва ҳакиқат тушунчалари устувордир.

ISBN 978-99975-50-30-9

© Ҳасанбой Фойиб, 2016.



Ҷамол,
Тоҷикистон Республикаси Ёзувчилар
Иттифоқи ўзбек бўлнимининг бошлиги

УМИДЛИ ҚАЛАМ СОҲИБИ

Ҳасанбой Фойибнинг илк поэтик асарлари билан матбуотда танишиб, яхши бир қалам соҳиби етишиб келаётганидан хурсанд бўлган эдим. Бугун унинг анчагина шеърларини ўқиб чиқиб, ўшанда хато қилмаганимни англадим. Ҳасанбойнинг дунё воқеаларига, инсон зотининг кўп қиррали туйгулари чексиз оламига нисбатан ўз қарашлари ва муносабатининг эҳтирос билан қаламга олиниши кишини бефарқ қолдирмайди.

Ижодкор сифатида унинг яна бир фазилати шундаки, чайналиб кетган, ҳаммага таниш бўлган бадиий воситаларни чеклаб ўтишга, танҳо шоирнинг ўзига хос бўёқларни топиб фикрини ифодалашга уриниш кўзга яққол ташланиб турибди.

Буюк сўз устаси Лев Толстой айтганидек, чинакам санъаткор ўз қалбida туйган ҳаёт қувончларини ҳам, унинг алам-изтиробларини ҳам шундай тасвирлай олсинки, уни кўрган томошабин ва ёки ўқувчи хонанда ҳам худди ана шу туйғуни ўз қалбida ҳис этсин. Ҳасанбой адабиётнинг олдига қўйилган ана шу талабини чуқур ҳис этиб, ижод оламига кириб келаётгани унинг келажагига умид билан қарашга асосдир.

2002 йил.

*Иброҳим Усмонов,
Тожикистон илм ва техника арбоби*

**КАМОЛОТ ФАСЛИ
(*«Уйғониш фасли» китобига сұзбоши*)**

Иқтидорли шоир Ҳасанбой Гойиб ўзининг янги шеърлар түпламини «Уйғониш фасли» деб атабди. Уйғониш фасли инсон балогати ва камолотининг рамзи, замоннинг яхши-ёмөнини англаши ҳамда қадрлашидир.

Уйғониш фасли ижодкорнинг маънавий тараққиёт босқичидир. Мазкур түплам шеърларини ўқиб, мулоҳаза қиласар экансиз, шоирнинг том маънода уйғонгандигини, қаламининг үткирлашганини, сўзларининг дардчил, санъати ранг-баранг, шеърлари равон ва жозибали бўлганлигини ҳис этасиз.

Шеърларида тасвирланган меҳр Ватан, халқ, она қадри мадхидан келиб чиқадиган устувор меҳрдир. У мазмунли ва жозибали жилоланади. Бу меҳр чин юракнинг самимий меҳридир. Бу нафақат ижод, балки Ҳасанбойнинг ўзлиги ва самимияти ҳамдир.


Ҳасанбой Ҳисор водийсининг фарзанди. У шундай ҳаводан нафас олганки, бу ҳаво Мирзо Турсынзода, Носиржон Маъсумий сингари буюкларнинг ҳам димофини муаттар қилгандир. Маҳмуд Тўлқин, Ўлмас Жамол, Зайниддин Дўстматов ва Қосимжон Мамажоновлар ижод қилган лафзда ёзади.




Ҳасанбой қайси тилда ижод қилмасин Тожикистон-нинг гўзаллиги ва улуғлигини куйлади. «Кимки Ватани севса, Ватан ҳам уни севади»-дейишлари бежиз эмас.

Тилагим шу, Ҳасанбой! Сиз-Ватан ошиғи. Кошонангиз гулистон, шеърларингиз дилрабо бўлсин!

2004 ийл, Душанбе шаҳри.





I

*Ҳорагимга туманиган
Ватан!*



- *Ватан меҳри*
 - *Икки эл муҳаббати*
 - *Тоҷисикистон*
 - *Рози дил*
 - *Тоҷисик тили ҳақида*
 - *Байрӯгимиз мадҳи*
 - *Ватан васфи*
 - *Ҳисор қалъаси қошида*
ӯйлаганларим
 - *Ватан*
 - *Ватаним*
 - *Тоҷисик элим менинг*
 - *Тавалло*
 - *Тоҷисик тили – назм тили*
дейдилар
 - *Шу Ватанда*
 - *Фаҳр*
 - *Шукронা*
 - *Юрагимга туташган Ва-
тан!*
 - *Муборак онлар*
 - *Ниятинг – йўлдошинг*
 - *Сурурбахи келажак истай-
ман*
 - *Ватан ифтихори*
 - *Обод Ватанда озод яшашни
насиб этсин*
 - *Орияти бор бўлган одам*
 - *Икки тилли бир миллат*
 - *Фидойилар қушиги*
 - *Тинчлик куйчиси*
 - *Ватан обод*
 - *Ватан ажододлардан*
 - *Меҳри дарё*
 - *Аҳиллик ҳам ибодатдири*
 - *Йигит бўлса*
 - *Она шаҳримга*
 - *Тоҷисигу ўзбекча ширин шева-
си*
 - *Боғбонда*
 - *Хатлонзамин*
 - *Чилламазор*
 - *Чилламазорда ёзилган шеър*
 - *Толбулоқ*
 - *Ширкент дарёсига*
 - *Яхшиобод мадҳи*
- Шеърҳои ба тоҷикӣ
навиштаи муаллиф**
- *Ба хотираи устод Лоиқ*
 - *Дӯстон, як осмон дорем бас*
 - *Ифтихор*
 - *Ширу шакар*
 - *Баҳори сулҳ*
 - *Борони умед*
 - *Мухаммас*



ВАТАН МЕХРИ

Киндик қони томган макон олдида
Бурчин бажармоги керакдир инсон.
Гўзал диёrimиз Турсунзодага
Янги китобимни этдим «Армугон».
Аммо қарзим кўпдир она ватандан
Ҳали улгурмаган ишларим бисёр.
Ватан меҳри дилга сингиган ондан
Англадим - умримда мазмун-маъно бор.
Мен яхши биламан энди кимлигим
Дилларга яхшилик улашгувчиман.
Эзгулик элчиси - дўстлик жарчиси,
Ёмонликка қарши курашгувчиман.
Ҳар кун бир учрашув режамда мавжуд
Мавзу тинчлик, бирлик, дўстлик, ободлик.
Ҳар гал одамлар-ла сўзлашар экан
Дилимда жўшади илҳом ва шодлик.
Кўп доно зотларни, мард инсонларни
Учратдим, тингладим ва сабоқ олдим.
Одамлик номига лойик, муносиб
Инсонларни кўриб хайратда қолдим.
Раббим! Холиқ ўзинг, Молик ўзингсан,
Яширин сирлар ҳам ўзингга аён.
Одамдек яшашни истаган зотман
Муродим ҳосил қил, йўлимни равон!

03.10.2015 йил.

ИККИ ЭЛ МУҲАББАТИ

Шоир бўлиш ёшлигимдан орзум бўлди,
Ёзганларим ўз дардларим, арзим бўлди.
Назар солсам эл ҳам менга дарддош экан,
Эл дардини қуйлаш олий қарзим бўлди

Улуг бахтни насиб этди менга ҳаёт,
Икки элнинг муҳаббати бўлди қанот.
Гоҳ ўзбекча, гоҳ тожикча тилда баёт,
Куйлаб яшаш менинг ҳаёт тарзим бўлди.

Меҳмон бўлдим Хужанд, Хатлон, Бешкентларда,
Мухлис пайдо қилдим шаҳар ҳам кентларда
Шеърим қўшиқ бўлди ҳатто Тошкентларда
Дўстлик ипин боғлаш менинг фарзим бўлди.

Юрагимда туйгуларим сувдек зилол,
Қутлуғ бўлсин икки элга ҳур истиқлол!
Бири қуёш бўлса, бири менга ҳилол,
Икки элнинг мадхин қуйлаш қарзим бўлди.

20.21.2011



ТОЖИКИСТОН

Ваҳдат кўйи тараалган юрт, Тожикистон.
Эй, меҳнатдан яралган юрт, Тожикистон.
Ҳамдиллигу ягоналик шиоримиз,
Олам аҳли тан олган юрт, Тожикистон.

Ҳаёт асли синовлардан иборатdir,
Тинч ва тотув яшамоқ ҳам саодатdir.
Қутлуг бўлса қўнгилдаги орзу, ният,
Рўёби ҳам Яратгандан башоратdir.

Бугун элнинг юрагида яшар тинчлик,
Катта-кичик тилагида яшар тинчлик.
Яқдиллик ҳам элнинг буюклигин рамзи,
Мард ӯглонлар билагида яшар тинчлик.

Эй она юрт, кўрай баҳту камолингни,
Аллоҳ асло кўрсатмасин заволингни,
Тожикистон, мағрур янграр қутлуг номинг,
Ватан аҳли қўрсин ёрқин жамолингни.

16.02.2010 й.

РОЗИ ДИЛ

Ватан, бағрингдаги пинҳон ганжларинг
Жисму жонимизга бергайдир қувват.
Ҳурлик истаб чеккан озор, ранжларинг
Бекорга кетмади – келди ҳуррият.
Аммо юрагимни ўрттар бир ҳадик,
Қандай сарф этяпмиз ушбу қувватни?
Юракнинг тубида асрай олдикми
Истиқлол аталмиш улуг неъматни?!
Ватан, аждодларнинг хоки туфайли
Жаннатга айланган гўзал бўстоним.
Кун келиб бир сиқим тупроғинг бўлиб
Розийдим бағрингга қўшилса жоним.
Мен сендан ҳеч нарса тамаъ қилмасман,
Онамсан – пойингга садқадир бошим.
Баъзан сенга қараб хўрлигим келар,
Кўзимдан қон бўлиб сизилар ёшим.
Ҳали қанча заҳмат чекмоқ керакдир,
Қутулмоқлик учун тўсиқ, говлардан.
Минглаб фарзанд керак Темурмаликдек¹
Ҳимоя қилмоққа сени ёвлардан.
Уқдирмоқ бўламан ўғил, қизимга
Сени дилдан севмоқ кераклигини.

1. Чингизхонга қарши курашган тожик миллий қаҳрамони



Агар зарур бўлса, Ватан, сен учун
Ҳатто жондан кечмоқ кераклигини.
Аммо сўз топмасман баён этмоққа,
Дилимни ўртаган қайғуларимни.
Яна қирқ йил керак сингдирмоқ учун
Қирқ йилда етилган туйғуларимни.
Тунлар қочиб кетар кўзимдан уйку,
Бўғзимга тиқилиб келар фарёдим.
Менинг етти пуштим яшаган юртда
Озод яшармикан етти авлодим?!
Осмонга тикилиб ётаман ўйчан,
Не чоғ оғир ожиз яшаб ўтишлик,
Ёдимга тушади зафар истар чоғ,
«Инна фаттаҳна»ни такрор этишлик.
Руҳим енгил тортиб, кўнглим ёришиб,
Таҳорат олгали аста тураман.
Тунда ўқилажак «Таҳажҷуд»-дан сўнг
Ватан, баҳтинг сўраб дуо қиласман.

12.01.2012 йил.

ТОЖИК ТИЛИ ҲАҚИДА

Дунёда тиллар кўп гўзал ва жозиб,
Барчасин ўрганмоқ эрур ноимкон.
Гўзал сатрларни битсинлар дея
Шу тилни яратди биз учун Яздан.

Ҳатто Пайғамбар(с.а.в.) ҳам, айтишларича,
Тожикча лисонда «ду, ду» деганлар.
Ўзининг улуғвор салтанатини
Шу тилда бошқарган не жаҳонгирлар.

Қанча шоҳ асарлар нақшланмишидир
Шу тилда тарихнинг китобларига.
Ҳофиз ғазаллари илҳом бермишидир
Донишманд Гётенинг хитобларига.

Озод жаранглайди бугун Ватанда,
Унинг садосидан хушдир ҳар оним.
Гойиб чин юракдан таманно этар:
Оянданг бор бўлсин қутлуғ забоним!

30.09.2011 йил 16.40.



БАЙРОФИМИЗ МАДХИ

Фидо бўлсин юрт учун ҳам тану ҳам жонимиз,
Армуғон бўлсин унга бор шараф ва шонимиз.
Жон қадар бизга азиз Тожикистон - ҳур Ватан,
Ул туфайли файзлидир ҳар нафас, ҳар онимиз.
Тинчлигу ваҳдат йўлин ихтиёр этгач элим,
Минг шукр, бўлди бутун ушбу кунда нонимиз.
Мустақил юрт хурлигин рамзи-тимсоли ўшал,
Энг баланд байроқ учун берсак арзир жонимиз.
Фойибо, юрт васфида битгил Ӯлмасдек газал,
Шояд ки, эл ёдида қолса шоир номимиз.

07.12.2011 йил

ВАТАН ВАСФИ

Ердаги жаннат ўзинг
Мангу бўstonим, Ватан.
Жоним ичра жон ўзинг
Тоза иймоним, Ватан.

Ҳар гиёҳинг тўтиё,
Малҳами жоним Ватан.
Сен туфайли хуш эрур
Ҳар нафас, оним Ватан.

13.06.2012 йил

ХИСОР ҚАЛЬАСИ ҚОШИДА ЎЙЛАГАНЛАРИМ

Дўстлигимиз пойдевори
Мустаҳкамдир метиндан ҳам.
Ўзбек-тожик жондош, қондош
Бир-биридан эмасдир кам.
Бу дўстликка асос солган
Навоий ва Жомий эрур.
Турсунзода,Faфур Fулом
Бу дўстликка ҳомий эрур.
Ўлмас Жамол ва Гулназар
Дўстлигини юргум мақтаб.
Шеър бағишлаб бир-бирига
Яратдилар янги мактаб.
Боболарнинг хаёт йўли
Бизлар учун бўлсин ибрат.
Яшамоқни ўрганайлик
Ахилликка этиб рағбат.
Ширу шакар шеър айтмоқقا
Шогирдларни ўргатайлик.
Ҳар бир ишда бағрикенглик,
Саховатла йўл тутайлик
Сузимизни тинглаган эл.
«Баракалло, шоир» десин.
Боболарнинг пок рухлари
Биздан рози бўлиб юрсин.

25.09.2011й



ВАТАН

Ватан, менинг қалбимдаги зорим ўзинг,
Бу дунёда топган давлат, борим ўзинг.
Қайга бормай ёдинг мени тарк айламас,
Сен ягона менга ҳамдард, ёrim ўзинг.

Ҳар заррангни тавоғ этгум юзларимга,
Ҳар гиёхинг тўтиёдир кўзларимга.
Шукроналар айтгум нону тузларингга
Ватан, менинг илҳом берган торим ўзинг.

Сен онамсан, алла айтиб оқ сут берган,
Сен отамсан, мени тўғри йўлга бурган.
Сен дўстимсан, жигаримсан бирга юрган,
Ватан, менинг қатордаги норим ўзинг.

Сен бордирсан менга ўзга баҳт керакмас,
Садоқатдан ўзга менга аҳд керакмас,
Бир кафт тупроғингдан ўзга таҳт керакмас,
Ватан, менинг юксакдаги дорим ўзинг.

2002 й

ВАТАНИМ

Менга ҳаёт инъом этган илдизимсан, Ватаним,
Умр йўлим равшан этган кундузимсан, Ватаним,
Мен-ку бир кун ўтгайдурман, тупроқ бўлгай бу таним,
Сен кўкдаги мангу сўнмас юлдузимсан, Ватаним.
Боболарим орзу қилган камолингни қўрдим мен,
Момоларим эртак этган жамолингни қўрдим мен,
Сенинг озод кучоғингда давронимни сурдим мен,
Менга ҳаёт инъом этган илдизимсан, Ватаним.
Тақдир-азал ҳар бир бошга солар экан савдолар,
Баъзан мен ҳам ёш бошимга орттирганда ғавғолар,
Сенинг меҳринг нурларидан топдим дилга даволар,
Умр йўлим равшан этган кундузимсан, Ватаним.
Кучоғингда ўсиб ундим, шукроналар қилгайман,
Фарзандларим камолида келажагинг қўргайман.
Яратгандан сенга доим иқбол тилаб юргайман
Осмонимда мангу сўнмас юлдузимсан, Ватаним.

16.02.02.



ТОЖИК ЭЛИМ МЕНИНГ

Менинг киндик қоним тўкилган юртим,
Жонимни сен учун айлайман тортиқ.
Сенинг дардинг асли бу менинг дардим,
Мен сени севарман ўзимдан ортиқ.
Ҳар бир ютугингдан қувонгай кўзим,
Тожик элим менинг- қадрдон элим.
Туркзабон шоириңг бўлсан ҳам ўзим,
Сенинг-ла диним бир, бир эрур дилим.
Оғир синовларни бошдан ўтказдик,
Ҳамон дилдан кетмас унинг оғриғи.
Шу азиз кунларга Тангри етказди,
Оламларни тутди сенинг довруғинг.
Давр чархфалаги айланмасин терс,
Айланса Ҳақ йўлни топмоқлик қийин.
Миллатни олдинга олиб чиқмоқ – чун,
Меҳнат қилмоқ керак тун-кун тинмайин.
Токи дунё аҳли бизларга қараб,
Нокас, тиланчи деб қилмасин таъна.
Она еримизни айлайлик обод,
Келажак насл-чун асройлик яна.

Токи арзимаган мушкулликни деб,
Муқаддас гоядан ортга қайтмайлик.
Қарам бўлиб яшаш минг марта «хуб» деб,
Қуллик қўшигини қайта айтмайлик.
Токи англаб етсин ҳар битта юрак
Ватан олдидағи муқаддас бурчни.
Жўмард фарзандларни йўлламоқ керак
Масъул мансабларда ишламоқ учун.
Беш қўл баробармас деганлариdek,
Миллат душманлари юрар ғимиirlаб.
Бир хато топдими, тилидан қўймас,
Эрта-кеч фийбатлар қиласар шивирлаб.
Қалбим озор чекар бундай гаплардан.
Дейман нега булар бунча бетайнин.
Бош чиқариб юрсак битта ёқадан,
Толеъ бизга кулиб боқиши тайин.
Биз ваҳдат жомини кўтарган халқмиз
Дош бериб даврнинг түғёнларига.
Элим, ободликни истасанг агар
Ишонгин мард, ботир ўғлонларингга!

2008



ТАВАЛЛО

Раштлик дўстларимга

Ошиб тогу довонлардан,
Дала дашту ёбонлардан.
Дўстлар дийдорини қўмсаб
Келдим Регар томонлардан.
Раштонзамин бағрингни оч,
Мехрим берай, меҳрингни соч!

Файзободнинг шамолидан,
Обигарм жамолидан
Бахра олиб, кўзим қувнаб
Роғун ГЭСи камолидан.
Келдим, менга бағрингни оч,
Мехрим берай меҳрингни соч!

Барно йигит, қизларинг бор,
Аҳил қора кўзларинг бор.
Пешона тер билан топган
Ҳалол нону тузларинг бор.
Раштонзамин бағрингни оч,
Мехрим берай меҳрингни соч!

Раштонзамин тогинг гўзал,
Тогингдан-да боғинг гўзал.
Парвардигор ато этган
Озод ва хур чоғинг гўзал,
Шоирингга бағрингни оч,
Мехрим берай меҳрингни соч!

28.11.2014 йил.

ТОЖИК ТИЛИ – НАЗМ ТИЛИ ДЕЙДИЛАР

Ҳамза, эслайсанми Олма-Отада
Дилда кучли эди ғайрат, шижаат.
Мен таклиф қилгандим бир кун хафтада
Тожикча сўзлашув бўлсин деб одат.

Барчамиз Регардан, элдош, заминдош
Уч тожик ўғлони, бир ўзбек ўғли.
Русча гаплашардик, гоҳо ўзбекча
Тожикча сўзлашни билмасдим, тӯғри.

Аммо олисдаги Ватан соғинчи
Дилимни ўртарди ҳар лаҳза, ҳар он.
Ҳар гал Душанбега қайтган чоғимда
Дилим дардларига топардим дармон.

Ким билан танишсак, қаерга борсак
«Бизлар Тожикистон фарзанди» дердик.
Қозоқ халқи учун, устозлар учун
Улуг Тожикистон фарзанди эдик.

Ҳижратда англадим Ватан қадрини,
Ғурбатда гариблик кўп хайрликдир!
Тожик тили назм тили дейдилар,
Тожикча сўзлашув, бу-шоирликдир!

12.10.2013-йил



ШУ ВАТАНДА

Бир кун биз ҳам ӯтиб кетамиз
Бу ҳаётга қониқмай, тўймай.
Қаро ерга элтадилар тез
Үйимизга бир кун ҳам қўймай.

Озод бўлган руҳимиз секин
Парвоз қилиб кетади қўкка.
У барчани қўриб туради
Фамгин боқиб жасад-шўрликка.

Шунда бирдан аён бўлади
Биз билмаган чин ҳақиқатлар.
Дўстлар кўзи ёшга тўлади
Хўрсанишиб дерлар:”рахмат”ли.

Не бўлса ҳам яратган Эгам,
Шу Ватанда ўлмоқ баҳтин бер.
Шод бўлардим гар ёза олсан
Шу Ватанга арзигулик шеър!

2008.

ФАХР

*Бирлик ва тинчлик асосчиси - Миллат пешвоси
Эмомали Раҳмонга*

Минг йиллик тарихи бўлган миллатнинг
Сарвари эрурсиз, бу-нечоғлик баҳт!
Худо назар қилса қайси миллатга
Бошига тож бергай, ҳам пойига тахт.

Улуғ аждодлардан мерос бу макон-
Озод Тожикистон ободдир бу кун.
Йигирма уч йилдирки, Сиз-аҳли Сомон,
Тортдингиз миллатнинг заҳматли юкин.

Оғир лаҳзаларда, қалтис онларда
Баъзилар панага урдилар ўзни.
Майдонга чиқдингиз элнинг баҳти деб,
Ошкора айтдингиз халқ кутган сўзни:

«Токи миллатимнинг битта фарзанди
Сарсон юрар экан, мен безовтаман.
Буюк аждодларнинг ҳаққи-ҳурмати,
Миллат баҳти учун хизмат этаман».

Бугун тожикларнинг иқболи кулган,
Ватан аҳли саржам ва баҳтиёрdir.
Дунёда минг йиллик тарихи бўлган-
Қадим миллатимнинг пешвоси бордир.

2007



ШУКРОНА

Элим, қора кунлар кечди бошимиздан,
Дарёлар ҳам шўрландилар ёшимиздан.
Ногоҳонда ёв чиққанда қошимиздан,
Аллоҳ бизга элим деган инсон берди,
Юрт тинчлигин ўйлагувчи султон берди.

Шукр айтсак арзир, эсди эрк шамоли,
Чирой очди бу шамолдан юрт жамоли,
Насиб этди бизга ватан истиклоли,
Аллоҳ бизга элим деган инсон берди,
Юрт тинчлигин ўйлагувчи султон берди.

Бугун бу юрт аҳиллигу ваҳдатдадир,
Фарзандлари бари унга хизматдадир,
Ёшлар иззат, кексалари хурматдадир,
Аллоҳ бизга элим деган инсон берди,
Юрт тинчлигин ўйлагувчи султон берди.

Синовларда синмади ҳеч бардошимиз,
Мехр билан нур сочмоқда қуёшимиз.
Ўз халқига муносибдир юртбошимиз,
Аллоҳ бизга элим деган инсон берди,
Юрт тинчлигин ўйлагувчи султон берди.

Ким ёмондир эл ёдида доги қолар,
Яхшилардан обод бўлган боги қолар.
Ҳасанбойнинг ашъор битган чоги қолар,
Аллоҳ бизга элим деган инсон берди,
Юрт тинчлигин ўйлагувчи султон берди.

05.02.05.

ЮРАГИМГА ТУТАШГАН ВАТАН!

Ишқинг доим қалбимда яшар
Софинаман узокроқ кетсам.
Дунё сенсиз зулматга ўхшар,
Қуёшимсан, ўхшатиб айтсам.

Муқаддассан, қутлугсан Ватан,
Онам каби меҳрибон, мунис.
Болалигим бағрингда кечган
Гарчи бу кун кетса ҳам олис.

Ота-онам бағрингда ётар,
Дийдорига зор қилиб кетган.
Сен бир улуг дарахтсан, Ватан,
Юрагимга туташиб кетган.

14.03.2010.



МУБОРАК ОНЛАР

Қанча гул умримиз ўтди бехуда,
Ҳақ йўлни англомай, оввора бўлиб.
Яшадик кўринмас ғуллар ичида,
Тарихни унугиб, гафлатга тўлиб.
Аллоҳни унугтган ғофил қулларга
Сигиндик Худога сифинганнамо.
Айландик шайтоннинг ҳаммолларига,
Унугиб нимадир рўзаю намоз.
Улуг боболарнинг қутлуғ изидан
Бормадик “эскилик сарқити” дея.
Ишониб иблиснинг ёлғон сўзига
Иғво тошин отдик кўхна мозийга.
Аммо зулматнинг – да ёруғ куни бор,
Ёлғон ақидалар бўлди чил-парчин.
Магар Худо бордир, унинг дини бор,
Бугун юрт мустақил, ихтиёр эркин.
Ватанга қайтдилар валийлар руҳи,
Эрта кеч таралар муборак овоз.
Муборак онларга шукrona айтиб,
Ибодат қил, элим, мўминларга хос.

22.05.02.



НИЯТИНГ – ЙҮЛДОШИНГ

“Ниятинг - йўлдошинг” дейдилар азал,
Яхши ниятларга тўлсин дилимиз.
Ҳар янги кун бизга баҳт олиб келсин,
Нурли, равон бўлсин бизнинг йўлимиз.

“Ниятинг - йўлдошинг” дейдилар азал,
Элим, садқа бўлсин сенга жону тан.
Сенинг камолингни кўрмоқ - истагим,
Сенинг ободлигинг баҳтимдир, Ватан!

11.01.2010 й



Суурбахш келажак истайман
Жаннатий, гўзал ва соҳира.
Дилимга қувват баҳш этгувчи,
Нурдек соф, тоза ва бокира.
Юрагим яйраса қувончдан,
Шодлиқдан порласа кўзларим.
Қуёшдек нур сочса соғинчдан
Сарғайиб қолган бу юзларим.
Бўстонга айланган Ватанда
Шод, хуррам яшаса одамлар.
Келажак баҳти деб ҳар куни
Ташланса ҳар битта қадамлар.
Мен шундай келажак истайман.

10.01.2012 й.



ВАТАН ИФТИХОРИ

Ватан, сенинг бир кафт тупротинг
Алишмасман сийму олтинга!
Ҳар бир гиёҳ, ҳар бир япрофинг,
Болаликдан сирдошдир менга.
Ватан, сенинг юксак тоғларинг,
Рух бағишилар туйгуларимга.
Эрк шамоли эсган боғларинг,
Ором берар уйқуларимга.
Ватан, сенинг соғ ҳаволаринг
Менга она меҳридек суюк.
Нурдек шаффоғ, зилол сувларинг
Биҳиштдаги Кавсардек буюк.
Ватан, сенинг пок муҳаббатинг,
Дилимга жо туғилған ондан.
Дунёга қўрк берар келбатинг,
Азиздирсан мен учун жондан.
Ватан, сенинг ҳар бир сахифанг,
Юрагимда бир-бир очилар.
Бир кафт тупроқ-энг ноёб тухфанг,
Ўлсам қабрим узра сочилар.

2001.

ОБОД ВАТАНДА ОЗОД ЯШАШНИ НАСИБ ЭТСИН

Бунёд этган бодингда яшашни насиб этсин,
Аҳли мардга ошини ошаши ни насиб этсин.
Раҳбар бўлиб юриш ҳам отга минмоқ дегани,
Асл мард каби отдан тушишни насиб этсин.
Катта карвонда юргач, мақсад ҳам катта бўлар,
Азим кир, довонлардан ошишни насиб этсин.
Тожикистон гулбогим, суюнган улуғ тогим,
Улуглигингга ҳисса қўшишни насиб этсин.
Лаълим-Бадахшонимсан, Ҳисорим, Ҳатлонимсан,
Лоик каби ишқингда жўшишни насиб этсин.
Ободлигингни истаб заҳмат чекурман тун-кун,
Ақлимга дарё бўлиб тошишни насиб этсин.
Тарихи минг йил бўлган менинг она халқимга
Оlamda яна минг йил яшашни насиб этсин.
Худо азиз этганни ҳеч кимса хор этолмас,
Обод Ватанда озод яшашни насиб этсин.
Жаҳон томида яшаб, дунёга тилагим шу:
Аллоҳ розилигини топишни насиб этсин.
Гуллаб яшнасин доим она Тожикистоним,
Асл мардга зафарни қучишни насиб этсин.

24.01.2012 й.



Орияти бор бўлган одам,
Ватанини севар ардоқлаб.
Бир кун келиб гадо бўлса ҳам,
Элу юртдан кетмас йироқлаб.
Орияти бор бўлган одам,
Халқни ўйлар ҳар қандай онда.
Бир кун келиб шоҳ бўлганда ҳам,
Факирликни қилмайди канда.

2002.

ИККИ ТИЛЛИ БИР МИЛЛАТ

Айтгин яна қаерда бундай ҳолни кўргайсан,
Гарчи тили бошқадир, бир хилдир урфу одат.
Иккисини кўрганда эгизак деб ўйлайсан
Исми жисмига монанд икки тилли бир миллат.
Азалдан бир Ватанда ахил бўлиб яшаган
Дўстликнинг кучи билан яратган буюк давлат.
Гар ҳамла қилса душман, биргалиқда курашган
Бирлик туфайли ғолиб икки тилли бир миллат.
Юлдузларга бўй чўзган боқиб дунё томидан
Бир-бирини камситмоқ бизга ёт бўлган иллат.
Таълим олган Навоий ўз устози Жомийдан,
Устоз шогирд азалдан икки тилли бир миллат.
Насиб этса кўп йиллар бирга умр кўргаймиз,
Аждодлар меросини асрамоқ бизга суннат.
Озод, эркин Ватанда катта тўйлар қилгаймиз,
Доимо бор бўлгаймиз икки тилли бир миллат.

09.02.2002й.

ФИДОЙИЛАР ҚҰШИГИ

Юрт учун, Ватан учун
Жұшар танда қонимиз.
Шу гүзал макон учун
Армуғондир жонимиз.
Бизда ұзға ташвиш йұқ,
Халқ ташвиши-ғамимиз.
Дуо қылса эл агар
Бут бұлади камимиз.
Хақ назар этган зотнинг
Ишончини оқлайлик.
Шавкатли аждодларнинг
Шарафини сақлайлик.
Мустақил Тожикистон-
Ватанимиз, фахримиз.
Мақсадимиз ягона
Обод бұлсın шаҳримиз.
Тожик, ӯзбек, рус, татар
Шу диёр дилбандимиз.
Ака-ука, қадрдон,
Бир Одам фарзандимиз.
Юрт учун, Ватан учун
Жұшар танда қонимиз.
Шу гүзал макон учун
Фидо бұлсın жонимиз.

11.12.2015.



ТИНЧЛИК КҮЙЧИСИ

*Мирзо Турсунзода таваллудининг
100 йиллигига бағишиланади.*

1

Тоғлар салтанатин бир гүшасида
Қаратог аталмиш гўзал дара бор.
Шу дара бағрида мавжланиб оқсан
Камруд деб аталмиш гўзал дарё бор.
Жўшқинлик истасанг дарёга боққин,
Улуғлик истасанг боққин тоғларга.
Гўзаллик истасанг Қоратоққа бор,
Тоғлари тулашиб кетмиш боғларга.
Шовуллаб оқаркан бу азим дарё,
Тоғлар ҳам ҳайратла унга боқади.
Навқирон ёшликтининг рамзидек дарё,
Мавжли тўлқинлари дилга ёқади.
Зилол сув, соф ҳаво, сехрли дара
Чарчаган рухимга ҳаёт баҳш этар.
Мени чулғаб олар ширин хотира
Хаёлим боғида мозий акс этар.

2

Йигирманчи аср, жаҳолат асри,
Зулм, қон тўкишлар авж олган замон.
Ҳунарманд бўлса-да одамлар аммо
Хароб кулбаларда асрар эди жон.
Ўша замонларда ушбу дарада
Ҳаёт кечирарди битта факир мард.
Дурадгор эди у тенгсиз, мислсиз.
Барчага меҳрибон, барчага ҳамдард.
«Усто Турсун» дея эъзозларди эл,
Ўз ризқу рӯзини топарди ҳалол.
Тонг чоги хушхабар бердилар унга
Фарзанд берди дея Тангри Зулжалол.
Нур таралар эди гўдак юзидан,
Хуршедмонанд эди, чиройли, соғлом.
«Илоҳим, кўпайсин ўз-ўзидан» деб
Гўдакка Мирзо деб қўйишдилар ном.



3

Буюк зот юз йилда келар дунёга,
Юзга кирибдилар мухтарам инсон.
Агар ҳақиқатни тан олсак дангал,
Унингдек шоирни кам кўрган жаҳон.
Гарчи шоирлар бор, бордир олимлар
Ҳеч ким шоир каби этмади парвоз.
Озодлик истаган мазлум халқларнинг
Дуосин олгандир сулҳпарвар устоз.
Улуг эди шоир шахси, бетакрор.
Оlam дарди билан яшарди мангур.
Истаги одамзод бўлмасин афгор,
Озод бўлсин қуллик кишанидан у.
Кезаркан Осиё, Африка бўйлаб,
Тинчлик ва дўстликни мадҳ этиб юрди.
Шоирнинг барҳаёт гояси билан
Оlamга танилди тоҷиклар юрти.
Бугун ҳам бизларга раҳнамодир у,
Сулху ваҳдат, дўстлик бош шиоримиз.
Эзгулик яшаган юрт бўлгай мангур,
Гуллаб яшнагайдир хур диёrimiz!

05.02.2010й.

ВАТАН ОБОД

Ватан обод йигитларнинг марди билан
Номард ўтар шаънида доф, гарди билан.
Эл севмайди кимнинг агар парвоси йўқ,
Одамларнинг қалбидаги дарди билан.

Мард яшаган юрт доимо bog бўлади,
Номардлардан элнинг қалби доф бўлади.
Ватанини фарзандидек севолганлар
Юрти учун суяничу тог бўлади.

Кўхна дунё чархпалақдек айланади,
Бунда ҳамма ҳокимликка шайланади.
Томирида мардлик қони жўшган зотлар,
Юртга асл сардор бўлиб сайланади.

Мансаб билан давлат дўстим омонатдир,
Элни алдаб жим юришилик хиёнатдир.
Гойиб жони фидо бўлсин халқи учун
Элу юртга хизмат қилмоқ матонатдир.

2002.



Ватан аждодлардан мерос бир қалъа,
Мозий ҳам ўзгармас яхши билингиз.
Бехуда сафсата, гийбатдан кўра
Сиз ҳам бу қалъага бир ғишт қўйингиз.
Аждодлар руҳини сиз чинқиратманг,
Улар шуҳратига тарих гувоҳдир.
Ўтганлар ҳаққига ёмон сўз айтмоқ
Тангри огоҳ этган қаттиқ гуноҳдир.

2003.



Мехри дарё, мард ҳалқимиз бор
Фахрлансак арзир чинакам.
Икки полвон курашга тушса
Дуо берар иккисига ҳам.
Мехри дарё, мард ҳалқимиз бор,
Одилликда тенги йўқ ҳакам.
Ким курашда номардлик қилса
Кечирмайди уни сира ҳам.

05.02.2010й.

АХИЛЛИК ҲАМ ИБОДАТДИР

Туғилган юрт она каби азизлигин
Дилдан туйиб яшамоқ ҳам матонатдир.
Ватан учун хизмат қилсанг чин юрақдан,
Ерда босган ҳар қадаминг зиёратдир.

Маърифатли бўлсин дея она элим,
Захмат чексанг ўлмасин деб она тилим.
Юрагингни кесиб ўтса ҳақнинг йўли,
Ҳар нафасинг, ҳар бир онинг ибодатдир.

Эй ватандош, шу азиз юрт-Тожикистон
Барчамизга жондек азиз, кутлуг макон.
Кел, яшайлик шу Ватанда ахил, омон,
Ахиллик ҳам яратганга итоатдир.

13.03.2010.

ЙИГИТ БЎЛСА

Йигит бўлса, шижаотли, мард бўлсин,
Юрагида ўти бўлсин, дард бўлсин.
Дўсту ёвнинг кўзларига тик қараб,
Сўзлолмаса ранги хазон, зард бўлсин.
Йигит бўлса иймон унга ёр бўлсин,
Ҳақ севгиси қалбида тумор бўлсин.
Эл дуоси билан кўкарап одам,
Эл учун тоғ бўлсин, чинор бўлсин.
Яшар бўлса ҳақ, адолат талашиб,
Йигитлик ҳам кетар унга ярашиб.



Рақиблар ҳам тан бергуси оқибат
Юрап наслу насабини сўрашиб.
Юртим бағринг тўлсин мард ўғлонларга,
Хизматингга бел боғлаган жонларга.
Сенинг она тупроғинг обод айлаб
Довруғингни ёйсин кенг жаҳонларга.

07.03.2010.

ОНА ШАҲРИМГА

Мен сени севаман, эй она шаҳрим,
Бир фарзанд онасин севган мисоли.
Хар гал кўрганимда илҳом бахш этар,
Қўлда китоб тутган шоир тимсоли.

Мен сени севаман, эй она шаҳрим,
Исми жисмига мос шаҳарсан гўзал.
Дараҳтлар, дарёлар шоирдир бунда,
Шоирдир бу юртда одамлар азал.

Мен сени севаман, эй она шаҳрим,
Бағрингда улгайдим меҳрингга қониб.
Фарзандман, бурчимни англайман дилдан,
Сени мадҳ этаман ишқингда ёниб.

2006й

ТОЖИГУ ЎЗБЕКЧА ШИРИН ШЕВАСИ

Шаҳрим кўчаларин кезиб юаркан,
Ажиб бир хислардан шодланар қалбим.
Сенинг хислатларинг ўйлаб кўраркан,
Тасанно айтаман мен сенга, ҳалқим.
Бирор бир шаҳарда бундай ҳолатни
Кузатган эмасман ўттиздан ошиб.
Ҳамдиллик аталган буюк неъматни
Аллоҳ сенга берган ризқингга қўшиб.
Келиб қолганида гапнинг жўяси,
Юрак сўзларимни айтмогим даркор.
Тожигу ўзбекча ширин шеваси,
Тошга жон бағишлиар гўзал тилинг бор.
Тожикча бошланса сухбатнинг боши,
Албатта ўзбекча топади якун.
Бунда ҳеч ким юрмас миллат талашиб,
Бунда ҳар бир инсон дилимга яқин.
Шундай аҳил, иноқ эл омон бўлсин,
Асло тўкилмасин кўзидан ёши.
Топгани доимо тўйга буюрсин,
Бошида порласин иқбол қуёши.

20.07.2006 й.



БОҒБОНДА

Дилим таскин топар
Бу ерга келсам.
Ёдимга тушади
Ёшлиқ дамларим.
Дурбентсой ғулувин
Бир бор тингласам,
Унут бўлар барча
Ташвиш, гамларим.

24.07.2012й.



Хатлонзамин бағрида кўпdir
Қадамжолар, зиёратгоҳлар.
Мен бу юртнинг хокини ўпдим,
Зиёратга борганим чоғлар.
Тавоф қилар зиёратчилар
Авлиёлар ҳаққи, хурмати.
Хатлонзамин узра эрта кеч
Ёғиб тураг Аллоҳ раҳмати.

2006й

ЧИЛЛАМАЗОР

Анжирқишлоқ яқинида
Бордир буюк зиёратгох,
Неча йилдир бу маконни,
Тавоғ қиласар Қалдирға төг.
Бир замонлар бу ерларда
Нафс-ҳаводан ӯзни поклаб,
Аллоҳ қули-авлиёлар
Ӯлтиришган чилла сақлаб.
Бунда худо зикри яшар,
Хар бир гиёҳ, япрогида.
Хақни севган зотлар ётар
Чилламазор қучогида.

2003.

ЧИЛЛАМАЗОРДА ЁЗИЛГАН ШЕР

Қирдаги қамишлар
Тарихдан сўйлар,
Қирдаги қамишлар
Аллоҳни ӯйлар,
Қирдаги қамишлар
Туну-кун бедор
Мангалик қўшигин куйлар.

02.05.2006



ТОЛБУЛОҚ

Эй толбулоқ, эй толбулоқ!
Ҳаволаринг кўнглим олди.
Бағрингдаги туғдонанинг
Шоҳларида дилим қолди.
Мангу яшил арчалардан
Яшаш сирин ўргандим мен.
Сувларингдан баҳра олиб,
Зикр айтган тилим қолди.
Сўқмоқ бўйлаб қирлар ошдим,
Ҳамроҳ бўлди тогу тошлар.
Улар ҳардам Ҳақни эслаб,
Туришларин билиб олдим.
Тол бағрида юрар шодон,
“Тақ-тақ” қилиб қизилиштон.
Какликларнинг сайроғидан
Хуш ҳол бўлиб ўйга толдим.
Эй толбулоғ, эйтол булоғ!
Ҳаволаринг кўнглим олди.
Бағрингдаги туғдонанинг
Шоҳларида дилим қолди.

04.2006.

ШИРКЕНТ ДАРЁСИГА

Хисор тогин кўкрагидан
Сизиб чиққан армон, дарё.
Нурдек тиник, зилол сувинг
Жонгинамга дармон, дарё.

Тўлқинланиб, жўшар юрак,
Шовқинларинг авжларидан.
Шоир бўлиб кетсам керак,
Илҳомланиб мавжларингдан.

Тўлиб - тошиб оқавергин
Эй сен, мовий карвон, дарё.
Хисор тогин кўкрагидан
Сизиб чиққан армон, дарё.

21.02.03.



ЯХШИОБОД МАДҲИ

Исми жисмига мос бўлгани яхши
Ҳар бир маҳаллаю ҳар бир работнинг.
Савобни ўзига шараф деб билган
Одамлари бордир Яхшиободнинг.

Гузарлари бордир кўркам ва шинам,
Мен меҳмон бўлганман неchalарида.
Худди афсонага тушиб қолгандек
Адашиб қоласан кўчаларида.

Бу қишлоқ қалбимни ўзига тортар,
Боргим келаверар уни сўроқлаб.
Бу қишлоқда яхши дўстларим яшар,
Яхшилардан ҳеч ким кетмас йироқлаб.

23.05.03

ШЕРХОИ БА ТОЧИКӢ НАВИШТАИ МУАЛЛИФ

*«Шоҳкоре не агар, байте бимонад ёдбууд
Дар забони миллати худ...»*

Бозор Собир

БА ХОТИРАИ УСТОД ЛОИҚ

Умри ҷавонам меравад, донӣ, намеоям дигар,
Ин достонам меравад, донӣ, намеоям дигар.
Дар ошиқи сарсон шудам, ҷонони ҷонам нест, нест,
Ин дилситонам меравад, донӣ, намеоям дигар.
Бишкуфта гулҳо буд ҳама дар ӯҷабоги ишқи ман,
Ин бӯstonам меравад, донӣ, намеоям дигар.
Таскин мадех, эй ту сабо, таскин намеёбад дилам,
Бишнав зи ман акси садо, донӣ, намеоям дигар.
Уммеди ман баҳти ту ҳаст, эй Тоҷикистон зинда бош!
Озурда ҷонам меравад, донӣ, намеоям дигар.

2009



Дўстон, як осмон дорем бас,
Як замин, як ошъён дорем бас.
Гар ҳазорон сол умри мо бувад,
Рафта як роҳи равон дорем бас.
Зиндагиро бо диёнат парваред,
Рӯзи маҳшар меҳрибон дорем бас.
Точику ўзбек пайванди ҳаманд
Дўстони роздон дорем. бас!

ИФТИХОР

Мекунам шукри Худо, зебо макон дорем мо,
Родмарду бохирад пиру ҷавон дорем мо.
Шуҳраташ дар назму ирфон гаштааст оламшумул,
Софу ширин аз сухан лафзу забон дорем мо.
Тоҷиконро эътироф бинмуда дар рӯйи ҷаҳон,
Фаҳр андар синаи худ як ҷаҳон дорем мо.
Сулҳу ваҳдат, рушди давлат, баҳти миллат аҳди ў,
Ворисе аз Оли Сомон ин замон дорем мо.
Номбардорони Сино, Саъдиву Айнӣ, Камол
Дар тамаддуни ҷаҳонӣ достон дорем мо.

ШИРУ ШАКАР

Дўстон! Чун қатраҳо чамъ омадем,
Мавж урармиз шўх, азим дарё бўлиб.
Даштҳоро мекунем шодоб мо,
Яшнагаймиз бир гўзал дунё бўлиб.
Дўстиро мо қавитар мекунем,
Бирлашурмиз янгидан эҳё бўлиб.
Аз чаҳолат меравем сўйи сафо,
Илму ирфон нуридан бино бўлиб.
«Мо барои васл кардан омадем»
Ошиқи девони Мавлоно бўлиб.
Оварад Қахҳор¹ гар дурри сухан
Бо Ҳасанбой шаккару ҳалво бўлиб.

14.06.2015

1. Ушбу шеър А. Қосим билан хамкорликда ёзилган.



БАҲОРИ СУЛҲ

Бо дўстон осон бувад ҳар мушкиле,
Бо дўстон обод бувад ҳар хонадон.
Дўстиро мекунем мо чустучӯй,
То ки, пайвандем бо ахли чаҳон.

Даври истиқлол-ин даврони мо,
Бахту иқбол кулди бизга ин замон.
Бир эрур Вахшу Бадаҳшонимиз,
Бо Ҳисору, бо Ҳуҷанди бостон.

Раҳнамои мо шуд Истиқлоли мо,
Қад кўтарди Парчам андар осмон.
Ваҳдати Миллӣ-баҳори сулҳи мост,
Тоҷикистон зинда бодо ҷовидон!

2015

БОРОНИ УМЕД

Борони найсони баҳор
Борони умеди мани.
Эй беҳтарини ман биё,
Имрӯз Хуршеди мани.

Биншаста андар чонамоз
Дасту дуо бардошта,
Сўйи Худо зорӣ кунем
Аз донаҳои кошта.

Хар як фаришта ин замон
Бо қатра борон омада.
Бар даштҳои бекарон
Бар кӯҳсорон омада.

Шукронай мо мешавад
Арзи сипоси мардумон.
Обод гардад ин макон
Озода мулки тоҷикон!

2013



МУХАММАС БАР ФАЗАЛИ МАВЛОНО ЧАЛОЛУДДИНИ БАЛХӢ

Гуфтам: эй, ту чонона мен ошигинг бӯларман,
Кӯйингда неча йилдир кўйиб, ёниб юрарман.
Уйинг остонасида зор, интизор турарман,
Дони, ки ман зи олам ёлгиз сани севарман,
Гар дар барам наёй, андар ғамат ўларман.

Чаро санам сахтдилӣ, токай бағрим тиларсан,
Севишимни сен ўзинг ахир яҳши биларсан?
Гоҳо шӯҳ назар ташлаб аҳволимдан қуларсан,
Ман ёри бовафоям, бар ман ҷафо қиласан,
Гар ту маро наҳоҳӣ, ман худ сани тиларман.

Ман ошиги васли ту, ту тахти Сулаймонам,
Сенинг учун майли, ёр, нисор мекунам ҷонам.
Гар раҳми ту наояд, бисӯзад хонумонам,
Рӯй чу моҳ дорӣ, ман содадил аз онам,
Зон шаккари лабонат ман як бӯса тиларман.

Гоҳ кибру ҳаво айлаб осмонларда учарсан,
Нозу карашманг бирла менга кафанд бичарсан.
Ӯлсам агар тӯсатдан «Э воҳ» дея қучарсан,
Ту ҳамчӯ шери масти, мани қоним ичарсан,
Ман чӯ сагони кӯят дунболи ту кезарман...

Гар хоҳи аз чашмонам ашки хунолуд резад,
Як лаҳза нигоҳ баҳшад он чашмони фирӯзат.
Ёки зар, баҳмал ёпиб менинг тобутим безат,
Фармой ғамзаатро, то хуни ман бирезад,
В- арна санинг ишқингда мен бир ёзғур ёзарман.

Ошиғи бенавонгман, ақлим кирган онимдан,
Ҳажринг ўтида ёниб мадор кетди жонимдан.
Ошиқлар тумор этса арзир менинг қонимдан,
Ҳар дам ба хашм гўй: кетгил менинг ёнимдан,
Ман рўй сахт карда(м) наздики ту туарман.

Эҳ, қанча сарсон юрдим дашту биёбонингда,
Бир гадога жой йўқми мулки Сулаймонингда?
Лайлымсан, Ширинимсан сан икки жаҳонимда,
Рўзи нишаста ҳоҳам ёлғиз сенинг ёнингда,
Сен-ла чогир ичаман, ҳам ман Қайс бўларман.

Келмасин деб бар дарат монди ҳазор қулфҳо,
Кетмагайман бўлса ҳам бошимга дор ин зулфҳо.
Тоқати тоқ бўлдими, дигар намуд рафтторро,
Моҳе, чу ШамсиТабрез гайбат намудо гуфто:
Аз ман дигар мапурсед, ман сўйладим, борарман.

03.03.2012 йил.

II

Ҳаёт деланчаги



- *Баҳор нафаси*
- *Наврӯз*
- *Наврӯз таронаси*
- *Баҳор манзараси*
- *Наврӯз тилаги*
- *Баҳор чоги*
- *Ортда қолди*
- *Кечиккан баҳор*
- *Боғбон қурларида*
- *Қуз манзаралари*
- *Қузда дараҳтлар*
- *Ҳамдардлик*
- *Дараҳтдаги*
- *Қумуш балдоқ*
- *Қии манзараси*
- *Остонада турадар янги йил*
- *Табиат қуйнида*
- *Янги йил тилаги*



БАХОР НАФАСИ

Февраль.
Қиш ҳам алвидо айтар.
Сезилади баҳор нафаси.
Қағ-қағ этар дараҳт шоҳида
Қарғалар галаси.
Майин еллар олиб келади
Димоғимга ялпиз бўйини.
Бутун борлиқ жўр бўлиб чалар
Софинч куйини.

2010й

НАВРЎЗ

Үйғониш фаслининг хушдир ҳар они,
Табиат кучоги гулга тўлмоқда.
Сойларда зилол сув оқар тўлгониб,
Баҳт, иқбол чечаги Наврўз келмоқда.

Дараҳтлар чизади яшил суратлар,
Севинч ёшларини тўқар булатлар.
Қуёш ҳам жилмайиб бизларни қутлар,
Баҳор келинчаги Наврўз келмоқда.

Оlamни тўлдириб қўшиққа, шеърга,
Баҳор яшил либос тўшади қирга.
Барака ургин қадайлик ерга,
Ҳаёт беланчаги Наврўз келмоқда.

30.03.2002.

НАВРЎЗ ТАРОНАСИ

Наврўз келиб кулди олам яшнаб еру осмонлар,
Қутлуг бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.
Фарбу Шарқдан юртимизга ташриф этар меҳмонлар,
Меҳмон эмас улар бизга дилдош, дарддош инсонлар,
Минг шукрим, пайдо бўлди бизга катта имконлар.

Паға-паға ёққан қорга тўлиб кетди ўнгу сўл,
Тоғларда қор мўлу анхор, дарёларда сувлар мўл,
Яшнаб кетса не ажаб ушбу йилда дашту чўл,
Наврўз келиб кулди олам, яшнаб еру осмонлар,
Қутлуг бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.

Хуш кўкламнинг ифоридан илҳом олиб ёздим шеър,
Парвардигор юртга тинчлик, белимизга қувват бер.
Айни меҳнат палласидир- дехқон ишлар тўкиб тер,
Наврўз келиб кулди олам, яшнаб еру осмонлар,
Қутлуг бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.

Табиатнинг гўзаллиги дилга шукуҳ баҳш этгай,
Бу шукуҳдан завқим ортиб дилнинг губори кетгай.
Адолатли бўлса подшоҳ эл ҳам муродга етгай,
Наврўз келиб кулди олам, яшнаб еру осмонлар,
Қутлуг бўлсин халқимизга шу фаровон замонлар.

19.02.2012.



БАҲОР МАНЗАРАСИ

Олисга чекиниб қора қаргалар,
Самога турналар аргимчоқ солди.
Қиши бўйи ях босиб ётган далалар
Баҳор либосига бурканиб олди.

Тоғдан эсиб келган ўйноқи еллар
Баҳор нафасини таратди ҳар ён.
Сойларда шалола-залвор кокиллар
Рақсида баҳорни қилди намоён.

Самонинг соҳиби- қудратли қуёш
Оlamга қўрсатди тилло тожини.
Бағрига чорлади баҳор елкадош,
Кўклам қўриқчиси - қалдирғочини.

Қўзгади баҳорнинг муаттар иси,
Дехқон қалбидаги файрат чўғини.
Вужудин эгаллаб меҳр туйгуси,
Ерга қадай кетди баҳт уруғини.

1985 йил.

НАВРҰЗ ТИЛАГИ

Етиб келди баҳорий айём,
 Кундуз билан кеча тенглашди.
 Үлкамизда бошланди байрам,
 Юраларга қувонч улашиб.
 Аямади Аллоҳ неъматин,
 Ёғиб берди ёмғир ҳам тинмай.
 Эрта тонгдан элни уйғотиб
 Жаранглади карнаю сурнай.
 Күчаларда одамлар гавжум,
 Ҳамма хурсанд, ҳамма баҳтиёр.
 Тарапади күй, құшиқ мавжи,
 Чехралардан тарапар зиё.
 Онахонлар қилиб муруват,
 Улашади муборак таом.
 Орамиздан кетма, оқибат,
 Наврӯзимиз бўлсин бардавом.

21.03.2004.

БАХОР ЧОФИ

Баҳор чоғи борган эдим Каронига
 Асир этди чучмомаю лолалари.
 Туғдонадан тумор ясад құлларига
 Тақиб юрар экан тоғнинг болалари.
 Эҳ тоғликлар, донолигу улуғворлик
 Хислатини сиз тоғлардан олганмисиз?
 Туғдонадек бўлсин дея, чайир, маҳкам,
 Болаларга тумор тақиб қўйганмисиз?!

27.04.03.



Ортда қолди совуқ қиши фасли
Ўз нурини сочди қуёш ҳам.
Еллар эсди баҳор нафасли
Келди бизлар соғинган кўклам.
Тарқаб қора булутлар аста
Чирой очди феруза осмон.
Ёмғир ёғиб ўтди оҳиста-
Яратганинг файзидан нишон.
Энтиқади озурда қўнглим
Исий бошлар музлаган танам.
Уйғонмоқда дилда умидим,
Баҳор, баҳор сени севаман.
Унутмоқлик гарчи қийиндир
Ноҳақ чеккан оҳу зорларни.
Баҳор, келгин, мени севинтири
Унутайин ғам, озорларни.
Ёмғирингда бошяланг бўлиб
Толгунимча тинмай югурай.
Баҳор сени ҳадя айлаган
Яратгандан күшойиш сўрай.
Токи тирик эканман бунда
Тарқ этмасин баҳтим, омадим.
Рози бўлсин мендан доимо
Ўтган етти пуштим, авлодим.

2008

КЕЧИККАН БАХОР

Март ойи. Танангга игнадек
Санчилар қаҳратон совуғи.
Қалдирғоч келмади негадир,
Ёйгани баҳорнинг довруғин.
Баҳорни соғинган булулар
Туну кун тўқади ёшини.
Майсалар совуқдан толиққан,
Уйқудан кўтармас бошини.

18.02.03.



Боғбон қирларида бошланди баҳор,
Бинафша атрини сочди ўзидан.
Қуёш ҳам нурланиб тиллақош тақди.
Булулар пардасин олиб юзидан.
Боғбон қирларида бошланди баҳор,
Яшил гиламини ёзиб ҳар ёнга.
Дурбентсой лиммо-лим гувуллаб оқар,
Худди шошган каби буюк уммонга.
Боғбон қирларида бошланди баҳор,
Үйғониш палласи дилларга ёқар.
Шайдо бўлган каби бу гўзалликка,
Зангори осмондан турналар бокар.
Боғбон қирларида бошланди баҳор,
Ям-яшил ҳислардан хушланар табъим.
Қалбимни муҳаббат истило этар,
Олис болаликда забт этган каби.

29.01.2005



КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

Кўнглим кулбасига ҳатто қил сифмас,
Билмам қай томондан бу шамол елди.
Ох дўстим, билсанг гар заминга эмас,
Менинг ҳаётимга тийрамоҳ келди.
Боғларда шовуллар дараҳтлар мунглиғ,
Хазонлар учмоқда мажруҳ ва ярим.
Йўқ, хазонлар эмас у сариқ рангли,
Менинг согинчлардан саргайған бағрим.
Феруза осмонда булат доғлари,
Қайдан келди дея бўлмагин ҳайрон.
Улар булат эмас менинг оҳларим
Кўкка кўтарилиб кезар саргардон.

2002



Кузда дараҳтлар ҳам оғир ўй сурар,
Хаёлларга чўмар шоирга ўхшаб.
Гўё омад ундан кетган юз буриб,
Ёки севган ёри кетгандек ташлаб.
Қушлар сийраклашиб қолган туюлар,
Сайроқ қўшиқлари янграмас шодон.
Замин узра ғамгин наволар куйлаб,
Хазонлар тўкилар мисоли армон.
Учишдан ҳориган оқкушлар мисол
Булатлар самодан боқишар хомуш.
Дараҳтлар шоирга ўхшаб ўй сурар,
Рухида кечгандек буюк уйғониш.

09.04.04

ҲАМДАРДЛИК

Видолашув қўшигини
Куйлаб ётар ҳазин боғ.
Солланади дов – дараҳтлар
Дили вайрон, бағри доғ.

Айрилиқнинг ёшлариdek
Ёга бошлайди ёмғир.
Бу боғ ичра йигламасдан
Юрмоқлик жуда оғир.

Азиз боғим, ўксимагин,
Менинг ҳам қўнглим ярим.
Юрагимни сенга очсам,
Тоғдек келар дардларим.

Кел, дардингни менга сўйла,
Сўнгра тинглагил оҳим.
Энди бизнинг жонимизга
Тўзим берсин Аллоҳим.

11.09.2002й



Дарахтаги ҳилпираган яшил япроқ,
Бир кун хазон бўлишини билармикан?
Кўзимни-ку тўлдиради бир кун тупроқ,
Аммо менинг гариб кўнглим тўлармикан?
Тунга менгзаб бормоқдадир кундузларим,
Осмонимда ғамгин боқар юлдузларим.
Нега эрта келдингиз сиз, ай, кўзларим,
Аммо менинг гариб кўнглим тўлармикан?
Бу дунёда неки бор маҳв этилгайдир,
Ҳатто азим тоғлар жундек титилгайдир!
Рухим-ку ўз қафасидан қутулгайдир,
Аммо менинг гариб кўнглим тўлармикан?

07.04.02

КУМУШ БАЛДОҚ

Балдоқ тақиб кумушранг ойдан
Кетар чинор уйқуга аста.
Кафтдек очиқ чинор баргига
Ой нурлари кўнар охиста.
Чор атрофни тутар сукунат,
Чулғаб олар оромбахш фараҳ.
Ойнинг кумуш ёғдуларида
Ором олар минг йиллик дарахт.
Юмиб олиб қабоқларини,
Чинор аста ухлаган чоғи.
Еллар – туннинг қароқчилари,
Олиб кетар кумуш балдоқни.

2003

ҚИШ МАНЗАРАСИ

Қор ёғади оппоқ ва майин,
Оқаради замин суврати.
Қор ёғади бирдам тинмайин-
Ёғилади Аллоҳ неъмати.
Йўл четида тизилган тутлар,
Оқ ипакдан кийишар кўйлак.
Қарғалар ҳам бир-бирин қутлаб,
Учидар шўх қўшиқ куйлаб.
Болакайлар совуқни сезмас,
Қувнашади яхмалак отиб.
Такинчоқдек уйлар томида
Сумалаклар туради қотиб.

29.12.02.



Остонада турар янги йил
Болаларнинг қувончи чексиз.
Таърифлашга ожиз ҳатто тил,
Орзулари бир олам, тенгсиз.

Қорбободан совғалар кутар,
Шеър айтишар янги йил ҳақда.
“Вакт не учун оҳиста ўтар,
Қорбобожон ҳозир қаёқда?”

Болаларга ҳавасим келиб
Ёзар экан янги шеъримни.
Ёд этаман юрак- юракдан,
Ўтиб кетган азиз умримни.

6.12.05



ТАБИАТ ҚҰЙНИДА

Адирларни, қирларни кезсам
Қувватланар юрагим ҳар дам.
Нафис-нафис чечаклар терсам
Унут бұлар барча ташвиш ғам.

Пичирлашар майсалар сирли,
Қүшлар мужда келтирап баҳтдан.
Томчилайди рахмат ёмғири,
Дарак беріб муқаддас аҳддан.

О, табиат сени англаган
Гүзәллигинг ҳис этгай дилдан.
Эрк ва ҳаёт салтанатида
Яшаганин сезиб күнгилдан.

15.04.2014

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАГИ

Умримизнинг дарахтидан чирт узилди,
Яшнаб турган яна битта япрогимиз.
Яратганга шукроналар келтирайлик,
Хеч сўнмасин дилда умид чирогимиз.

Тилагимдир янги йилда барчамиздан
Савоб ишлар ҳамда ширин сўзлар қолсин.
Йил сўнгига эслаганда армон эмас,
Юракларда эзгуликдан излар қолсин.

11.01.2010й

III

Мозийга айланган йиллар



- Эртанги болалар
- «Лисонут тайр»
- Алихонтўра Согуний хотирасига
- Рауф Парфи хотирасига
- Шавкат Раҳмон хотирасига
- Шавкат Раҳмоннинг армони
- Асқар Маҳкам хотирасига
- Халқ
- Тасанно
- Улус аҳволи
- Аҳд
- Ўзликка қайтиши
- Дорнинг огочи
- Ҳурлиқ ҳақида
- Озод бўлиб яшаш учун
- Дидорлар хуши қолинг
- Шоир кўзларимда
- Мен кетаман
- Оламни кезаркан
- Яхшилик ҳақида
- Яхшилигининг кўчаси
- Ҳар гал ўзим билан
- Болаликда Рӯза ойлари



ЭРТАНГИ БОЛАЛАР

Эртанги болалар ўткирроқ бўлар,
Пуркувват бўлади бизга нисбатан.
Улар ўз элининг бошини силар,
Эрк билан сийлайди уларни Ватан.
Халқини бошлайди улуғ йўлларга,
Туг қилиб ўзига буюк аҳкомни.
Шавкатбек Раҳмонни унутмас сира,
Ва севиб ўқийди Асқар Маҳкамни.
Муқаддас заминнинг бағрида ётган,
Буюк авлиёлар уларни қўллар.
Чунки валийларни зикр қилишни
Абдулло Зухурдан ўрганар улар.

2004

«ЛИСОНУТ-ТАЙР»НИ ӮҚИБ

Самода чинқирап боболар рухи,
Авжига чиқаркан шайтоний иллат.
Англолмас панд берди қайси гунохи,
Минг йиллик тарихи бўлган бу миллат.

Улуснинг бўйнида уқубат тавқи,
Дўзахий шаклда дунё намоён.
Одамда қадр йўқ, йўқ ҳаёт завқи,
Ердан кўтарилган инсофу иймон.

Одамий тилингни буткул унутиб,
Қушдек парвоз этсанг рухлар баҳрига.
Ёки сайдоралар бағрига учиб,
Танҳо қўним топсанг улар бағрида.

Тоат–ибодатни бажо келтириб,
Тинмай сажда қиласанг Ҳақ Таолога.
Одамий тилингни буткул унутиб,
Қушдек парвоз этсанг арши аълога.

2002.



АЛИХОНТҰРА СОҒУНИЙ ХОТИРАСИГА

Миллат юкин елкасида олиб юрган,
Маърифатнинг майдонида катта мерган.
Пайғамбарнинг тарихини ёзиб берган
Улуғ бобом элимизнинг посбони Сиз,
Юракларда армон бўлган достони Сиз.

Тақдир сизни олиб кетди Қошғар томон,
Эл дардида яшадингиз ҳар лаҳза, он,
Армонингиз эди озод, ҳур Туркистон,
Улуғ бобом элимизнинг посбони Сиз,
Юракларда армон бўлган достони Сиз.

Ватан ахли ҳар сўзингиз тинглар, суяр,
Тарих қылган хатоларни дилдан туяр.
Мардлар ўзи учун эмас эл деб куяр,
Улуғ бобом элимизнинг посбони Сиз,
Юракларда армон бўлган достони Сиз.

Саркардалик шиддати бор қонингизда
Хурлик ишқи жўш уради жонингизда.
Фарзанд бўлиб юрсан дейман ёнингизда,
Улуғ бобом элимизнинг посбони Сиз,
Юракларда армон бўлган достони Сиз.

17.07.06.



РАУФ ПАРФИ ХОТИРАСИГА

Бу юрт бағри ғам –қайғу бори,
 Кундузлари фарқ этмас тундан.
 Бор эди бир дарвеш шоири,
 Бугун қолди айрилиб ундан.
 Етти қават ер борар захлаб,
 Осмон тинмай тўқар ёшини.
 Шоирини севган дараҳтлар,
 Яшар мангу эгиб бошини.
 Дилга жойлаб Ватан ёдини,
 Озодликнинг тимсоли сўнди.
 Куйлармикан элнинг дардини
 Бирор шоир унингдек энди.
 Шоирлик касб эмас, қисматдир,
 Дард, алам бор ҳар бир ҳарфида.
 Самодаги турналар ҳатто,
 Видо айтар Рауф Парфига!

10.04.2005й

ШАВКАТ РАҲМОН ХОТИРАСИГА

Муқаддас айлаган Худо бу ерни,
 Бу ерда улуғлар арвоҳи кезар.
 Эрк қуши боғланган пўлат занжирни,
 Қилич кесолмаса ўткир сўз кесар.
 Зулфиқор рух билан яшадингиз сиз,
 Мудом дилга туғиб ёруғ ниятни.
 Ҳатто сўнгги йўлга кетар чоғингиз,
 Уйготиб кетдингиз буюк миллатни.

23.01.02.



ШАВҚАТ РАҲМОННИНГ АРМОНИ

Зафарга эришди яна бир карра,
«Наҳсдан бино бўлган шайтанат» аҳли.
Ҳалқчи, қолаверади ўз фикри билан
Тилида захрию, дилида қахри.

Қай бир гуноҳ учун каффоратдир бу,
Адолат насими эсмас батамом.
Қанақа эркинлик, кафолатдир бу,
Ҳоқонлар бузгунчи, оломон авом.

Токай панд етайдир имонин сотмай,
Элим деб яшаган дарёдил мардлар.
Қолдими бу юртда сафсата сотмай
Тили ва дили бир бўлган жўмардлар?

Бўхтону иғводан қилмасдан ҳазар,
Фитналар тўқилур, хукм ўқилур.
Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Номардлар устуну, мардлар йиқилур.

Эй, Худо, мен ожиз бандангни афв эт,
Сенга бўлсин барча ҳамду санолар.
Адолат насимин бизга насиб эт,
Ватанда янграсин шодон наволар!

05.03.2010.

АСҚАР МАҲКАМ ХОТИРАСИГА

Ваҳдат водийсини тутди ҳазин куй
Кофарниҳон оқди сокин, беисён.
Унинг соҳилига қайтди ушбу қун,
Бағри дарё шоир—муборак инсон.

Рухи ором топди сўнги нафасда
Омонат вужудин берди тупроққа.
Кутулди меҳрсиз бу тош қафасдан,
Озодликка чиқди-қовушди Ҳаққа.

13.03.2007й



ХАЛҚ

Гарчи шеър олами самовий ҳислар,
Самовий туйғулар дунёси эрур.
Менга халқ ҳақида ёзгин десалар,
Исёнли туйгулар қуюлиб келур.
Халқнинг гарданига юклаб тузумни,
Тўралар юраркан кайфини суриб.
Халқининг дардидан қалби эзилиб
Шоирлар жон берар минбарда туриб.
Бағри кенг бу халққа қойил қоласан,
Асло нолимайди чиқиб майдонга.
Бир бурда нон топса қулдек суюниб,
Шукrona қиласи буюк яздонга.
Корни оч бўлса ҳам, кўзи тўқ мудом,
Ҳиммату саховат бобомеросдир.
Ўзи емай, ичмай, йиллаб қилиб жам,
Уч кунлаб тўй қилиб бериши ростдир.
Бундай буюк қалбли элдир ягона,
Буюклиги йиллаб топгандир сайқал.
Унинг меҳнатига, садоқатига,
Фақат шоирлари қўяди ҳайкал!

2003

ТАСАННО

Бирлашмаган эл доим хор бўлар, талош бўлар,
Бундай элнинг бағри доғ, кўзларида ёш бўлар.
Бўлар элнинг фарзанди ўн бешида бош бўлар,
Эл дардини тинглаган ўғлонларга тасанно,
Ҳақ йўлини англаган инсонларга тасанно.
Юз йилда бир дунёга келар эмиш буюк зот,
Адолат бўлган мулкда кўнгиллар ҳам бўлар шод.
Мардлар йўлбошли бўлса ватан ҳам бўлар обод,
Эл дардини тинглаган ўғлонларга тасанно,
Ҳақ йўлини англаган инсонларга тасанно.
Сиз юрган бу тупрокда буюкларнинг изи бор,
Ортингизда миллатнинг минглаб қора кўзи бор.
Ҳасанбекнинг дилида сизга айтар сўзи бор:
Эл дардини тинглаган ўғлонларга тасанно,
Ҳақ йўлини англаган инсонларга тасанно.

19.08.2004

УЛУС АҲВОЛИ

Бунча ўртанмасанг ўзингни қийнаб
Улус аҳволидан куйиб-ёнмасанг.
Яшасанг бўлмасми нафсингни сийлаб
Бунча ҳам исёнкор, саркаш бўлмасанг?
Яшасанг бўлмасми сууруга тўлиб,
Ўзингча шодмону, ўзингча масрур?
Не обрў топарсан сен қалқон бўлиб,
Фақат сенда борми номус, ор, гурур?



Сен сира ишонма сўзомол халққа,
Улар қалтис чоғда сўзидан кечар.
Кеча Алмисоқда сўз бериб ҳаққа,
Бугун шайтон берган томоқни ичар.

27 июль 2013-йил.

АҲД

Сокинлик истайди рухим туну кун.
Етдими исённи енгмоқлик вақти?
Ислоҳ этгим келди бирма-бир бугун,
Хатога қоришиб сустлашган Аҳдим.
Бақир, чақирлардан фойда йўқ. Билдим-
Илдизи чуқурдир закқум дарахтин!
Шоҳи ҳам кенгайиб бормоқда илдам,
Аммо сафи сийрак бўйсунмас Аҳднинг!
Фожеа сирларин англамоқ учун
Мозийга айланган йилларга боқдим.
Аланга ўрнида бурқисирди тутун-
Чўғидан ўт олиб юракни ёқдим!
Энди ҳар лаҳзани ганимат билиб
Хурлик малаклари-тоза дилларга,
Муқаддас бу чўғни жойламоқ керак
Токи шайлансинлар кутлуғ йўлларга!
Токи юракларда ёнган бу оташ,
Ҳеч қачон сўнмасин-шудир бош фоя.
Токи манқуртликнинг темир қафасин
Эритиб ташлашга қилсин кифоя!

27 июль 2013-йил.

ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Бугун аста кийдим бобомдан қолган
Занглар «нақш» солган темир совутни.
Ертўла тўридан муқим жой олган
Ўтдонга қайтадан қаладим ўтни.

Дами ўтмас бўлиб қолган қиличга,
Ўт билан сувда хўп обутоб бердим.
Бехуда сочилиб ётган ўқ-ёйни
Эҳтиётлаб туриб бирма-бир тердим.

Йўл олдим отхонам сари оҳиста.
Пишқирган отимни силаб-сийпадим.
Эгар-жабдугини ўрнатиб аста,
Отни бўшатгандим-сакраб кишинади!

Ўйноқи от, айтгин, нечун кишинадинг,
Сездингми мендаги журъат-итобни?
Шу кеча билсанг гар қайта ўқидим
Бобомнинг мероси-кутлуг Китобни!

27 июль 2013-йил.



«Ассалому алайкум, дорнинг огочи»
«Қунтуғмиши» достонидан
«Бош үзи не керак эрки йўқ элга?»

Рауф Парфи

Эй, дор, сен туфайли неча золимнинг
Шаҳидлар хунида ювилган сочи.
То зулм, бор экан, ситам бор экан,
Қайга ҳам борарадик биз сендан қочиб:
Ассалому алайкум, дорнинг огочи!

Туркнинг бош авлоди Абу Турк Ёфас,
Унга тегишлидир туркларнинг тожи.
Тарих солиб турклар эркига қафас,
Уларни тариқдай ташлади сочиб:
Ассалому алайкум, дорнинг огочи!

Кимки эрк истаюр, адолат истар,
Охири сен бўлдинг сўнгги меърожи.
Эй, дор, «Қунтуғмиш»да илк бор жаранглаб,
Барча ҳақдилларга бердинг йўл очиб:
Ассалому алайкум, дорнинг огочи!

Токи эл, улусда бирлик йўқ экан,
Токи талош экан элнинг хирожи.
Эрксиз бошимизни этгали қурбон,
Қошингга келурмиз қўкракни очиб:
Ассалому алайкум, дорнинг огочи!

04.05.2012йил.

ҲУРЛИК ҲАҚИДА

Ҳурлик, озодлик деб қурашиб ўтган
 Азалдан миллатнинг зўр ўғлонлари.
 Бири ғолиб бўлиб мақсадга етган,
 Бири қувғин бўлган Ватандан нари.

Мен ҳам ўз-ўзимни савол айладим,
 Хўш, бугун мен қулман кимнинг олдида?
 Шунда рух қушимга панжара солган
 Рақибларим келди кўзим олдига.

Мени сарсон айлаб етаклаб юрган
 Асли, нафсим экан биринчи душман.
 Шайтони лаъиндир гиж-гижлаб турган,
 Шу иккисин енгсам, мен озод қушман.

11.02.2009 й.



Озод бўлиб яшаш учун қалбимизда
 Баъзан етмас журъатимиз, баъзан шуур.
 Жумбокъларга тўла ҳаёт мактабида
 Биз яшашни ўрганамиз бутун умр.

Руҳимизда жилваланган илоҳий нур
 Юксакларга чорлаб турар кўнглимизни.
 Лекин маккор рақибимиз шайтон қурғур
 Ҳар қадамда пойлаб турар йўлимизни.

2003



ДИЛДОРЛАР ХУШ ҚОЛИНГ

“Мени севган ёрлар хуш қолинг”

A.Маҳкам

Умр шоми яқиндир, дилдорлар хуш қолинг,
Бизга меҳр кўрсатган дўст- ёрлар хуш қолинг.
Гар йўқ эди заримиз, дилда қўпdir зоримиз,
Ҳиммати зўр, жавонмард ғамхорлар хуш қолинг.
Садоқатдан сўз айтиб сарсон бўлдик оқибат,
Мехрини дариг тутган маккорлар хуш қолинг.
Эл дардини дардим деб, доим миллат ғамин еб,
Она юртга бўй бўлган чинорлар хуш қолинг.
Зинҳор шону шуҳратмас шеър айтмоқлиқдан мурод,
Ватан мадҳин куйлаган ашъорлар хуш қолинг.
Ўтса Ғойиб дунёдан дардин айтотмай тамом,
Айтажаксиз сиз уни эй, ёрлар хуш қолинг.

31.10.09

ШОИР КЎЗЛАРИМДА ЯЛТИРАЙДИ ЁШ

Ҳовли орзу қилдим, бир кўркам ҳовли
Мевали дараҳтлар экилган қатор.
Райҳонлар ифори тарагиб майин
Шоир юрагимга илҳом бахш этар.
Ҳовуз бўйидаги супа устида
Ағанаб ётман хаёллар суриб.
Баланд кўтарилиган ишком остида
Марварид узумлар турад осилиб.
Аста бош кўтариб машриқ тарафдан
Ҳовлимга ўз нурин сочади қуёш.
Рухланиб бу гўзал неъмат – шарафдан
Шоир кўзларимда ялтирайди ёш.



Кўнглим кўтарилиб бу кайфиятдан
 Қидириб қоламан қоғоз, қаламни.
 Ёқтирамай қоламан худи шу пайтдан,
 Тош – бетон деворли совуқ хонамни.

26.09.2004й



Мен кетаман бир кун мардона
 Сўзларимни дунёга бериб.
 Мен кетаман нописандона
 Бу дунёдан қаҳ-қаҳа уриб.
 Мен кетаман бўлиб оввора,
 Бир қиз йиглар соchlарин ёйиб.
 Мен кетаман далли, девона,
 Дунё кетар ҳайратдан ёниб.

май 2001



Оlamни кезаркан ортди ҳайратим,
 Дардим ортиб борди юрак боғида.
 Англадим, умр ҳам олий неъматдир,
 Дардни енгадирман илҳом чогида.

Гарчи битилгандир тақдири азал,
 Танлаш ихтиёри бордир бандада.
 Комиллик йўлида юпанч шеър, газал,
 Шеърдан кечгум ҳаққа етган паллада.

10.03.2012й.



ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Яхшиликнинг кенг құчасида
Сийраклашиб қолди одамлар.
Хиёнатнинг тор құчасида
Эшитилар гурс – гурс қадамлар.
Сигингандек бутга, санамга,
Курсиларга баланд иштиёқ.
Етмоқ учун мақсад, амалга
Хиёнат құл келади күпроқ.
Нафсу тамаъ исканжасида
Ұзлигини унутгай башар.
Яхшиликнинг кенг құ八大
Иймони бут инсонлар яшар.



Яхшиликнинг құ八大и шунчалик ҳам тормикан?
Бу құчада ҳозир ҳам бирор одам бормикан?
Нафснинг истак майлиға эргашади одамлар
Яхшиликнинг йўлини танлаганлар хормикан?
Менимча яхшиликнинг құ八大и кенг ва ёруг,
Фақат фарқламоқ керак яхшиликни ёмондан.
Бу кенг, ёруг құчага кирмоқ учун аввало,
Бохабар бўлмоқ керак иймондан, иймондан.

23.07.03.



Ҳар гал ўзим билан қолганда ёлғиз
Қалбимда соғинчлар уйгона бошлар.
Озурда дилимни хаёл кемаси
Болалик фаслимга боради бошлаб.

Бир-бир ўтар экан ўтган умримнинг
Гўзал лаҳзалари қўзим ўнгидан.
Илҳом ошно этар юрак-қумримни,
Мен яшай бошлайман яна янгидан.

2003й.



Болаликда Рўза ойлари
Юрап эдик Рамазон айтиб.
Йўлга чиқиб ифтор маҳали
Кеч кирганда келардик қайтиб.
Хадяларни тенг бўлишардик
Белбоғларни ўртага ташлаб.
Болаликнинг ширин онлари
Эртакларга кетарди ўхшаб.

2002й.

IV

Шефрият



- *Кўнглим гулларини мен инишо этдим*
- *Навоий*
- *Менинг сўзим*
- *«Кичик дўрмон» илҳомлари*
- *Шоирлик*
- *Халқ шоирларига*
- *Шеърият*
- *Орзулари оппоқ элим*
- *Ўн олти ёш*
- *Ўйлар*
- *Шоир ва халқ*
- *Рост сўзни айтган марддир*
- *Шоирларга*
- *Тинчланаман*
- *Ораста юр*
- *Яшамогим шартдир*
- *Режсалар тузаман*
- *Ўтиб кетар бир кун умр*
- *Ёмғир ёғар*
- *Ўттиз етти*
- *Иқрор*
- *Кайфият*
- *Яхшиликнинг ранги*
- *Офтоб кўқдан боқади*
- *Бир куни*
- *Туморим*
- *Йўли очик бўлсин*
- *Баъзан*
- *Қисмат тегирмони*
- *Бу кун кимга айтдинг*



КҮНГЛИМ ГУЛЛАРИНИ МЕН ИНШО ЭТДИМ...

Илоҳо, бандай ожиз Ғойибман,
Шеърият сахнида ночиз Ғойибман.
Аммо умид бирла чекиб ранж, алам
Сенга роз айтмоққа тутдим мен қалам.
Чунки ноумидлик шайтонга хосдир,
Умид дилга қувват бериши ростдир.
Илк шеърий дафтарим атаб мен «Висол»,
Сенинг висолингни айладим тимсол.
«Руҳим ранглари»да ботиб хаёлга,
Ўзимни илк бора тутдим саволга.
Мени мафтун этди сенинг жамолинг,
Гўзаллик бобида фазлу камолинг.
Сўнг умримда кечди «Уйгониш фасли»,
Руҳимда бедорлик ва ёниш фасли.
Сен мени Мажнундек сарсон айладинг,
Кўйингда ошигу ҳайрон айладинг.
Дилим согарига ишқинг қуйилди,
Ҳар не кўрсам сенинг бўлиб туюлди.

Гоҳ Ватан ишқида, гоҳ ёр ишқида,
Гоҳ дилдор ишқида, дийдор ишқида,
Мехру мухаббатла мен ашъор битдим,
«Кўнглим гуллари»ни мен иншо этдим.
Ишонганим учун фазлингга сенинг,
Сўз айтмоқ истадим васфингта сенинг.
Шу ондан бошланди хижрон кунлари,
Хижронмас «Юракнинг маҳзун тунлари».
Кезиб юриб "Умр манзиларида",
Бахра олиб назм қандилларидан.
Она халқим учун бўлсин деб хадя,
Дўстлик ришталари бoggансин дея.
Таржима ишига мен жазм этдим,
Кудратим етгунча мен назм этдим.
Тартиб бердим ўртаб озурда дилни
Китобим «Ҳажрида қўйган кўнгил»ни.
Илоҳим, ниятга элтгувчи ўзинг,
Муродимни ҳосил этгувчи ўзинг.
Ожизона ёзган номаларимни,
Нома эмас, кўнгил нолаларимни.
Менга ҳам, элга ҳам сен таборак эт,
Ўқиган зотларга сен муборак эт!

27.05.2012йил



НАВОИЙ

1

Ишқ барқидан тушди менинг жонимга ўт,
Жон недирки тушди хонумонимга ўт.
Навоийни мутолаа айлаб эрдим,
Ҳоким ўлди ҳар лаҳзаю онимга ўт.

2

Васл умиди юрагимни фарқ айлади,
Умидсизлик вужудимни тарқ айлади.
Ёр сингари ёлгизлигин нажот йўли,
Англаб етгач Ёр ҳам мени дарқ айлади.

3

Ҳам тану ҳам жондан мурод Ёр васлидир,
Бу ганимат ондан мурод Ёр васлидир.
Рўзи маҳшар мақсадинг не деб сўрсалар,
Мен дегайман чекиб фарёд: Ёр васлидир.

06.12.08

МЕНИНГ СЎЗИМ

Болалиқдан шеъриятга шайдо бўлдим,
Кўнглимга қул, ширин сўзга гадо бўлдим.
Адо бўлсам мухаббат деб адо бўлдим,
Бойлик истаб қўлга қалам тутганим йўқ.
Инсон сабаб ҳар яхшию ёмонларга,
Лекин айбни ағдаради замонларга.



Ким юзини бурмаса эл томонларга,
 Мен уларни мардга қиёс этганим йўқ.
 Фахрлансам арзир юртим, элим билан,
 Шу юрт меҳри лим-лим тўлган дилим билан.
 Эл дардини куйлаб ўтсам шеърим билан,
 Бахтилидирман, ўзга баҳтни кутганим йўқ.

2002й

«КИЧИК ДЎРМОН» ИЛҲОМЛАРИ

Болаликдан зўр хавас билан
 Шоирликни қилгандим орзу.
 Хаёлимдан Дўрмон боғларин
 Кечар эди баҳору ёзи.
 Илҳомланиб гўзал шеърлардан
 Шеър ёзардим мен ҳам гоҳида.
 Эҳ, қанийди юрсайдим, дердим,
 Мен ҳам шоирларнинг сафида.
 Йиллар ўтиб мана ушалди,
 Қалбимдаги у гўзал армон.
 Турғун ака чойхонасини
 Атадик биз «Кичкина дўрмон».
 Бунда ширин сухбат, шеърлардан
 Ором олиб яйрайди диллар.
 Умид борким, бу нафис мажлис
 Давом этар яна кўп йиллар.

17.05.2004.



ШОИРЛИК

Шоирликни маддоҳлик билиб,
Қалам тутган булҳаваслар кўп.
Топган сўзни қофия қилиб,
Мадхиялар ёзишар тўп-тўп.
Анголмаслар, шоирлик асли,
Худо берган дардdir, жабрdir.
У таъмага бўлмагай таслим,
Шоир қалби улкан қабрdir.
Фақат ёниб битса ярашар,
Она юртни куйлаб қасида.
Шоир таъма либосин ташлар,
Шеъриятнинг бўсағасида.

06.04.02.

ХАЛҚ ШОИРЛАРИГА

1

Азалдан шарафли кордир шоирга
Туронда халқ учун жондан кечмоқлик.
Мусулмон ӯлкада ордир шоирга
Подшоҳлар соғлиги учун ичмоқлик.

2

Иқболи пастлиkdir, шармандалиқdir
Элнинг аҳволидан кўз юмар бўлсак.
Рост сўзни айтиш ҳам бугун мардлиқdir-
Боқийлик топармиз Ҳақ йўлда ӯлсак!

3

Токи эл зулмдан қутулмас экан
Чумчуқ юрак экан халқ шоирлари,
Зулм кишанлари ечили мас экан
Обод бўлмагайдир Турон ерлари!

12.10.2013-йил

ШЕЪРИЯТ

Шеърият, сен менинг тириклигимсан,
Сенсиз ўтган умрим тенгдир ўлимга.
Борган сари сени қанча кўп севсам,
Шунча гов кўпайиб борар йўлимда,
Хар битта мисрамда яшар умримнинг
Вақтни енгиб ўтган гўзал дамлари.
Эҳ қанча фурсатни бой бериб қўйдим
Банд этган чогида турмуш гамлари.
Токи мавжуд экан дилда иштиёқ,
Машъалдек кўтаргум шеър яловини.
Мен енгиб яшайман говларни, бирок,
Топа олсам басдир сўз қаловини.

18.02.2011



ОРЗУЛАРИ ОППОҚ ЭЛИМ

Ўзбекнинг ҳовлиси кўркам бўлади,
Ўзининг жамбили райхони билан.
Муаттар атридан кўнгил кулади,
Уйлари гўзалдир айвони билан.
Ўзбекнинг тили ҳам шакардан ширин,
Аския, ҳазили дилларга ёқар.
Каттаю кичиги сизлар бир-бирин,
Қалбида меҳрнинг дарёси оқар.
Ўзбекнинг уйи ҳам мудом бозордир,
Бир этак ўғилу қизлари билан.
Орзулари оппоқ, ниятлари соф,
Меҳмон кутар нону тузлари билан.
Ўзбекнинг тушига жаннатлар кирап,
Эзгулик безайди хаёлларини.
Ўзбек аёллари гулларни севар,
Эрлари севади аёлларини.

08.2005

ЎН ОЛТИ ЁШДАМИЗ

Ўн олти ёшдамиз дўстларим бугун
Қувонч шодлигимиз сигмайди танга.
Хаёллар бир нафас бермайди тиним,
Юракда туйғулар олар аланга.

Ўн олти ёшдамиз дўстларим бугун.
Болаликнинг сўнгги ёшидамиз биз.
Бизни кутаётир зафарлар муштоқ,
Зафарли йўлларнинг бошидамиз биз.

Кириб бораяпмиз боқий ҳаётнинг,
Қувончу ташвишли қучоқларига.
Кириб бораяпмиз биз ҳиссиётнинг,
Чўғи яшнаб турган ўчоқларига.

1984й.



ҮЙЛАР

Чексиз ҳасратларнинг ғариб макони-
Кўнглим дардларига излайман дармон.
Англайман умрнинг етгач хазони,
Ёшлик бўлар экан энг буюк армон.
Бир пайтлар баҳорий ёмғирдек шошқин,
Тошқин дарёлардек жўшиб, ўйноқлаб,
Мен шеърга солардим ёруғ ҳисларни,
Юлдузлар сафидан топиб, сўроқлаб.
«Муқаммал кўрмоқчи бўлиб дунёни»¹
Интилиб яшадим ёруг кунларга.
Юракдан улашиб меҳр–зиёни,
Умримни қизгандим қаро тунларга.
Аммо нима топдим, нега эришдим,
Фақат дардмандликни топди юрагим.
Халқнинг бахти дея доим талашдим,
Эзгу, буюк эди дилда тилагим.
Йўқ, йўқ. Мен бахтлиман, жуда бахтлиман.
Кўнглим буюрганин ёзолдим ҳар он.
Демак, яшаш учун ҳали ҳақлиман,
Демак дардимга ҳам топаман дармон.

2003.

1. А. Орипов сатри.

ШОИР ВА ХАЛҚ

Қизиқ бўлар шоирлар жуда
 Бир-бирини тушунмас сира.
 Баҳслашарлархуда-бехуда,
 Табъларини қилишиб хира.
 Гўё улар айтган сўзидан,
 Ҳал бўлади ҳалқнинг ташвиши.
 Ҳалқ югурар пулнинг изидан,
 Шоир билан ҳатто йўқ иши.

26.12.02.

РОСТ СЎЗНИ АЙТГАН МАРДДИР

Арслон изидан қайтмас, йигит сўзидан дерлар
 Лафзи йўқ зотлар мудом ҳалқнинг бошига дардdir.
 Яхши-ёмон кунларда марду номард билинар,
 Қилич келса ҳам бошга рост сўзни айтган мардdir.
 Ҳақ ризосин топмоқлик ҳар бандага қарз эрур,
 Бу бизга Яратгандан фарз бўлган буюк аҳдdir.
 Ваъдага вафоси бор дилларда жўшар суур,
 Қилич келса ҳам бошга рост сўзни айтган мардdir.
 Ёлғончи, мунофиқни Ҳақ ҳам, ҳалқ ҳам севмагай.
 Ёруғ юзла яшамоқ нақадар олий баҳтdir.
 Имони бор инсонлар то абад кам бўлмагай,
 Қилич келса ҳам бошга рост сўзни айтган мардdir.

19.01.05



ШОИРЛАРГА

Ҳаёт давом этаркан мудом,
Янгилана заминнинг юзи.
Неча- неча шаҳар, қишлоқни
Вақт шамоли кетади бузиб.
Улар кетар мозий қаърига,
Номини ҳам эсламас башар.
Лекин тарих китобларида
Шоири бор қишлоқлар яшар.

24.05.2003.



Тинчланаман шеърга қўчириб
Юрагимнинг ларзаларини.
Сатрларга бераман бўлиб,
Ўз умримнинг лахзаларини.
Умр тангри берган омонат,
Бир қун келар унинг поёни.
Лекин мангу яшар умримнинг
Сатрларда акс этган они.

28.12.02



Ороста юр,озода кийин,
 Ӯзингни тут, оқшому сахар.
 Кўникмасанг бўлади қийин,
 Қабул қилмас сени бу шахар.
 Дардинг бўлса ичингга ютгин,
 Ҳар даврада юрмагин айтиб,
 Ҳаммасидан воз кечиб буткул
 Мен Богбонга кетаман қайтиб.
 Нимага ҳам эришдим, бу тош–
 Шаҳарларга умримни бериб.
 Баҳтли эдим юрганда бебош,
 Адирларда бойчечак териб...

26.12.02.

ЯШАМОГИМ ШАРТДИР

Мени қуршаб олиб тинчлик бермайди,
 Қайғу ҳасратларнинг кучли еллари.
 Қўзим очмоқликка имкон бермайди,
 Таъна, маломатнинг қора дўллари.
 Мени қуршаб олиб, тинчлик бермайди,
 Бу еллар эсдилар қайси томондан?
 Фарёд чекай десам- фойда бермайди,
 Таъна эшитаман яхши, ёмондан.
 Теграмда айланар қайғу еллари,
 Қисматим шу экан, иложим қанча.
 Тош келса кемириб, сув келса симириб,
 Яшамогим шартдир энди ўлгунча.

01.02.2010й



Режалар тузаман эртани ӯйлаб,
Бугунимдан асло кўнглим тўлмайди.
Кечаги кунларим тушса ёдимга,
Чексиз армонларнинг доги қийнайди.
Умрим ӯтиб борар мана шу тахлит,
Қатра ором йўқдир менинг жонимда.
Ӯтмишу келажак қиласи таҳдид,
Яшамоқчи бўлган хар бир онимда.

03.02.03



Ӯтиб кетар бир кун умр-туш,
Эрта тонгда уйгониб кетгум.
Шунда балки инжа рухимнинг
Маъносини ҳам англаб етгум.
Узиларман ернинг қарзидан
Топширарман унга вужудни.
Бандиликда яшаш тарзидан
Олиб кетгум ёлғиз сужудни.
Тарк этмаса дилни умидим,
Ҳамроҳ бўлса иймон, эътиқод.
Юксакларга парвоз этарман
Юз очади абадий ҳаёт.
Сокин тунлар кезаркан рухим,
Коинотлар, қитъалар аро.
Сени асло эслагим келмас
Гуноҳларга бошлиган дунё.

2011



Ёмғир ёғар тун бўйи тинмай,
Бўйсиниб тангрининг амрига.
У тонгни соғиниб ёғади,
Йиглайман кўшилиб ёмғирга.
Тун бўйи чак-чаклаб ёғади,
Дардим-да тўкилар тун буйи.
Бағримни соғинчлар ўртайди,
Мен тонгни кутаман шу қуий.

04.09.2005



Ўттиз етти, ўттиз етти,
Яrim умрим ўтиб кетди.
Осмон эди кўзлаганим,
Вафо эди излаганим,
Тақдир хукми бешафқатдир,
Армон бўлди сўзлаганим.
Ўттиз етти, ўттиз етти,
Яrim умрим ўтиб кетди,
Бу шум рақам ёқмас сира,
Қийнар мунгли бир хотира.
Кўз олдимда гавдаланар,
Қатағон йил фира-шира.
Ўттиз етти, ўттиз етти,
Яrim умрим ўтиб кетди.
Битта савол қийнар чунон,
Жавоб топмай ўртанаар жон.
Ўлсам мени эслагулик,
Қолдирдимми бирор нишон?!

14.06.05



ИҚРОР

Ҳайиқмасман ёвлардан аммо,
Дўстларимдан қўрқаман бироқ.
Неча дўстим ёнимда юриб,
Кўкрагимга қадади пичоқ.
Айб ўзимда, дея, ҳар қалай,
Мен кечирдим уларни бесўз.
Янги дўстлар топдим бир талай,
Ёвдан бадтар меҳру вафосиз.
Ва англадим бу олам аро,
Битта дўст бор, бор битта ғаним-
Ягона дўст ўзингсан, Худо!
Шайтон эрур асл душманим.

08.08.2004й

КАЙФИЯТ

Баъзан тоғларнида талқон қилгудай,
Ўзимда катта бир кучни сезаман.
Баъзан эса ғариб бир мусоғирдай,
Ғамгин сатрларла шеърлар ёзаман.
Гоҳ қувнаб юрсакда, гоҳида ғамгин,
Қалбимизда мудом соғ бўлсин ният.
Инсоннинг ҳар қандай харакатини,
Бошқариб турувчи асли кайфият.

2006

ЯХШИЛИКНИНГ РАНГИ

Яхшиликнинг ранги аслида
Камалақдек ранг-баранг, порлок.
Қора ранг ҳам гўзалдир жуда,
Ёмонликнинг ранги йўқ бироқ.
Бўлиб бериш керак бўлса гар,
Ҳар бир рангга битта фазилат.
Иккиланмай ҳар битта рангга
Эзгуликдан тақардим зийнат.
Қизил рангда товланар шафқат,
Ям-яшилдир савобнинг ранги.
Хайриҳоҳлик энг мовий хислат
Шундан ҳаёт гўзал ва рангин.
Инсоф азал бинафша тусли,
Оппоқ эрур меҳр-оқибат.
Сариқ рангга менгзайди соғинч,
Қора рангда соғлом рақобат.
Хуллас, жами ранглар аслида
Яхшиликнинг йўлида чироқ.
Қора ранг ҳам гўзалдир жуда
Ёмонликнинг ранги йўқ бироқ.

2003.



Офтоб кўқдан боқади ҳоргин,
Кезиб юрар кузнинг шарпаси.
Замин узра тўшалар сўлгин,
Хазонларнинг заррин кўрпаси.
Хазон топди яна бир йилинг,
Мустахкам бўл, қалбим қўргони.
Куз бу асли ўлим ҳақдаги,
Сабогидир кўхна дунёнинг

2002

БИР КУНИ

Бир куни хазонлар пойимга
Поёндоз мисоли тўшалгай.
Сарғайиб тош қотган армоним,
Бир куни тупроқдек ушалгай.
Бир куни бу хаста вужудим,
Рұхимни қўйворар қафасдан.
Тириклик занжири узилиб,
Кетгуси энг сўнгги нафасдан.
Кетарман тарк этиб заминни
Күш каби учарман арш томон.
Мўминлар айтишгач «Омин» ни,
Рұхимда бир байрам бошланар...

2001.



Ўзинг асра мени туморим
Нажотгоҳим, содик ҳамроҳим.
Сўнди қалбда умид чироғим
Худойимга етмади оҳим.
Ортда қолди ёруғ ўйларим,
Йўлларимда хира туманлар.
Одамлармас мени гүёки
Ўраб олган чаён, илонлар.
Ўзинг асра мени туморим,
Узоклатгин бир зум фироқни.
Токи аста ортга қайрилиб,
Ёқиб олай ўчган чироқни.

2001



Йўли очик бўлсин йигитнинг илло,
Умидли дунёда эртаси бўлсин.
Баъзан омад ундан тушса ҳам айро,
Қадди дол бўлмасин, елкаси бўлсин.
Турли тасодифга тўладир дунё,
Баъзан сийлар, баъзан қаттиқ ранжитар,
Йўли очик, бўлса йигитнинг илло,
Ҳаёт залворини елкада тутар.

2003.



Баъзан ҳаёт менгзайди дорга
Яшамоқдан қолади кўнгил.
Хиёнатнинг тиконларига
Дош беролмас умр-нозик гул.
Шунда ўздан сўрайман ахир
Бу дунёга келганмиз нечун?
Ахир бизни яратган Яздан
Мўжизалар яратмоқ учун.

2003.

ҚИСМАТ ТЕГИРМОНИ

Ҳамроҳ бўлиб гоҳо яхши, ёмон билан
Гоҳо шодлик, гоҳо алам, армон билан.
Муросада яшамоққа маҳкум инсон
Ўзи яшаб турган давру замон билан.
Умр йўли баъзан равон, баъзан эса
Тўсилгандир турфа кири довон билан.
Кимга омад кулиб боқса, голиб ўша,
Үйғунликда яшагайдир жаҳон билан.
Дунё қисмат тегирмони, омадлидир
Бу дунёда ким яшаса иймон билан.

13.07.2012йил

*«Бу кун кимга айтдинг,
Кимларга айтдинг?
Баъзан одам эмас, шоирлигимни».
Асқар Маҳкам.*

Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Мен сенга ишониб айтган сиримни.
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Танҳо сенинг учун айтган шеъримни.
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Дунё деб оримдан кечмаслигимни.
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Хатто сенинг учун ичмаслигимни.
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Гоҳида шайтондан мағлублигимни.
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Айбим-бир озгина мағрурлигимни.
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Мен ҳам ҳом сут эмган бир бандалигим.
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?
Худонинг олдида шармандалигим...
Бу кун кимга айтдинг?
Кимларга айтдинг?

2013 й

V

Жигарданулари



Аждодларимизнинг пок рухларига багишланади

- *Мирзобек бобомнинг армони*
- *Давронбек бобомнинг армони*
- *Қамчинбек бобомнинг армони*
- *Наманган согинчи*
- *Гарчи Ватан*
- *Куйлагандা*
- *Илтижсо*
- *Согинч*
- *Буюк давлат*
- *Онамни согиниб*
- *Қишилогимга кириб бораркан*
- *Онам тирик бўлганида*
- *Изтироб*
- *Боғбонқишилоқ ҳувиллааб қолди*
- *Онам хотирасига*
- *Бошимга савдолар юбрди*
- *Дуо қилинг азизлар*
- *Янгаларим*
- *Ўзларингиз*
- *Она*
- *Дуолари қалқон онам*
- *Опам ва поччамга*
- *Марсия*
- *Орзу*
- *Одам*
- *Тилак*
- *Ватан баҳти*
- *Қизим Наргизага*
- *Ўглимга насиҳат*
- *Ўглим Маъмуржонга*
- *Ўглим Маъруфжонга*
- *Жасурбекка*
- *Қўнглим гули*
- *Ўгит*



МИРЗОБЕК БОБОМНИНГ АРМОНИ

Юртни босди насл – насабсиз,
Диёнатни унутган каслар.
Мени сотди қўрқоқ, иймонсиз,
Тузим ичган у зоти пастлар.
Йўлга тушдим пою пиёда,
Бошим олиб кетдим мен сендан.
Молу мулкни нетгум дунёда,
Бағрингга гар сигмасам, Ватан.
Сарҳадингдан мен кетдим йироқ,
Қўниб топдим фақат шу жойда.
Қамишзорлар босган бу тупроқ,
Ватан, сенга жуда ўхшайди.
Мен ишладим, тинмай ишладим,
Айлантиридим юртни чаманга.
Узун тунлар кўрган тушларим,
Сен ҳақингда бўлди Наманган.
Ота-онам хоки бор сенда,
Рухим сенда, гарчи бунда тан.
То қиёмат ёнгум кўйингда,
Пешонамга сигмаган Ватан.

2001

ДАВРОНБЕК БОБОМНИНГ АРМОНИ

Қора кунлар келди чинакам
Осмон узоқ, ер қаттиқ бўлди.
Наҳот юртда йўқ одил ҳакам
Дашти қипчоқ қабрга тўлди.
Акам, менинг мард, ботир акам
Бошинг олиб қайларга кетдинг.
Дилни тиғлар бир аччиқ алам,
Қай ўлкага, манзилга етдинг?
Қайга борай бу ердан кетиб,
Укам сари бормоқ таҳлика.
Тақир чўллар, тоғлардан ўтиб
Топарманми мен сизни ака?
Бу юрт нега бунчалар сабил,
Бу юрт нега фафлатда қотган?
Қайси айби учун бу халқни,
Тангрим томуғ-дўзахга отган?!

Акам, менинг мард, ботир акам
Юриб-юриб сизни топарман.
Баланд тоғлар бағрида қолиб
Ватан, сени мен яратаман.

11.03.2001йил



ҚАМЧИНБЕК БОБОМНИНГ АРМОНИ

Миллатчи деб атабсан мени нокас,
Миллатимни жондан азиз кўраман.
Бой одамнинг фарзандиман бу ҳам рост,
Шунинг учун назарим тўқ юраман.
Не истайсиз эй, кўзи оч нокаслар,
Аллоҳ севиб имон берган элимдан?
Оқ, қизилга бўлинган ғофил каслар,
Қийнасанг ҳам қайтмагайман йўлимдан.
Ўз беклари бирлашмаган ўлкада
Хазон бўлди жаннатмакон боғ-роғлар.
Бўлинганни бўри еди йўлкада,
Ёпирилиб келди қўшкалла зоғлар.
Биз алдандик сиёsatнинг макрига,
Асли оқ ит, қора ит ҳам бир бўлди.
Эрк истасанг агар халқим дунёда,
Бир ёқадан бош чиқариб юр энди.

2001йил.

НАМАНГАН СОФИНЧИ

Наманган, қайдасан боргим келодир,
 Олма, ўригингни тергим келодир.
 Олма, ўригингни кўзимга суртиб
 Давру давронимни сургим келодир.
 Наманган, гулларга тўлган диёрсан
 Азалдан севимли бўлган диёрсан.
 Бобомнинг армони менга ҳам ёрсан
 Богингдан гулларинг тергим келодир.
 Наманган, сойларинг сувларга тўлди
 Сув эмас сой тўла кўз ёшлар бўлди.
 Юрак тўла соғинч, армонлар қолди,
 Армоним дунёга ёйгим келодир.
 Наманган, эврилиб нурга замонлар,
 Кўркингдан яшнагай давру давронлар.
 Мен ҳам ошиб бир кун тоғу довонлар
 Бағрингда бир умр қолгим келодир.

2001.



Гарчи ватан туғилган тупрок,
 Лекин тортар аждодлар қони.
 Соғинаман мен сени кўпроқ,
 Боболарим қутлуг маскани.
 Мұхаббатинг тарқ этмас дилни,
 Сен оловсан қалбимда ёнган.
 Машраб каби соғиндим сени,
 Боболарим шаҳри Наманган.

25.10.05



Куйлаганда ҳофизлар жўшиб,
“Наманганинг олмаси”-н ҳар чоғ.
Жўр бўламан мен ҳам қўшилиб,
Кўнглим яшнаб кетар мисли боғ.
Соғинчларим тўкила бошлар,
Хил-хил пишган олмалар янглиғ.
Кўзларимдан сизилар ёшлар,
Борай десам йўлларим боғлик.

2005.

ИЛТИЖО

Хазон фасли тиним билмай ёқкан ёмғирлар мисол,
Кўзларимда ёшларим шашқатордир, шашқатор.
Юрагимни ғам булути ўртагай тун- кун эзиб,
Хаёлимни ота-онам хотираси банд этар.
Дилга ором тополмайман, келаверар бўзлагим,
Титроқ тутар совукларга дош бермас бу танамни.
Ота-онам меҳрин қўмсаб, дийдорини излагум,
Рахматингга олгин тангрим, менинг ота-онамни.
Ота-она давлат экан, қиёси йўқ бир давлат,
Афсус қадрин билмагаймиз улар тирик чоғида.
Тангрим, сендан тилайдирман тириқдирман то абад:
Қабрларин боғча айла жаннатингнинг боғидан.
Ётган жойин тупрогини айлантир пар тўшакка,
Ҳавзи Кавсар сувидан бер, эшит менинг ноламни.
Бу дунёдан яхшиликни кўрмай кетишиди улар,
Рахматингга олгин тангрим, менинг ота-онамни.

Суюкли зот шафоатин насиб айла уларга,
 Ҳисоб чоги ўнг томондан бер номаи аъмолин.
 Пулсиротдан ўтган чоғда чироғ бўлсин иймони,
 Қиёматда сен улардан дариг тутма жамолинг.
 Қодир эгам, Раҳимдирсан, Раҳмондирсан сен ўзинг,
 Қудратинг-ла яратгансан ўн саккиз минг оламни.
 Гарчи ожиз бир қулингман, эшит менинг дил сўзим:
 Раҳматингга олгин тангрим, менинг ота-онамни.

04.03.2012 й.

СОФИНЧ

Тушларимга кирмай қолсангиз
 Соғинаман сизни, дадажон.
 Бажардимми бурчимни дея,
 Изтиробда ўртанади жон.
 Баъзан тунлар уйкум келмайди
 Ташқарида юраман дайдиб.
 Юрагимда қуёш кулмайди,
 Киргим келмас хонамга қайтиб.
 Субҳидамда қабрингиз сари
 Йўл оламан қийнар армонлар.
 Хотирамдан кечади бир-бир
 Биргалиқда ўтказган онлар.
 Ҳар гал сизнинг пойингизда жим
 Ҳаққингизга қилгандা дуо,
 Фамдан адo бўлган қалбимга
 Қуёш соча бошлайди зиё.

2003.



БҮЮК ДАВЛАТ

Умид билан оқ ювади, оқ тарайди.
Фарзандим деб эркалайди, куйинади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги
Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.

Бир бурда нон ё ширинлик топса агар,
Ўзи емай фарзандига илинади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги
Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.

Рўзғор деймиз, юмуш деймиз, югурамиз,
Бизлар учун булар мухим туюлади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги
Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.

Бир боргина эшитсан деб овозларин,
Соғинчлардан юрак бағрим тилинади.
Ота-она қандай буюк давлатлиги
Фақат улар ўтгандан сўнг билинади.

09.02.2005.

ОНАМНИ СОФИНИЙ

Қабрингизда очилибди райхон, она,
Юрак бағрим изтиробдан вайрон, она.
Сизсиз умрим боти сариқ, хазон она,
Күз ёшимдан тұлды сою сайхонона.
Богбон қирга яна баҳор қайтиб келди,
Қалдирғочлар құшиғига олам тұлди.
Йұлингизда икки күзим гирён бұлди,
Наҳот энди сизни құрмоқ армон, она.
Бир сиз билан қаро тупроқ тұярмиди?
Мен йигласам бирор инсон куярмиди?
Мени сиздек бирор инсон суярмиди?
Пойингизга бұлай ұзим қурбон, она.
Энди менинг бошларимни силайди ким?
Саҳарларда менга оқ йўл тилайди ким?
Бир кун ӯлсам «ӯғлим»дея йиглайди ким?
Сиз эдингиз бошимизга посбон, она.
Айтган билан битмас дардим, ожиз тилим,
Ҳасратларга тұлған менинг ох, бу дилим.
Софинчлардан бағрим бұлди тилим-тилим,
Күз ёшимдан тұлды сою сайхон, она.

20.03.02.



Қишлоғимга кириб бораркан
Ховлимизга яқинлашган дам,
Мени кутиб ўлтирган каби
Туюлади, меҳрибон дадам.
"Ўғлим, яхши келдингми?" -дея,
Тикилгандек кўзимга оғир.
Йўл бошлайди ҳовлига қараб,
Оҳ, соғинчдан юрагим оғрир.
Ўтар экан остона ошиб,
Бир нур чулгар сеҳрли, жозиб,
Ана, тахта сўри устида
Бувим кутар дастурхон ёзиб.
“Болажоним, келасан дея,
Ёпиб қўйдим сенга иссиқ нон.
Қўзларингдан бувинг ўргилсин,
Кел, бағримга босай, болажон!”
Оҳ, қадрдон она масканим,
Ширин хотиралар қўргони.
Ҳар гал сенинг бағрингга келсам,
Ота-онам келар кўргани.
Ховлидаги райхонзор бўйлаб
Онам ташлар оҳиста қадам.
Уфқларга тикилиб ўйчан,
Хаёл суриб ўлтирас дадам.

16-17.2009.



Онам тирик бўлганида
Фам нелигин билмас эдим,
Онам тирик бўлганида.
Асло бемор бўлмас эдим,
Онам тирик бўлганида.
Кутганимиз меҳмон эди,
Ховли тўларайхон эди
Хар ишда бош, сорбон эди
Онам тирик бўлганида.
Опаларим иноқ эди
Укаларим қувноқ эди,
Йўлларимга муштоқ эди,
Онам тирик бўлганида.
Шоир эдим, оқин эдим,
Олов эдим, чақин эдим,
Мен жаннатга яқин эдим,
Онам тирик бўлганида.

27.12.05.



ИЗТИРОБ

Юпанч йўқдир дил түгёнига,
Жудоликдан эгилган бошим.
Мўминхўжа қабристонида,
Ётар менинг ою қуёшим.

Ҳаётимнинг юлдузи сўнган,
Осмонларим булутли, хира.
Юрагимни тилгани тилган,
Зулфиқордек кескир хотира.

Тополмайман энди сўроқлаб,
Кўзларимдан сизилар ёшим.
Қизғалдокдек бағримни додглаб,
Ботиб кетди ою қуёшим.

2002.



Боғбон қишлоқ ҳувиллаб қолди,
Ўтиб кетди қанча азизлар.
Юрагимнинг қабатларида
Қолдиришиб муқаддас излар.
Болаликни эсларкан ҳар гал,
Қалбим ўқсиб кетар аламдан.
Муслим момо, Саодат хола,
Бувим, дадам ўтди оламдан.
Бир болага етти маҳалла
Ота-она деган гап ҳам бор.
Хаёлимдан ўтиб туради
Қўшниларим сиймоси такрор.
Боғбон қишлоқ мунис бағрингга
Келиб яна яйраб овундим.
Қайда бўлмай, қаерга бормай,
Сени қўмсаб сени соғиндим.
Қалби дарё одамларингдан
Мехр қўриб ғазаллар битдим.
Фақат сенинг бағрингдагина
Мен ўзимни енгил ҳис этдим.
Ҳали ҳануз қўмсайди юрак,
Илк мактабга борган дамларни.
Илк муаллим - Ражабов домла,
Ва Нурали муаллимларни.
Боғбонқишлоқ ота-онамдан
Менга қолган ёдигорликдирсан.
Бу дунёга келиб топганим
Бойликларим ичра бир дурсан.

03.08.08.



ОНАМ ХОТИРАСИГА

Эрта баҳор. Қошингга келдим.
Хас-хашакни оралаб ўтиб.
Хазон босган юрагим билан
Манзилингга келдим мен етиб.
«Она» дейиш нақадир оғир
Совуқ, қора қабрга боқиб.
Кўзларимдан ёшларим оқар
Ўт-ўланга, бағримни ёқиб.
Тақдирнинг тор кўчаларида
Она сенсиз бўлдим оввора.
Кўзларимга дунё қоронгу
Баҳор келди, аммо, дил- пора.
Она, ҳали Боғбон қирлари
Яшилликдан киймади либос.
Сайрагани йуқ қушлар ҳануз,
Гўё баҳор энди баҳт эмас.
Кўнглим ўксисб бўзлагим келар
Уввос солиб, дардларим айтиб.
Мўъжиза юз берсайди кошки,
Кошки, она, келсайдинг қайтиб.
Сизсиз ёлғиз қолдим мунгайиб,
Бошимни-да силамас ҳеч ким.
Ўтиб кетар бўлсам дунёдан
«Болам» дея йигламас ҳеч ким.

26/07/12.

БОШИМГА САВДОЛАР ЮБОРДИ ХУДО...

Бошимга савдолар юборди Худо
Бандам етсин деб ҳаёт қадрига.
Неча азизлардан айлади жудо
Хўрсишиб боқурман улар қабрига.

Гоҳ йўлдан адашдим, гоҳо тойилдим
Балки англомадим ҳаёт қадрини.
Гоҳ панд берди менга тўғри сўзлигим
Гоҳ тортдим вафосиз дўстлар жабрини.

Аммо ҳақиқатни сўйладим доим,
Шунданми йўлларим ранжли ва пургам.
Ёшим ўтганида тушуниб етдим
Бу нокас дунёнинг доим бири кам.

Менда на имкон у на сарват бисёр
Дунёнинг камини тўлдирай десам.
Шукр, алп қоматли икки укам бор-
Тобутим кўтарар бир куни ўлсам...

26.10.2013-йил.



ДУО ҚИЛИНГ АЗИЗЛАР

Бир укамга қарасам ёдимга тушар отам,
Бир укамга қарасам тогам келар ёдимга.
Онажоним сиймоси пайдо бўлар дам ба дам,
Жиянларим югуриб келар экан олдимга.
Қизимнинг юзларида опамнинг чиройи бор,
Ўглимнинг келбатида бордир отам суврати.
Кўзларида юлдузи, юзларида ойи бор,
Фарзандларим хулқида бордир бобом сийрати.
Инсон яшар абадий авлодлар сиймосида,
Ёди ўчмас дунёда токи унинг насли бор.
Дуо қилинг, ализлар фарзандларнинг ҳаққига,
Барҳаётдир одамзод гар наслининг асли бор.

12.10.2011й.

ЯНГАЛАРИМ

Онам номин хурмат билан ёдга олган,
Кўриб қолса «жияним» деб алқаб, суйган.
Юзларида онам нигоҳлари қолган
Янгаларим бордир менинг, янгаларим.
Ҳали ҳамон «опам» дея эслаб юрар,
Ҳар даврада онам ҳақда сўзлаб берар.
Яхши-ёмон кунларимда ҳолим сўрар
Янгаларим бордир менинг, янгаларим.
Умр нима, умр ҳам бир ширин тушдир,
Инсон номин асрарувчи яхши ишдир.
Мен уларни кўрсам доим кўнглим хушдир,
Янгаларим бордир менинг, янгаларим.

22.10.2011йил

ЎЗЛАРИНГИЗ

Кароматли пирларидан тилаб олган
Фотимаю Зухроларга ўхшасин деб.
Мавлуд ойи ҳурматига исмин қўйган,
Гуландому Гулчехралар қизларингиз!
Ҳасан десак ёлғиз дея «бой»ни қўшган,
Анвар атаб орзу қилган ёруғликни.
Тангри Икромидан қувнаб, баҳтдан жўшган,
Отажоним, онажоним ўзларингиз!

22.10.2011

ОНА

Ҳижратларда юрганимда «болам» дебон
Эртаю кеч бизни дуо этган онам.
Умид билан бир ёстиққа бошин куйган,
Отам билан видолашмай кетган онам.
«Мендан рози бўлиб кетсин онам»дэя,
Онасини бошларида тутган онам.
Ўз меҳрини аямаган ҳеч кимсадан,
Отам билан видолашмай кетган онам.
Тақдиридан нолимасдан шукр қилиб,
Тангри берган дардга сабр этган онам.
Фарзандларин ҳузурини кўролмасдан
Отам билан видолашмай кетган онам.
Отам ҳануз ғурбатларда юрар сарсон,
Уларсиз бўш, хувиллайди гариф хонам.
Менинг хаста юрагимни эзар армон:
Отам билан видолашмай кетган онам.



Қодир эгам илтижомни айла қабул,
Не дард бўлса бу дунёда тортган онам.
Онам учун шафоатхоҳ бўлсин расул,
Отам билан видолашмай кетган онам.

03.07.2015ил

ДУОЛАРИ ҚАЛҚОН ОНАМ

Чорак аср бўлди сизнинг бағрингиздан кетганимга
Онажоним, меҳрибоним олам аро оламдирсиз.
Фарзанд бўлиб хизматингиз қилолмадим, минг бор афсус.
Эртаю кеч дуо айлаб “омон бўлгин, болам” дерсиз.
Дуогўйим, дуолари балогардон онажоним,
Сиз туфайли Аллоҳ асрар балолардан онажоним.

Сарсон кездим эртаю кеч тирикликнинг сайҳонида
Дайдиб юрдим шамоллардек қўним билмай, тўзим билмай,
Қолиб кетдим гоҳ қисматнинг талотумли тўфонида,
Хиёнатнинг камонига нишон бўлдим ўзим билмай.
Дуогўйим, дуолари балогардон онажоним,
Сиз туфайли Аллоҳ асрар балолардан онажоним.

Бошим узра ёғилгандан ноҳақ маломат тошлари,
Кўнгил шишам чилчил синди, тилка бўлди жону танам,
“Бошинг тошдан бўлсин” дея дуо қиласдингиз мени,
Минг шукрки бошим омон, дуолари қалқон онам,
Дуогўйим, дуолари балогардон онажоним,
Сиз туфайли Аллоҳ асрар балолардан онажоним.

15.03.09

ОПАМ ВА ПОЧЧАМГА

Маърифатнинг Сирожидан олиб зиё,
Муаллимлик Шуҳратини элга ёйган.
Ҳақ расули Акрамининг суннати деб
Мехрин берган ўшал танҳо Кибриёга;

Аҳмад исми пайгамбарнинг исми дея
Фарзандига Аҳмаджон деб исм қўйган,
Манглайида баҳт юлдузи порлаб турган.
Поччам менинг акам каби улуғимсиз,
Опам менинг меҳрибоним, суюгимсиз.

23.10.2010.

ПОЧЧАМ САДРИДДИН ФАХРИДДИН ЎҒЛИГА МАРСИЯ

Тонг чогида келган совуқ хабардан
Ҷарсилааб синди бу юрак дарахтим.
Тоғлар кулаб тушди, ёрилди осмон,
Қиёмат қўпгандек бўлди гўёки.

Тилимга сўз келмас, бўғзимга йифи,
Йўлда туриб қолдим бир лахза караҳт.
Жигаримни тешди ғамнинг санчиғи,
Сафаринг баҳайр, эй улкан Дарахт!

20.04.2012йил



ОРЗУ

Туғилсангу дунёда,
Ёмонликни кўрмасанг.
Дўстинг бўлса зиёда,
Меҳрга зор бўлмасанг.
Бошингда омон бўлса,
Дуогўй ота-онанг.
Бағринг фарзандга тўлса,
Нурга тўлса остоңанг.
Чинор янглиғ ҳар маҳал,
Собит турсанг иймонда.
«Бир кам дунё» деган нақл,
Бўлмасайди жаҳонда.

2002

ОДАМ

Укам Анварга

Бунёд этди ўз илми билан
Жаннатида қудратли Яздон.
Азиз бўлди фаришталарга
Одам дея ном олган инсон.
Деди: «Ема ушбу дараҳтдан,
Сени йўлдан урмасин шайтон»,
Нафсиға қул бўлди жаннатда
Одам дея аталган бу жон.
Сўнг туширди замин юзига
Айлай дея уни имтиҳон.
Сарсон юриб тазарру қилгач,
Авиз бўлди заминда инсон.

Халифалик унвонин берди,
Келтири дея Ўзимга иймон.
Ваъда этди жаннат, дўзахни,
Огоҳ этди қилма деб гумон.
Аммо инсон мудом исёнда,
Гуноҳларга ботади ҳар он.
Нафсу шайтон йўлида ҳануз
Ўз жонини этмоқда қурбон.
Пайғамбарлар, набилар берди,
Китоб берди ўки деб Яздон.
Ҳар гал йўлдан адашаверди
Одам дея аталган бу жон.
Мудом ўзин ўтга ташлар у,
Осийликка ўрганганди бу жон.
Ўн тўрт аср чорлаб турса ҳам
Ҳақ йўлига муқаддас Қуръон.
Эй одам, сен кўзларингни оч,
Тафаккур эт, хушёр торт бир он.
Рахминг келсин жисму жонингга,
Фойда бермас сўнгги пушаймон.
Бир бор қўрққин эртанги кундан
Унда фақат жаннатмас ёлғиз.
Ўтин гамлаб олов ёқиши-чун
Пойлаб турган дўзах бор, ёвуз.
Наҳот сенга ўрнак бўлмаса
Ўтганларнинг умр сабоги?
Токай умринг кечгай исёнда,
Исёningning борми адоги?

14.02.2012



ТИЛАК

Зилол сувдек тиниқ бўлсин ҳаёtingиз,
Боқий равон бўлсин ҳаёт йўлларингиз.
Лобар қизлар, ўғилларнинг баҳтин кўринг
Латиф хислар тарк этмасин дилларингиз.

23.10.2011

ВАТАН БАХТИ СЕНИНГ БАХТИНГ

Ўглим Муҳаммаджонга

Сен тугилган улуғ кундан,
Нурга тўлди бу олам.
Сенинг қутлуг қадамингдан
Кўнглим чоғ бўлди, болам.
Сендеқ зукко набирасин,
Бобожонинг кўрсайди.
Яратганга айтиб таҳсин,
Кўнгли тоғдек ўсади.
Умр-карвон, тақдир-сорбон,
Тутиб борар қўлингдан.
Паст-баландга дуч келганда,
Адашмагин йўлингдан.
Менинг умид чироқларим
Ёритсин толеъингни.
Сенга айтган ўгитларим,
Тарк этмасин дилингни:
Ўсиб-улғай, ўқиб-ўрган,
Элга хизмат қил, болам.

Ботирлардек жангга киргин,
Чорлаганда эл, болам.
Шу Ватанинг баҳт-иқболи
Сенинг иқболинг чиндан.
Фарзанд бўлгин, мард, фидойи,
Рози бўлсин эл, Ватан.

2001

ҚИЗИМ НАРГИЗАГА

Қизим, мен ўзимни сенда кўраман,
Қоп-қора қўзларинг ўзимнинг қўзим.
Ҳатто ўжарлигим ўтгандир сенга,
Ўзимнинг ой қизим, танҳо, ёлғизим.
Бир парча эт эдинг кечагина сен,
Бугун укаларинг чопар ортингдан.
Рўзгоримиз обод, баҳтимиз тугал,
Бу ҳам бўлса сенинг шарофатингдан.
Асло ғам кўрмагин, шодон юр доим,
Фақат бир ўтинчим айтаман такрор:
Сени ҳадя қилди менга худойим,
Унинг йўриғидан чиқмагин зинҳор.

2004.



ӮҒЛИМГА НАСИХАТ

Дунё деганлари имтиҳон эрур
Оқибат савоб ё интиқом эрур.
Умр бир лаҳазалик фано хаётдир,
Охират ҳакиқий абадиятдир.

Аллоҳ ризқни таъмин этгувчи Рazzok.
Ҳалолу ҳаромдан сўрайди бироқ,
Фақат унга қуллик қилмоқлик керак,
Инсонлик қадрини билмоқлик керак.

Осонмас қулликни адо этмоқлик,
Бир пирнинг этагин керак тутмоқлик.
Сабр либос бўлсин сенга ҳар доим
Фарзу суннатларни айлагин қоим.

Қалбингда имонинг бўлса мустаҳкам,
Икки дунёда ҳам бўлмагайсан кам.
Ӯғлим шеър сўнгида бир ўтинчим бор,
Кимсага ўзингни хор қилма зинҳор.

20.09.2004

ӰҒЛИМ МАЬМУРЖОНГА

Маъмуржоним, кенжатоим,
Кўзларингдан айланайин.
«Дадажон» деб жаранглаган
Сўзларингдан айланайин.
Хофиз бўлсин машхур дея,
Исминг қўйган бобожонинг.
Қуёш каби нур балқиган
Юзларингдан айланайин.
Ҳар субҳидам сен боғчага,
Мен иш сари йўл оламиз.
Остонамда сен қолдирган
Иzlарингдан айланайин.
Бу дунёда мендан кейин
Чирогимни ёқиб тургин.
Серфарзанд бўл, сенинг ўғил,
Қизларингдан айланайин.

2004.



ӮГЛИМ МАЪРУФЖОНГА

Ислом ҳилқатида дунёга келган,
Азиз фарзандимсан, Маъруфжон ӯглим.
Митти қалбинг тоза ҳисларга тўлган,
Сўзларинг шириндир, кўзларинг чўғли.
Жойнамозни тўшаб менинг ёнимда
Ўтирган чоғингда тасбехни ўйнаб,
Тангрига шукронга қиласман дилдан
Эзгу амалингдан кетаман қувнаб.
Ӯглим баҳтимизга ўсиб, улгайгин,
Оқил инсон бўлгин, қиласма хижолат.
Яратганга доим итоат қилгин,
Мудом тарк этмасин сени шу ҳолат.

2010

ЖАСУРБЕККА

Жондан ширин фарзандисан Шахзоданинг
Авайлайди сени ҳатто бизлардан ҳам.
Софинади бир кунгина кўрмаса гар,
Улгайтирап бўлмасин деб кўзларинг нам.
Рози дилим айтай дедим ушбу кунда
Бошинг омон бўлсин доим жасур ўғлон.
Енгилмагин сен хеч қачон курашларда,
Кўрганида қувнаб юрсин эл ҳар қачон.
Кўзларингда порлаб турсин ҳаёт шавқи,
Асло сени тарк этмасин яшаш завқи.

01.11.2011йил



КҮНГЛИМ ГУЛИ

Күнглим гули, кўзим нури фарзандларим, ўзингизсиз,
Дил офтобим қалбим қўри фарзандларим, ўзингизсиз.
Сиз умримнинг мазмунисиз, давомчиси наслимизнинг
Менга аиззларнинг зўри фарзандларим, ўзингизсиз.
Бегуборсиз фариштадек, пок виждонли, тоза хаёл,
Гирдингизда гиргиттондир эртаю кеч мушфик аёл.
Шу аёлдир адангизнинг кўз қувончи, дил овунчи
Борда хўп деб, йўғида ҳам бирор марта этмас савол.
Ўғил қанотли от бўлса, қиз қанотли қуш демакдир,
Умр мангулик олдида бир лаҳзалик туш демакдир.
Фарзанд ўсиб, элга ҳизмат қилса унинг кўрки бўлиб,
Дуо қилса элу улус, элнинг кўнгли хуш демакдир.
Ўғил қизлар мард бўлса гар омад кулиб боқар доим,
Бир насиҳат айтай сизга, келиб қолди гапнинг жойи:
Бошингизга қилич келиб турганда ҳам ростни сўзланг,
Ёлғончини сўймас азал ҳам пайғамбар, ҳам худойим.

11.04.2007

ӮГИТ

Болам, ҳазар қил ҳаромдан,
Ҳалоллаб е нонингни.
Кўз гавхарин асрагандек,
Асрагин иймонингни.

Билсанг болам тож-тахт эмас,
Меҳнатла улуғ инсон.
Пешона тер, меҳнат билан
Топгайдирсан шуҳрат, шон.

Ҳаёт бепоён манзилдир,
Умр эса йўл, болам.
Улуғ элнинг фарзандисан,
Унга лойик бўл, болам.

То тириксан эл коридан
Аямагин жонингни.
Шунда элу юрт ҳеч қачон,
Унутмайди номингни.

2003йил.

VI

Садр ўгули



- «Чўли Ироқ»ни тинглаб
- Муножомт
- Наът
- Саловот
- Хуши келдингиз
- Абу Бакр Сиддиқ р.а.
- Инсоф мезон бўлса
- Ҳазрат Усмон р.а.
- Имом Аъзам р.а
- Гайбдан келган садо
- Видолашув тасбехи
- Ражсаб ойи
- Қаноат гўшаси
- Қиёмат қарз
- Қадр
- Ваъда
- Сабр
- Савоб
- Бир азиз зот
- Яшашни ўрганиши
- Пайғамбар демиики
- Мажнун фарёди
- Ёлгизлик
- Азиз дўстим
- Умид ҳақида
- Жисминг қафас
- Иймон ва ихлос
- Тогларга
- Менинг азизларим
- Буюк арининг
- Тасбех
- Унумтмагин
- Ҳаёт бир бор
- Одам бўлсанг
- Ёшинг ўтган сайин
- Тангрининг
- Оила баҳти
- Руҳимга
- Ният
- Ишон
- Дунё
- Кечиримлилик ҳақида
- Кибр ҳақида
- Ибрат
- Хушифевълилик ҳақида
- Тасаввур эт
- Ӯзимга насиҳат
- Бомдод
- Ҳалоллик
- Илтижсо
- Қўрқув ва умид
- Жуфтла яратиб
- Инсоф
- Ҳақиқат
- Хулоса
- Улуг қун ёди
- Нурдан яралгандир
- Афу этгин
- Севгим
- Энг улуг неъмат
- Ӯзликни англаш
- Кўнглим
- Энди ҳақ деб



“ЧҮЛИ ИРОҚ»НИ ТИНГЛАБ

Ёндириб юборар жону дилимни
Вужудимни чулгар бир ҳазин титроқ.
Ёдимга солади ҳайҳот, ўлимни
Минг асрлик фарёд - “Чүли ироқ”.
Кўз олдимга келар қалбимда тошдек
Армонга айланган қадрдонларим.
Дунё қалқиб тураг түздаги ёшдек,
Нечоғлик ганимат ушбу онларим.
Эвоҳ, арзигулик бир савобим йўқ,
Тангриим, тўзим бергин ожиз қулингга.
Умрим ўтаяпти учиб мисли ўқ,
Тангриим, ихтиёрим сенинг қўлингда.
Шаъни улуғ зотнинг қарами ҳам кенг,
Қулнинг иши эса ялинмоқ факат.
Рўзи қиёматда ўзинг бандам де,
Рўзи маҳшар ўзинг айлагин шафқат.
Ёритиб юборар фикру ёдимни,
Вужудимни чулгар бир ҳазин титроқ.
Ёдимга солади ҳайҳот ўлимни,
Минг асрлик фарёд –“Чүли ироқ”.

23.04.09.

МУНОЖОТ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!
 Ба хурмати Қуръонил-азим!
 Тингла раббим арзу ҳолимни,
 Қабул айла дуо-зоримни.
 Сен«бўл»десанг бўлгуси ҳар иш,
 Мушкуллар ҳам топгай кушойиш,
 Тенгинг йўқдир, тимсолинг йўқдир,
 Ҳукминг сенинг мисоли ўқдир.
 Мен бандангман—ожиз қулингман,
 Сенсиз ҳеч ким-ночиз қулингман.
 Гар қўлласанг омадли банда,
 Қўлламасанг хору шарманда.
 Юрагимда умид ва қўрқув
 Кеча кундуз қиласи гулув.
 Шукур менга ҳиммат айладинг,
 Мухаммадга уммат айладинг.
 Ислом ила шарафлантирдинг
 Имон бериб қанотлантирдинг!
 Мўъмин бўлиб келдим дунёга
 Шундан дилим тўлуғ зиёга.
 Етти пуштим мусулмон этдинг,
 Менга баҳтнинг қалитин тутдинг.
 Шундан мудом қилгум шукрингни,
 Тилдан қўймам сенинг зикрингни.
 Аммо минг бор шукур айласам,
 Исминг минг бор зикр айласам,
 Эй, подшоҳи олам, мен-гадо
 Ҳаққингни ҳеч этолмам адо.



Фазлинг чексиз, караминг кенгдир,
Ўхашинг йўқ, йўқ эрур тенгинг!
Ботинимда не фикрим бўлса,
Зоҳиримда не зикрим бўлса,
Барчасидан хабардор ўзинг,
Оlam ичра Биру Бор ўзинг!
Фурсат етиб келди ушбу кун
Оромимни йўқотдим тун-кун.
Жамлаб қофоз, хомаларимни
Янги шеърий номаларимни,
Китоб этмоқ истадим дилдан,
Кушойишу ижобат сендан!
Ҳамду сано мақтov сенгадир,
Бор хатолиғ, нуқсон менгадир.
Рахматил-лил-оламин бўлган
Оламларга нур бўлиб келган
Муҳаммадга саловот бўлсин,
Равзалари нурларга тўлсин!
Фавсул Аъзам пир инояти-
«Етти гўзал исм»инг хурмати
Мақсадимга ноил эт мени,
Қудратингга қоил эт мени!
Ишларимга кушойиш бергин,
Умримга зеб, оройиш бергин!
Файз ато қил хонадонимга,
Барокот бер ҳар бир онимга!
Айбларимни ислоҳ айлагин,
Имонимни ҳамроҳ айлагин.
«Ёдинг ила бедор»эт доим,
Тўгри йўлда айлагин қоим.

Улуг Раббим шу китобимни
 Китоб эмас дил офтобимни,
 Муборак эт ўқиган зотга,
 Ким ўқиса етсин муродга!
 Кимки менга муҳлис, дарддошdir,
 Ким бўлса ҳам кекса ё ёшdir,
 Фазлинг ила кўнглин айла шод,
 Дуоларда қилсин мени ёд!

06.11.2013-йил.

НАЎТ

Умримиз ҳам улуг неъматdir, бироқ,
 Мангулик олдида мисли шамчироқ.
 Раҳнамо топмадим сиздан яхшироқ
 Ассалому алайка ё Расулуллоҳ,
 Ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ!

Юардим адашиб сарсон, саргардон
 Гоҳида шодону гоҳида гирён.
 Шукр, дилда туйдим нурли ғалаён,
 Ассалому алайка ё Расулуллоҳ,
 Ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ!

Мехрибон яратган айлаб ҳидоят
 Ҳақ йўлни англадим мен ҳам ниҳоят.
 Дилда дардларим кўп қилсан ҳикоят
 Ассалому алайка ё Расулуллоҳ,
 Ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ!



Гарчи гуноҳим мӯл, ҳулқим ёмондир,
Айбларимни ӯйлаб рангим сомондир.
Сизга эргашганлар мудом омондир
Ассалому алайкум ё Расулуллоҳ,
Ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ!

Ҳақнинг бир сифатиFaфурр Раҳим
Унинг изнидадир жаннату жаҳим.
Ҳаққа сиз туфайли етгайдир оҳим
Ассалому алайка ё Расулуллоҳ,
Ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ!

Дилимда бир улуг армоним бордир
Эзгу ниятларга ҳақ ўзи ёрдир.
Сизсиз ӯтган умрим қоронгу тордир
Ассалому алайка ё Расулуллоҳ,
Ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ!

Аллоҳ насиб этса бешинчи фарзим
Адо этмоқ эрур тилагим, орзум.
Равзангиз зиёрат қилмоқлик қарзим
Ассалому алайка ё Расулуллоҳ,
Ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ!

20.11.2013-йил.

САЛОВОТ

Тенгингиз йўқ камолотда,
Мислингиз йўқ саховатда.
Ҳам раҳмату барокотда,
Ё Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).

Қалбимнинг қўри ўзингиз,
Кўзимнинг нури ўзингиз.
Бор олам сири ўзингиз,
Ё Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).

Сиз вафода денгиз мисол,
Юсуфданда соҳибжамол!
Соҳибмеърож, соҳибвисол
Ё Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).

Гарчи осий умматдирман,
Ёдингиз-ла сармастдирман.
Толиби шафоатдирман,
Ё Муҳаммад Мустафо! (с.а.в.).

27.05.2012йил



ХУШ КЕЛДИНГИЗ

Дарак берди бизларга ҳилол
Муборак ой-мавлуд ойидан.
“Ху, ху ё ху” дея тебрандим,
Юракнинг энг чуқур жойидан.

Рахматга кон, нурсиз биз учун
Сиз севсангиз севади Аллоҳ.
Жоним фидо бўлсин сиз учун,
Хуш келдингиз, ё Расулуллоҳ(с.а.в)!

31.01.09й.



*Расулуллоҳ (с.а.в)нинг гордаги биродарлари
Абу Бакр Сиддиқ (р.а)нинг пок руҳларига*

Дўстлар бўлинг садоқатли, Абу Бакр Сиддиқ каби,
Самимий ва матонатли Абу Бакр Сиддиқ каби.
Кеча кундуз яшайдиган мўъминларнинг дарди билан,
Инсон бўлинг шижаатли, Абу Бакр Сиддиқ каби.
Ёлғончилик хиёнатдир, тўғрилик ҳам омонатдир,
Бўлинг ростгуй, жасоратли Абу Бакр Сиддиқ каби.
Ким камтарин бўлса агар Ҳақнинг ўзи юксалтирас,
Бўлинг фазлу камолотли, Абу Бакр Сиддиқ каби.
Тўғри яшаш бош усули, раҳнамоси Ҳақ Расули,
Бўлинг ҳаққа ҳидоятли, Абу Бакр Сиддиқ каби.
Фойиб изхор этди дилин, дилдан тилаб ҳақнинг йўлин,
Тангрим этсин диёнатли, Абу Бакр Сиддиқ каби.

31.01.2012 й.

ИНСОФ МЕЗОН БҮЛСА

*Адолатли амир Ҳазрат Умар (р.а)нинг
пок руҳларига*

Юрт гуллаб яшнагай бўлса адолат,
 Инсоф мезон бўлса ҳар бир юмушда.
 Хотиржам яшагай аҳли раият,
 Одиллик устувор бўлса ҳар ишда.
 Мўминлар амири ҳазрати Умар(р.а.)
 Омонат деб билган давлат молини.
 Шундан башарият мамнунлик билан
 Хануз зикр этар унинг номини.
 Азиз ватандошим, келгин, бизлар ҳам
 Аждодлар пандига қулоқ тутайлик.
 Адолат, инсофни кўнгилга жойлаб
 Она юртимизни обод этайлик.

2011йил



*Ҳазрати Усмон разияллоҳу
анхунинг пок руҳларига*

Умр омонатдир бани инсонга
 Яшамоқлик керак хиёнат қилмай.
 Топширган чоғда ҳам жонни Яздонга,
 Халос бўлиш йўқдир ҳисобин бермай.
 Шу ўй, андишалар ўргат дилини
 Кўркувдан титрарди ҳазрати Усмон.
 Унинг ҳаёсидан, андишасидан
 Малаклар уятга қоларди шу он.



«Кошки яратилсам наботот бўлиб»-
Деган ўй бағрини тиғларди.
Жаннат ваъда этилган бу зот,
Дараҳтни қучоқлаб йигларди.

29.03.2013йил



*Имоми Аъзам Абу Ҳанифа
Қўфий раҳматуллоҳи алайҳ зикрида*

1

Ҳазрат айлади-ку бир кун тавозузъ
Бир бойга, шайтоннинг сўзига кириб.
Сўнг минг бор Қуръонни хатм қилди у
Каффорат бўлсин деб дилдан ўкиниб.

2

Қай бир масалада туғилса мушкул
Кирк бора Қуръонни хатм этарди.
Ноил бўлиб ҳақнинг раҳматига ул,
Масала кашф бўлиб, мушкул кетарди!

13-май 2013-йил.

ҒАЙБДАН КЕЛГАН САДО

«Сизга бу дарсдир, вале сиз бехабар»¹
Сизга бу фарздир, вале сиз бехабар.
Сизни яратмоқдан мурод тоат эди,
Бандалик қарздир, вале сиз бехабар.

08.03.2012.

1. Қуръон ояти.

ВИДОЛАШУВ ТАСБЕХИ

Алвидо, алвидо Тангри рахмати
Ёғилган мунаввар тунлар, алвидо!
Алвидо, алвидо Ҳақ мағфирати
Ёғилган муборак кунлар, алвидо!

Алфироқ, алфироқ Ҳақ инояти-
Бизларга Тангридан нажот- алфироқ!
Алфироқ, алфироқ тунлар тоату
Кундузлар рўзали ҳолат алфироқ!

Алвидо, алвидо хайру саховат
Ҳам меҳру муҳаббат шаҳри алвидо!
Алвидо, алвидо ҳатму қироат,
Зикру тиловатлар шаҳри алвидо!

Алфироқ, алфироқ меҳрибон Аллоҳ
Шайтоннинг шарридан асраган онлар.
Алфироқ, пайғамбар суннати дея
Таровех ўқиган азиз инсонлар!

Юраклар ўртанаар, кўзлар ёшланар-
Қўрқув ва умид-ла қилурмиз дуо:
Келгуси муборак Рамазонгача
Бизни паноҳингда асрагин, Худо!

06-07.2013-йил.



РАЖАБ ОЙИ

Устимизда Аллоҳнинг ойи
Истиғфор айт, тавба қил бандада.
Замин асли имтиҳон жойи
Бандалик қил, бўлма шарманда.
Бандалик бу мусулмонликдир.
Мўъмин бўлар мардларнинг зўри.
Ражаб ойи. Бошимиз узра
Ёғиб тураг тангрининг нури.

13.06.2010.

ҚАНОАТ ГЎШАСИ

Бизлар бу дунёда меҳмонмиз ахир,
Омонат берилган бизга жону тан.
Нафснинг тузогига бўлмасдан асир,
Қаноат гўшасин айлайлик ватан.

Қайга югурамиз, қайга чопамиз,
Ахир кўнгилладир Аллоҳ висоли.
Бир дилни шод қилсак савоб топамиз
Байтуллоҳни тавоғ қилган мисоли.

22.02.2004

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Комил инсон бўл, деди Аллоҳ,
Яратгандা Одам Атони.
Айб қилса ҳам бўлиб хайриҳоҳ,
Кечирди у қилган хатони.
Ҳамду сано ўзига лойик,
Ҳар бир иши мақтовга арзир.
Кечиримли, узрли бўлмоқ,
Бандаларга қиёмат қарзdir.

2001.

ҚАДР

Қадрлидир кимнинг аҳлоқи гўзал,
Ҳамда мавжуд бўлса дилда ҳиммати.
Солиҳ инсонларни дўст тутган маҳал,
Ортиб борар яна қадр-киммати.
Ноёб неъмат эрур қадр туйгуси,
Аммо энг муҳими уни сақлашdir.
Қадрни сақлашнинг ягона йўли,
Ёмон амалардан ўзни асрashiри.

09.02.11



ВАЪДА

Кимки ваъдасида устувор бўлса,
Бажарса Холиқнинг барча фарзини.
Омонат ҳаққига риоя қилса,
Вақтида қайтарса олган қарзини.
Ҳалол касб айласа бу даҳри дунда,
Оллоҳни ёд этса сахар чоғлари,
Унга насиб этар бокий умрда
Тенги, қиёси йўқ жаннат боғлари.

29.29.2002.

САБР

Омад келганида ҳовлиқиб кетиб,
Асло кибрланма, вазмин ҳар он.
Захмат келганда ҳам бошингга етиб
Ўзингни йўқотиб қўйма хеч қачон.
Иймонинг маҳкам тут, адашма роҳдан,
Гарчи сабр йўли мушкилдир, аён.
Бир ҳадис қолмишдир Расулуллоҳдан:
«Сабрсиз камолга етмагай иймон».

18.02.03.

САВОБ

Кўчадан бир тошни чеккага олиб,
Ташламоқ ҳам катта савобдир, асли.
Беминнат қилинган бундай амалдан
Қоқилиб кетмагай одамзод насли.
Эмишки, ким агар эзгу амални
Дилида қилмокни айласа орзу.
Мехрибон Зулжалол унинг ҳаққига,
Шу амал савобин қўяркан ёзиб.

18.01.03.



Бир азиз зот кўрдим тақводор, мўмин
Яшайди борига қаноат қилиб!
Бошқа зотни кўрдим дунёнинг қули,
Яшайди ўзгалар ҳаққини юлиб.
Дунё қанча бўлса кўрингайдур кам
Сабр айланмаса содик ҳамроҳга
Биздан рози бўлгай ўз нафсимиз ҳам
Бўйсуниб яшасак одатуллоҳ¹га.

04.09.05

1. Оллоҳнинг конуни, йўли.



ЯШАШНИ ӰРГАНИШ

Умрим гафлат билан ўтмасин десанг,
Бажаргин Холиқнинг ҳар айтганини.
Умрдан не маъно келсангу кетсанг,
Ҳатто танимасдан Яратганингни.
Тириксан, тангрига имонинг келтири,
Бенасиб қолмагин бундай шарафдан.
Агар ниҳол бўлсанг илдизинг қидир,
Яшашни ӯргангин улуғ Дараҳтдан!

18.02.03.

ПАЙҒАМБАР ДЕМИШКИ...

Бу зебу зийнатлар, нақшунигорлар,
Ҳаммаси ўткинчи, ҳаммаси бекор.
«Дунё меникидир» деган ғаддорлар
Ажал қархисида титрарлар ночор.
Мол-дунё ортидан кибрланганлар
Тангри раҳматидан абад маҳрумдир.
Расулуллоҳ (с.а.в.) демиш: «Эй умматларим,
Билсангиз, факирлик–менинг фаҳримдир».

20.01.2003.

МАЖНУН ФАРЁДИ

Дилимни ишқа тўлдурғон
 Ўзингдирсан, ўзингдирсан.
 Тилимга зикрин билдиргон
 Ўзингдирсан, ўзингдирсан.

Балога мубтало айлаб,
 Мажнуни бенаво айлаб.
 Фироғингда зор куйдирғон
 Ўзингдирсан, ўзингдирсан.

Ошиқлигим ҳаддан ошди,
 Завқим дилдан жўшиб, тошди.
 Жабрини жонга туйдирғон
 Ўзингдирсан, ўзингдирсан.

Ҳажрингда сарсон юргайман,
 Гоҳ йиглаб, гоҳо қулгайман.
 Ҳам куйдирақ ҳам суйдирғон
 Ўзингдирсан, ўзингдирсан.

Муродимни ўзинг бергин,
 Хаста жонга тўзим бергин.
 Лайлини менга севдирғон
 Ўзингдирсан, ўзингдирсан.

24.01.2012



ЁЛҒИЗЛИК

Дўстларимга розимни айтиб
Давраларда айшимни сурдим.
Лекин бари туш каби ўтиб,
Ўзим билан тоқ, ёлғиз қолдим.
Санамларга қўнглимни бериб
Лабларидан бўсалар олдим.
Аммо бари туш каби ўтиб
Ўзим билан тоқ, ёлғиз қолдим.
Саркашликни айладим канда,
Юзим бурдим муқаддас роҳга.
Кечалари ёлғиз қолганда,
Сажда қилдим буюк Аллоҳга.
Ва англадим буюк ҳикматни:
Унингдек йўқ дўсту вафодор.
Дил розию ишқ-муҳаббатни
Танҳо унга айтмоқлик даркор.

27.01.02.



Азиз дўстим дил каъбасини
Поклаб тургин такрор ва такрор.
Суюкли дўст бир кун ичида
Назар ташлар унга неча бор.
Меҳмон келса дастурхонингни
Безагандек нозу неъмат-ла.
Яхши ният, дуолар билан
Хар сония уни зийнатла!

12.02.11

УМИД ХАҚИДА

Умидсизлик нечун айтгин эй юрак,
 Қисмат зарбларидан қолдингми толиб.
 Тангридан тиласанг чин ихлос билан
 Эртага сен яна бўласан ғолиб.
 Ҳақ бизга яқиндир ҳаммадан кўра
 Унга таваккал қил - дунё боумид.
 Нима орзунг бўлса ўзидан сўра,
 У севган қулларин қўймас ноумид. 2011



Жисминг қафас, руҳинг эса қуш,
 Ақл сенга берилган чироғ.
 Ўлимгача бир лаҳзалик туш,
 Гарчи туюлса ҳам кўп йироқ.
 Боқий бўлиб кўринган дунё
 Бир кун тутар ачиқ шаробин.
 Ақл билан юксакка интил,
 Тортиб қўйиб нафснинг танобин. 12.02.11

ИЙМОН ВА ИХЛОС

Сен қалбингни айлантиргин осмонларга,
 Ёққин унда маърифатнинг қуёшини.
 Холис бўлсанг осмонинг ҳам нурли бўлар,
 Малаклар ҳам истар унинг зиёсини.
 Махлуқлардан умидинг уз, ҳаққа юзлан,
 Ҳар нечук сен бу иллатдан бўлгин халос.
 Соғлом қалбда энг аввало билсанг агар
 Жо бўлмоғи керак иймон ҳамда ихлос. 09.02.11



ТОГЛАРГА

Тоғларга ҳавасим келади менинг
Улуғвор, ҳайбатли, гўзал тоғларга.
Улар гувоҳидир минглаб тақдирнинг,
Гувоҳ бўлган баҳтли, ғамли чоғларга.
Тан бериб тақдирнинг ҳукмига дилдан
Виқорла бир жойда туришар қотиб.
Давру давронларнинг фитналаридан
Улар ўзлигини қўймас йўқотиб.
Уларда сабот бор, бордир ирода,
Мослаша олишар ҳар бир фаслга.
Тоғларнинг бир кунин зикр айласам
Ўрганмоққа етар бутун асрга.
“Камтарга камол” деб айтилган мақол
Тоғларнинг хулқига жуда келар мос.
Демак ўсаётир тоғлар ҳар маҳал,
Демак тоғларнинг ҳам бедорлиги рост.
Эҳ, биз инсонларчи, қисқа умрнинг
Ғанимат эканин англаб етмаймиз.
Асири бўламиз нафсу ғуурнинг
Тақдирнинг ҳукмига сабр этмаймиз.
Бас, етар, бугундан яшай бошлайман
Тоғлардек бўйсимиб Ҳақнинг амрига.
Энди тақдиримдан ҳеч зорланмайман,
Айтсан дардим айтгум танҳо Тангрига!

11.02.2009.



Менинг азизларим, биродарларим,
Қалби дарёларим, қора кўзларим.
Ҳақнинг йўлларида топган ёрларим,
Имонлари ҳамроҳ, дини борларим.
Сизгадир самимий айтган сузларим.
Атрофга боқайлик айлаб тафаккур,
Қанчалар одилдир, яхшидир замон.
Андиша қилайлик ва яна бир зум,
Бизлар мусулмонмиз, Аллоҳга шукур,
Аммо юртда камми наасаб мусулмон?
Фаришта гўдаклар туғилган замон
Кулогига аzon, такбир айтамиз.
Эзгу тилакларни тилаймиз шу он,
Лекин ўргатмаймиз хадису Қуръон.
Бу эзгу йўлларга қачон қайтамиз?
Шукр, етиб келди муборак чоғлар.
Шу азиз кунларга гувоҳсиз сизлар.
Аллоҳга ҳамд айтиб кўкарап боғлар,
Аллоҳнинг ёдидан бедордир тоғлар,
Қачон уйгонамиз уйқудан бизлар?!

15.09.06.



Буюк аршнинг соҳиби,
Ибрат бўлсин деб бизга,
Қаро тунни ҳар куни,
Айлантирас кундузга.

Олти кунда бор айлаб,
Еру кўкнинг мулкини.
Ҳидоят қиласр ойлаб,
Бандаларнинг хулқини.

Тавба айлаб юрақдан,
Ким юз бурса тавобга.
Тангри унинг гуноҳин,
Айлантирас савобга.

Дўстлар Кавсар сувидан,
Ичай десангиз қониб.
Яхшилик қилинг дилдан,
Улуғ Кунга ишониб.

2002

ТАСБЕХ

Оқшомда жуғрофий харита бўйлаб
 Шимолга йўл олдим мен секин, равон.
 Ошиб ўтиб бордим тог, даралардан
 Музлар салтанати Арктика томон.
 Қизиги шундаки бунда қиши бўйи
 Қуёш нур сочмагай, ҳоким эрур тун.
 Шунга қарамасдан балиқлар сузар,
 Қушлар учидар юрар, бўлмасдан маҳзун.
 Ризқин овлар экан оппоқ айиқлар,
 Баҳайбат гавдаси бермайин ҳалал.
 Музни ёриб юрар катта қайиқлар,
 Қушлар тухум кўяр бунда бемалол.
 Самода ложувард юлдузлар порлар,
 Ой ҳам маликадек осмонни безар.
 Оппоқ чағалайлар учишга чорлар,
 Муз остида ҳатто мушуклар сузар.
 Шунча мавжудотни сақлаб омонда,
 Ризкин берган зотга айладим таъзим.
 Бир оят ёдимга келди Куръондан:
 «Фасаббиҳ би-сми роббикал ъазим»¹

12.02.2009й.

1. «Вокиъа» сураси, 96-оят.



УНУТМАГИН

Унутмагин, бир куни келиб,
Омад сендан юз буриб кетса;
Тарк этсалар дўстларинг бир-бир,
Сочларингга оқ қиров инса.
Хуш кўрмаса ҳатто хотининг,
Бор дунёнгдан бўлсанг ҳам жудо.
Унутмасанг яратганингни
Демак, сени севади Худо!

11.04.2007й



Ҳаёт бир бор берилган ахир,
Яша унда ҳалол ва мағрур.
Ёлгонларга бўлмагин асир,
Юрагингдан кетмасин сурур.
Ишқ муҳаббат майин ич тўйиб
Қўмсаб яша ёрнинг васлини.
Илк севгингни унутмагандек
Ёдингда тут хазон фаслини.

15.04.2007



Одам бўлсанг ўзингни элингдан жудо қилма,
 Жондан кечсанг кечгину номусинг фидо қилма.
 Кўксингда урган юрак имондан топсин дарак,
 Мол дунё деб ўзингни нафсингга гадо қилма.
 Кийсанг ҳам кимхоб, мовут, бағрига олар тобут,
 Сўнги он надоматдан йиглабон нидо қилма.
 Марддан эл фахрланар, номарддан нафратланар,
 Эл назаридан қолиб адашма, хато қилма.
 Фойиб, доим ҳам замон ўхшамаску замонга,
 Адолат йўқ экан деб қаддингни дуто қилма.

10.03.2010.



Ёшинг ўтган сайин юрмайсан мағрур,
 Ўлим андишаси ўртар ёдингни.
 Баъзан изтиробдан куяди бағир,
 Дунё кўтаролмас сенинг дардингни.
 Ўлим андишаси ўртар ёдингни,
 Хотирга тушади қиёмат-қойим.
 Тингламас у кунда хеч ким дардингни,
 Магар раҳм этмаса қодир худойим.
 Баъзан изтиробдан куяди бағир,
 Лоқайдлар қалбингта беради озор.
 Чоғлангинг келади курашга, тағин,
 Андиша қиласан-олдда ўлим бор.
 Дунё кўтаролмас сенинг дардингни,
 Мардлар қарғишига учраган дунё.
 Юрак, ўйла ўзинг, ўз тақдирингни
 Сенинг келажагинг кундузми, тун ё?! 05.2005й



Тангрининг йўриғин тутса ким
Саодат соҳиби бўлажак.
Жаҳолат аҳлидан асрасин,
Дунёга ғулгула солажак.

Жоҳил ҳеч нарсадан тап тортмас,
Суйгани ягона шахватдир.
Кўзлар кўр бўлгани даҳшатмас,
Кўнгиллар кўрлиги даҳшатдир.

2005

ОИЛА БАХТИ

Оиланинг бахт-саодати
Эр-хотининг ўзига боғлик.
Уйгун бўлса муносабатлар
Турмуш бўлар ширин, чиройлик.

Обод бўлса рўзгори эр ҳам
Кўча кўйда юрмайди кезиб.
Аёл тунни ўтказмас ёлғиз
Оппоқ парқув болишни эзиб.

09.02.11

РУХИМГА

Ҳаёт нима? Ӯлим нима?
 Мангуликнинг ёнида.
 Тўлғонасан мисли кема,
 Коинот уммонида.
 Нурга ташна бир учқундек,
 Милтирайсан уззу кун.
 Ёвуз кучлар чангалида,
 Қолиб кетмай деб буткул.
 Вақт карвони ўтар экан,
 Шиддат билан бетўхтов.
 Максад сари интил, руҳим,
 Гарчи йўлда кўпdir ғов.
 Таслим бўлма, қўрқувни енг,
 Шунда йўл равшан бўлар.
 Сен ўзинга ишонган кун
 Фолиблик ўзи келар. 2002.

НИЯТ

Тириклиқдан маъно не деб,
 Ботиний бир савол келур.
 Ҳаққараб нидо қилсам
 Тош юрагим қордай эрир.
 Менинг умрим ишқ баҳрига
 Кўшилсайди томчи мисол.
 Сингиб кетсам сўнг бағрига
 Насиб этса менга висол.
 Менинг умрим бир шуъладек
 Ярақласа ишқ даштида.
 Рози эдим куйсам кулдек,
 Сўнг тирилсам ҳақ ишқида. 2001



Ишон, ҳаёт ҳали олдинда,
Заминдаги умр бир довон.
Ердан кетгач само бағрида
Инсон умри этади давом.

Ҳақнинг одил ҳукмига қўра
Буюк тонгда барча тирилгай.
Унда бирдир гадо ҳам, шоҳ ҳам
Бани одам бир хил сўралгай.

Банда бўлсанг ҳаққа интилгин,
Парчалансин қўнглинг қулфлари.
Эслаган чоғ ёнингда турар
Ўтган етти пуштинг рухлари.

Сен уларни дуо айлагин,
Токим улар руҳи бўлсин шод.
Қиёматни бугун ўйлагин,
Охиратинг айлагин обод.

2002

ДУНЁ

Дунё ёлғончидир, дунё ишвакор,
Ром этар ӯзига, маккордир жуда.
Кеча мўмин эдик ҳамда бегубор,
Бугун югурамиз нафс илинжида.

Балогат палласи етгани сайин,
Улғайиб бормоқда нафсимиз гүё.
Асл мақсадимиз бўлса ҳам тайин,
Ўтяпмиз дунёга бўлиб маҳлиё.

Мансаб талашамиз, шаън талашамиз,
Фийбату фасодга бойдир сухбатлар.
Эй юрак, биз қачон қайнаб, тошамиз,
Айт, қачон излаймиз савоб, раҳматлар?!

Ўйлагин, боришинг Ӯзига қайтиб,
Оқизиб кўзлардан зардобли ёшни.
Эй юрак, тавба қил, истигфор айтиб,
Тошга ур кибрга берилган бошни.

Олдинда қиёмат даҳшати ётар,
Қара, қўринмокда аломатлари:
Тунлари қўрқувдан шиддат-ла чопар,
Самода тангрининг олов отлари.

27.09.04



КЕЧИРИМЛИЛИК ҲАҚИДА

Банда кечирмаганни, Худо кечирмас дерлар
Фарзандимиз барчамиз битта Одам Атонинг.
Бир бирининг ҳаққини ейди фақат қашқирлар,
Қадри бирдай аизидир султон билан гадонинг.
“От тепкисин кўтараар от” деган мақол ҳам бор.
Одам тафтини олар фақат одам боласи.
Ноқобил бандалардан етгай дилларга озор,
Ичиди бўлар экан одамзоднинг оласи.
Мен ҳам умрим йўлида кўрдим турфа зотларни.
Тақдир тақоза қилди, сабаб бўлди вазият.
Имонли инсонлардан ўргандим ҳикматларни,
Дилозор каслардан ҳам чекдим роса азият.
Не бахтким мусулмонмиз, пайғамбарнинг уммати,
Аллоҳ ўзи ёрлақар пок бўлса дилда ният.
Кечиримли бўлса ким ошар қадр-қиммати,
Бу бизга пайғамбардан суннат бўлган фазилат.

09.02.2009

КИБР ҲАҚИДА

Агар кимнинг бўлса умиди,
Охиратнинг ноз-неъматидан,
Тарқ этмасин Аллоҳ ёдини,
Ор қилмасин инсон зотидан.
Ким такаббур бўлса, шайтоннинг
Амалига ҳамроҳ бўлади.
Ер устида кибрланганлар
Ҳақ наздига гумроҳ бўлади.

01.03.03

ИБРАТ

Итоатда эрур қүёш,
Итоатда ой ва юлдуз.
Яратганга тасбех айтиб
Айланишар кеча-кундуз:
«Субҳонал маликул қуддус»,
«Субҳонал маликул қуддус».¹

25.02.2004.

ХУШФЕЪЛЛИК ҲАҚИДА

Қай бир оилада бўлса тотувлик,
Билгинки жаннатдан кошона бўлур.
Аҳиллик бўлмаган хонадон ичра
Дўзах хаётидан нишона бўлур

Аёл эр кўнглининг хуш гули бўлса,
Эр аёл номусин қўриқчисидир.
Хуш феъл аёлларга олқишлиар бўлсин,
Хуш феъллик жаннатнинг даракчисидир!

09.02.11

1. “Покдир Оллоҳ, подшоҳдиру”



Тасаввур эт: қиёмат-соат-
Тирилмоқда сонсиз мурдалар...
Сўнг маҳшаргоҳ, ҳисобу китоб...
Одам чумолидек ўрмалар.

Кўзингни юм: тасаввур этгин
Хор турарсан маҳшаргоҳ аро...
Вақт борида кўзинг катта оч-
Келмай туриб қиёмат-жазо!

26.12.13.

ЎЗИМГА НАСИҲАТ

Бу дунёга нега келдинг деб,
Сўрадингми ўзингдан бир бор?
Ёки фақат дунё ғамин еб,
Ўтмоқдасан ҳаётдан бекор?
Гарчи қазо ҳукми мутлоқдир,
Ўзгартиргин қадар ҳукмини.
Яхши амал, савоблар билан,
Осон айла сафар юкини.

2002

БОМДОД

Ҳар тонг уйғотади мени уйқудан
Беором қушларнинг сайроғи.
Тун күрпасин олиб аста устидан
Табиат кўтарар зафар байробгин.

Шаббода юзимга майин урилар.
Faflatда қолмасин, дея, ҳойнаҳой.
Муқаддас бурчимни эслатиб турар
Офтоб шуъласида ялтираган ой.

5.03.05

ҲАЛОЛЛИК ХАҚИДА

Инсонмиз, сўзлашга демак ҳақлимиз
Сўзимиз ҳеч кимга келмасин малол.
«Кўчада ич-дейди доно халқимиз,
Ризқу насибангни тополсанг ҳалол».

Инсонмиз, яшашга демак ҳақлимиз,
Бизга бу хуқуқни берган Зулжалол.
Биздан рози бўлгай элу юртимиз,
Шу қисқа умрда яшасак ҳалол.

22.11.2003



ИЛТИЖО

Қуёш юзин тўсди чанг, тўзон,
Оқ либосин унутди тоғлар.
Юрагида буюк бир армон,
Қовжирайди гулзорлар, боғлар.
Кечир, бўлса гар бизда гуноҳ,
Махлуқингмиз- юмшат қаҳрингни.
Бандаларга раҳм қил, Оллоҳ,
Бандаларга тўкма заҳрингни. 2003

ҚЎРҚУВ ВА УМИД

Яшамоқ оғирдир яшамоқ қийин
Номарду нокаслар ичра одамдай.
Ловуллаб куяди аламдан бағир,
Дунёда бирорта мард қолмагандай.
Хиёнат тифидан озор кетса ҳам
Оллоҳ раҳматидан бўлмам ноумид.
Омад қуши мени ташлаб кетса ҳам
Дилдан кетмаса бас қўрқув ва умид. 2005



Жуфтила яратиб Зулжалол,
Сарафroz айлади инсонни.
Дунёда яшанг деб пок ҳалол,
Қалбига жойлади имонни.
Эркаклар бўлса мард, имонли
Пок тутар оила қўргонин.
Эр зоти унутса иймонни,
Аёллар бузгайдир дунёни. 01.09.03.

ИНСОФ

Ҳар нарсанинг ўлчови бордир,
Мавжуд ҳатто инсоф мезони.
Тарозуси марҳамат бўлса,
Шафқат эрур унинг мезони.
Бузилмасин десангиз агар,
Бу дунёнинг мувозанати.
Чиқманг инсоф чегарасидан
Инсоф эрур ҳаёт зийнати.

2002.

ҲАҚИҚАТ

Бир қудрат бор қиличдан кескир,
Эгилса ҳам ҳеч қачон синмас.
Ёвуз кучлар бирлашганда ҳам,
Бу қудратни парчалай олмас.
Хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ бўлсин гадо,
У барчага бера олар панд.
Тилда ёлғон айтган кимса ҳам
Дилда унга доим берар тан.
Писанд қилмас у ҳеч бир зотни,
Қўркмагай у шайтон макридан.
Ҳатто ёлғон тўла ҳаётни
Кутиб олар ўлим шаклида.

05.03.03



ХУЛОСА

Ўтиб бормоқдадир умрим
Гоҳо очман, гоҳида тӯқ.
Танҳо ҳикмат англаганим:
Сабрдан эзгу амал йўқ,
Сабрдан ўзга амал йўқ.

01.02.2010

УЛУҒ КУН ЁДИ

Тин билмай ўтар умр,
Карвон ичра карвондек.
Лаҳзалар кечар бир-бир,
Юракдаги армондек.

Ўтмоқдамиз саргардон,
Хаёллар гирдобида.
Гоҳ ғамгинмиз, гоҳ шодон,
Улуғ Куннинг ёдидан.

Ҳеч ким бўлмайди устун
Юмалоқ ер шарига.
Сингиб кетамиз бир кун
Абадият қаърига

15.04.02.



Нурдан яралгандир асли одамзод,
Фақат унинг шакли қорилган лойдан.
Бир куни у шаксиз бўлажак озод
Ва учиб кетади ер деган жойдан.
Муқаддас даргоҳда у бошлар ҳаёт,
Илоҳий сувратда латиф ва нурлик.
У ерда янграйди энг гўзал баёт,
У ерда ҳукмрон абадий ҳурлик.
Ўшал манзил сари талпинар рухим,
Дилим ишқ ўтида куйиб борадир.
Бу дунё шунчаки мусофирихона,
Бунда вужудимнинг кули қоладир.

2002



АФУ ЭТГИН

Эртанги қун тақдир хатида
Не ёзилган менга ноаён.
Лой вужудим салтанатида
Рухим тинмай қиласар ғалаён.
Кимлигингни англа деб гирён,
Юксакликка мени чорлайди.
Лекин нафсим ошноси- шайтон
Хар қадамда йўлим пойлайди.
Икки ўтнинг исканжасида
Мен иккига парчаланаман.
Турган каби жар ёқасида
Изтиробдан лов-лов ёнаман.
Фақат сенга айтгум дардимни,
Танҳо ўзинг энг содик ёрим.
Кеч уйғонган ожиз бандангни
Афу этгин, Парвардигорим!

2004.

СЕВГИМ

Марвариддек қалбим тубида
Пок севгимнинг ёди яшайди.
У умримга бағишилар илҳом,
Унинг билан умрим яшнайди.
Маккор дунё хийлаларидан
Бўлмагайман асло паришон.
Унинг ёлғон салтанатида
Яшаяпман етгунча имкон.
Қисматимдир- огиру енгил
Йўлларига кўниб қолганман.
Чин дунёга ёруғ юз билан
Бормоқликни ният қилганман.
Севгимнинг пок шуълаларидан
Кўнглим тураг доим ёришиб.
Бир кун тугаб қолганда умрим
Рухим кетар унга қоришиб.

2005й.



ЭНГ УЛУФ НЕЬМАТ

Турфа одамлару ташвишлар аро,
Яшаркан фикринг ҳам борар ўзгариб.
Онгинг ҳам ўсади лаҳзама лаҳза,
Очилиб боради қалбинг кўзлари.
Эришдай туюлар баъзан ўзингга
Юксак оҳангларда ёзган шеърларинг.
Масъуллик сезасан ҳар бир сўзингда,
Англайсан кўплигин қалби кўрларнинг.
Баъзан оёғингдан чалмоқчи бўлар,
Номард ракибларинг, майда гап дўстлар.
Мақсад юксак бўлса, ким бўпти улар?
Қалбингда яшашга иштиёқ ўсар.
Дунёга боқасан тийран кўз билан,
У ҳам жаҳолатдан жуда чарчаган.
Энди муҳаббату ширин сўз билан
Далда бермоқ керак барча-барчага
Сен теран англайсан нажот ишқдадир,
Энди ҳар бир фурсат сенга ганимат.
Аллоҳ ризоси ҳам эзгу ишдадир,
Ҳақ ризосин топмоқ - энг улуф неъмат.

13.01.2007



Ўзликни англамоқ йўлидир мушкул
Бунда бериёзат бўлмайди силжиб.
Гарчи ниятинг пок холисдир буткул,
Гарчи дилда фақат Ҳақнинг илинжи.

Ибодат қилсанг ҳам топмассан роҳат,
Кўнглинг ёришмагай юурсан хомуш.
Ҳақнинг раҳматига етурсан фақат,
Рухингда юз берса буюк уйғониш.

09.09.04



Кўнглим менинг, эй нур каби ёруғ кўнглим,
Шабнам янглиғ ғуборлардан фориғ кўнглим.
Қисматимнинг пасту баланд йўлларида
Гоҳо баҳор, гоҳо куздек сариқ кўнглим.
Ошно эдик, гарчи гўзал хаёлларга,
Дучор бўлдик кўп догули шамолларга.
Аршмас, фано тупроғида сарсон юрдик,
Жавоб излаб жумбоқ тўла саволларга.
Садоқату диёнатдан айтдик зорлар
Тушунмади бизни асло дўсту ёрлар.
Эрмак бўлдик юраги тош сулувларга,
Бошимизга ҳижронидан инди қорлар.
Кеч англадик Ҳақсиз дунё чоҳ эканин,
Танҳо ўзи йўлбошлию шоҳ эканин.
Ором фақат ҳақ ишқида ёнмоқлигу
Ибодат-ла дунё гулшан, боғ эканин.
Бехудага ўтказмасдан шунча фурсат,
Бўлмасмиди Ҳақ сорига юзни бурсак.
Сароблардан ҳақиқатни излагунча
Бўлмасмиди Ҳақ ишқида ёниб юрсак.

2003 йил

ЭНДИ ҲАҚ ДЕБ ЯШАМОГИМ ШАРТ

Яшаяпман гоҳ ғамгин, гоҳ шод
Юрак тӯла илинжим билан.
Гоҳо нафсга банда, гоҳ озод,
Орзу, армон, ўтичим билан.
Яшаяпман, қирқ тӯртга кириб
Топмади ҳеч юрагим ором.
Тушларимга киради ҳамон
Олисларда қолган дилором.
Баъзан ўтган умрим дафтарин
Варақлайман сарҳисоб учун.
Яшадимми Ҳаққа муносиб,
Бандалардек мен, мисол учун?
Қулоқ тутсам халқ мақолига
Камолотга етибман мен ҳам.
Энди Ҳақ деб яшамогим шарт,
Кичик ёшдан ўтибман мен ҳам.
Барча айбу нуқсонларимни
Тузатмасам бўлгайдир уят.
«Тангри ўзи қўллагай - дерлар,
Гар пок бўлса кўнгилда ният».
Яшаяпман гоҳ ғамгин, гоҳ шод...

15.01.2012 й.

VII

Күзмұнор



ТҮРТЛИКЛАР

Ёмғир ёғаётир уйғон, эй юрак,
 Заминга инмоқда неча минг малак.
 Фанимат онларнинг қадрига етгин
 Ижобат бўлгуси ҳар қандай тилак.



Одамлар кўнглига кўнгил билан боқ,
 Қалбингда эзгулик чирогини ёқ.
 Яхшилик соғиниб яшасанг мудом
 Сенга ҳам яхшилик қайтгайдир ҳар чоғ.



Тугилмаган яхшидир, гафлат босиб юргандан,
 Севги нима англамай, паймонаси тўлгандан.
 Ошиқларга ёр васли насиб айласин, аммо
 Кутиб яшаган яхши севиб жудо бўлгандан.



Бир шеър ёzsам муҳаббатга тумор бўлса,
 Тош диллар ҳам эриб ишқдан бемор бўлса.
 Кўнгилларга малҳам бўлса дуо каби,
 Гойиб кўнгли кеча-кундуз бедор бўлса.



Тангри бизни лойдан пайдо айлади,
 Хусну жамолига шайдо айлади.
 Севгининг қадрига етсин деб доим,
 Заминда васлига гадо айлади.



Дилинг ойинасин поклагин зангдан,
Ақл чирогингни тоза тут чангдан.
Шайтон ва нафсдан енгилмай десанг,
Бир он ҳам толмагин муқаддас жангдан!



Билмай омонатни гарданга олдик,
Бу фоний дунёда хатарга қолдик.
Ортга йўл йўқ, фақат олдинга йўл бор,
Фарид жонимизни қийноққа солдик.



Аллоҳ ҳукмларин сен рад этмассан,
Аммо мартабага нечун етмассан?
Тасдигинг мустаҳкам бўлса қўнгилда,
Сув узра юравер, чўкиб кетмассан!



Жаннатда яратиб Одам Атони,
Ерда авғ айлади қилган хатони.
Синаб кўрмок учун иймонимизни,
Яратиб қўйдими бой ва гадони?



Замин юзи дастурхони раҳматдир,
Банда учун ҳаёт буюк неъматдир.
Куфронай неъмат қилса ким агар
Оқибати қайғу ила ҳасратдир.



Одам учун ору номус қимматдир,
Мартабага элтгувчи бу ҳимматдир.
Ӯн саккиз минг олам гўзалдир, аммо,
Аёл гўзал ҳилқат ичра ҳилқатдир.



Улуг тоғлар замин учун савлатдир
Ою қуёш, юлдузлар ҳам давлатдир
Ҳақ яратган барча санъатлар ичра
Севги хисси энг инжа бир санъатдир.



Хурматга ким лойиқ эрур ҳурмат керак
Марҳаматга муҳтоҷларга раҳмат керак.
Ким боёну ким гадодир, бари ўтар
Охир дамда барчага ҳам нажот керак.



Эй яхшилар шукronai неъмат қани?
Риё эмас, дуо учун хизмат фани?
Соҳиби мол аслида ягонадир,
Авомлару фақирларга шафқат қани?



Бир ҳовуч эзгулик, бир мисқол меҳр,
Бўлса агар дилни нурафшон этгай.
Шуъладек бир согинч уйғонса қалбда,
Бутун борлигингни дурахшон этгай.



Кетса ҳамки кучу қувват билаклардан,
Иймон шами ўчмаса бас юраклардан.
Дерлар, орзу-умид билан тирик инсон,
Айирмасин бизни ёргу тилаклардан.



Қаерда бўлсанг ҳам йўлдами, чўлда
Тангри йўриғидан чиқмагин зинҳор.
Сен ёлғиз эмассан, икки елкангда
Аъмолинг ёзгувчи фаришталар бор.



Одам Ато наслиданмиз барчамиз
Лекин буни тушунмаймиз қанчамиз.
Молу дунё учун бир- биримизни
Аямасдан бошимизни янчамиз.



Дунё ўтди манманлаган зўрдан ҳам,
Мансаб кетиб тушиб қолди тўрдан ҳам.
Буюкликни даъво қилган “даҳолар”
Ожизликда баттар экан кўрдан ҳам.



Ҳаловатим сўздир, аъмолим сўздир,
Топган саодатим, камолим сўздир.
Сўз ҳажри қуйдирар жисми жонимни,
Бевақт ўлар бўлсам заволим сўздир.



Ҳаёт ошиқ ӯйин каби қўп хуморли,
 Ёзидан сўнг қишлоғи бор музли, қорли.
 Йиғласанг ҳам Ҳақ ҳукмидан қўрқиб йиғла,
 Имон эрур мард йигитнинг қўзтумори.



Афсус чекаман ӯтган азиз умримни ӯйлаб.
 Ҳар лаҳзаси гуноҳ эрур, бўлмагай сўйлаб.
 Ақлим кириб тўғри яшай бошлаганимда
 Остонада ажал оти турибди бўйлаб.



Сен ойдирсан, юзларида додлари йўқ,
 Сен гулдирсан, ўхшавиши йўқ боғлари йўқ,
 Билмам аслинг фаришталар наслиданму
 Сенга ошиқ бўлганларнинг соғлари йўқ.



Сизни севиб телба бўлдим, хумор бўлдим,
 Сизни севиб бир умрга бемор бўлдим.
 Висолсиз ишқ оловида тобландиму
 Мухаббатни асрагувчи тумор бўлдим.



Сени севиб ишқ илмига толиб бўлдим,
 Аччиқ хижрон шаробига қониб бўлдим.
 Англомадим офтобмидинг, оловмидинг,
 Висолингга етмай туриб ёниб бўлдим.





Ишқнинг занжирила айладинг банди,
Жон қушин ўзингга қилдинг асранди,
Гар қўшиб узатсанг васлинг майдан,
Не тутсанг олгайман захар ё қанддир.



Аввало пок бўлсин дил-имонимиз,
Сўнгра ҳалол бўлсин топган нонимиз.
Шу икки нарсага муюссар бўлсак
Файзли бўлар бизнинг дастурхонимиз.



Гоҳо от сураман, гоҳо пиёда,
Курашдан қўрқмасман тайёрман доим.
Рақибларнинг иши аён дунёда,
Номард дўстдан ўзинг асра, Худойим.



Ким ошкор айтади, ким эса зимдан,
Не учун керақдир менга шеър ёзиш.
Ҳар бир яратилган янги сатримдан
Ҳаётим маъноси топар афзоиш.



Менинг қўнгилдан ўзга мулким йўқ, хирожим йўқ,
Мулк ичра умидимдан ўзга бир сирожим йўқ.
Ҳайратимдан бир водий, ишқимдан гулбоғим бор,
Меъроҳ истайди рухим ва лекин иложим йўқ.



Лафзи йўқ кимсаларнинг сафида марди бўлмас,
Аларда мард пойининг ҳаттоки гарди бўлмас.
Келбат кериб, ҳаволаб, викор-ла юрган билан,
Қалбида эл дардидан заррача дарди бўлмас.

11.03.2012й.



Оғир лаҳзаларда бўлма ноумид,
Сабр либосини ташлама асло.
Дарду ташвишини кўрармиш раво,
Ўзи ёрлақаган қулига худо.

2009



Яхшилик қилгину сувга ташлагин,
Миннат каломини сўзлама зинхор.
Савоб арқонини маҳкам ушлагин,
Унутма, олдинда ҳисоб-китоб бор.

2005



Она адирларга менгзар рангимиз,
Гиёҳдек сарғайган юрак, бағримиз.
Гиёҳчалик қадр топмадик юртда,
Хок бўлсак ошагайдир балки қадримиз.

29.10.2013

VIII

Чиончу мөхрдан устувор дунё



- *Бу дунёда*
- *Дўстларим*
- *Дўстларимга*
- *Ўлмас Жамолга*
- *Усмон Азимга*
- *Шодмон Жўрага*
- *Осмон қора*
- *Ишончу меҳрдан устувор дунё*
- *Оҳу кўзлар*
- *Тургун Алига*
- *Энди йўлимиз бир*
- *Ургут*
- *Отабек Фойибовга*
- *Бир доноға*
- *Яшасалар эди*
- *Ҳиммат ва хайр*
- *Маърифат аҳлининг*
- *Фалсафа*
- *Арафа*
- *Бир дўстимга*
- *Хизматдоши дўстларимга*
- *Гуллар раъноси*
- *Интернет, мен ва дўстларим*
- *Гуллар табассуми*
- *Ҳақ ийлидан кетмайлик тойиб*
- *Дўстларим-давлатим*
- *Дўстлар муҳтожи бўлганда*
- *Аллоҳ ўзи сизни суйсин*
- *Қушчага*
- *Елиб борар умрим карвони*
- *Асл инсонлардан*
- *Оналар байрами муносабати билан*
- *Армугон*
- *Даврон Гулмуродовга*
- *Валижон Мусоевга*
- *Меҳр қадри*
- *Йўлимизни беринг, биродар!*
- *Одамий бўлмаса ким*
- *Тангри ҳар кимга*
- *Она юртим Тоҷикистоним*
- *Ўтган шига–саловат*
- *Ҳикмат*
- *Зорим бор юракда*
- *Раштонзамин фарзандлари*
- *Устоз Ёдгор Обидга*



Бу дунёда энг катта
Бойлигимсиз, дўстларим.
Ўзлигимни англатган
Борлигимсиз, дўстларим.
Бир куни келиб муддат
Узилса умрим тори.
Армон бўлади факат
Дўстларимнинг дийдори.

2003

ДЎСТЛАРИМ

Диёнатли инсонларнинг кўзида ўт чақнагай,
Хаққа берган ваъдасини юрагида сақлагай.
Оналарнинг оқ сутин ҳам асл мардлар оқлагай,
Бу дунёда ёруғ юз-ла яшаб ўтинг, дўстларим,
Хақ қошига иймонингиз олиб кетинг, дўстларим.
Асл марднинг тили билан дили доим бир бўлар,
Юрагида эзгуликдан олам-олам сир бўлар.
Умр йўли баъзан равон, баъзан довон-кир бўлар
Бу дунёда ёруғ юз-ла яшаб ўтинг, дўстларим,
Хақ қошига иймонингиз олиб кетинг, дўстларим.
Бу оламда ҳамма меҳмон, танҳо Ўзидир мезбон,
Қаҳр қилса соврилгайдир тўзондек еру осмон,
Гар қутқарса бандасини қутқарар ёлғиз иймон,
Бу дунёда ёруғ юз-ла яшаб ўтинг, дўстларим,
Хақ қошига иймонингиз олиб кетинг, дўстларим.
Булҳаваслар қайдан билсин элнинг қадр-қийматин,

Эр йигитни эр демаслар гар бўлмаса ҳиммати,
Ҳасанбек ҳам ашъор этди улуғларнинг ҳикматин,
Бу дунёда ёруғ юз-ла яшаб ўтинг, дўстларим,
Ҳақ қошига иймонингиз олиб кетинг, дўстларим.

2006й

ДЎСТЛАРИМГА

Ғанимат умрда дўстларим,
Юракни ёндириб яшайлик.
Нур сари интилиб, талпиниб
Мардона қадамлар ташлайлик.
Вакт ўтгач дилларда қолмасин,
Афсус ва надомат куллари.
Биз ўтган йўлларда яшнасин
Мардлик ва жасорат гуллари.

2003.

УСТОЗ ҶАМОЛГА

Азиз элнинг қадр топган ўғлонисиз, азиз устоз,
Одамийлик бўстонининг боғбонисиз, азиз устоз.
Дилингиздан тарагайлир маърифатнинг шуълалари,
Нафис назмий салтанатнинг сultonисиз, азиз устоз.
Истагимдир яна йиллар шу гулшонда жавлон уринг,
Девонлардан кўнгилларга бузиб бўлмас кўприк қулинг.
Ширин хаёт «Сурур»идан доим «Масрур» бўлиб юринг,
Сиз миллатнинг ифтихори ва шонисиз азиз устоз.

2009.



УСМОН АЗИМГА БАФИШЛАЙМАН

Мен Усмон Азимман, тушуняпсанми?
Нега танимайсан мени, севгилим?
Кўргин пешонамнинг ёриқларини,
Бошимга қарагин тутунга тўлган.
Хазонга айланган дараҳт-вужудим,
Унда ўз аксини қолдирди йиллар.
Севгилим, мен сенга гул келтирдим, ол,
Юрагимда унган ахир бу гуллар!
Севгилим, мен сенга гул келтирдим, гул,
Наҳот танимайсан мени севгилим?! 2008

ШОДМОН ЖЎРАГА

Дедим: ғамга ботдинг Шодмон не учун?
Дардинг куйламайсан чок этиб яқо?
Деди: хақни англаб етгач мен учун
Шеър ёзиш, куйлашлар бўлди бир чақа.
Дедим: увол бўлур Тангри неъмати,
Шеър-ла баён айла ҳолингни, Шодмон.
Деди: менга йўқдир шеърнинг қиммати,
Кўйида ғамгинман, кўйида шодон.
Дедим: ёлғизликнинг эгаси Аллоҳ,
Узлатнинг шавқидан сўзла бир оғиз.
Деди: атрофимда одамлар тўп-тўп,
Аммо ҳамдардим йўқ, ёлғизман, ёлғиз.
Дедим: ёр васлидан мастмисан, Шодмон,
Қай мақомда ўзни ҳисоб этарсан?
Деди: ошиқликнинг лаззати хижрон,
Васлин топган онинг қуийб кетарсан. 09.03.2012



«Ёмгирлар йиглади мен кулиб ўтдим,
Қабрлар йиглади мен кулиб ўтдим.
Кипригига ортиб дунё дардларин,
Сабрлар йиглади мен кулиб ўтдим»

Шодмон Жўра

Осмон қора тортиб ёмгирлар ёғса,
Сен нечун куласан, тушунтири, Шодмон?
Қабрида зор тортиб, зорлар йигласа,
Сен нечун куласан, тушунтири, Шодмон?
Кипригига ортиб дунё гамини,
Сабри тугаб борар зотлар йигласа,
Айтчи, сен топдингми дунё сирини,
Недан шодсан, Шодмон, нега куласан?
Қаламни синдиридим, энди ёзмайман,
Тамоша айлайман, -дейсан, дунёни.
Қалам синдиргунча Мавлоно Румий
Ҳақ йўлга чорлаган бутун Қўниёни.
Маломат қилишдан йироқман, аммо,
Маъносин топмадим мен ушбу сирнинг.
Тилагим, ҳақ йўлдан чиқмайлик асло,
Рухи мадад бўлсин Мавлоно пирнинг.

10.03.2012й



ИШОНЧУ МЕХРДАН УСТУВОР ДУНЁ...

Биродарим Маҳамадали Назаровга

Мехру мурувату хайру саховат
Асл мардларга хос бўлган хислатдир.
Ҳожати бўлганга айламоқ рағбат,
Мўъмин бандаларга гўзал суннатдир.

Асл максад Ҳақнинг ризосин топмок,
Дунё бизлар учун имкон- фурсатдир.
Азалийдир банда ризқу рӯзи ҳам,
Лойик яшаб ўтмоқ кўп машаққатдир.

Инсонни Ҳақ лойдан барпо айлади,
Қодир сифати-ла, бу бир санъатдир.
Оlamга халифа этиб сайлади
Демак, инсон қадри нечоғ баланддир.

Ишончу меҳрдан устувор дунё,
Рост сўз қиролидир имон шаҳрининг!
Гоҳо таърифлашга ожизман чиндан,
Аллоҳ розилигин тилаб чин дилдан
Фойиб изҳор этди сизга меҳрини!

03.12.2014йил.

ОХУ КҮЗЛАР ТАЪРИФИДА

Олма-Ота бағрида ўтди
Ёшлигимиз, навқирон онлар.
Бизни ишққа мубтало этди
Оху күзли уйгур жононлар.
Бахтимиздан куйларди құшиқ
Нафис, хушбүй олмалар гули.
Дардимизни куйларди құшиб,
“Бұзтұрғай”га қозоқ булбули.
Оху күзлар таърифин куйлаб
Ёзсак арзир минг битта ғазал.
Уйгур қызлар бұлмаса агар
Олма-Ота бұлмасди гүзал.

2.03.08.



ТУРГУН АЛИ АСРОРГА

«Узоқ йиллар бундан илгари
Келиб кетган эмиш бир карвон».
Шундан бери ҳижрон даштида
«Афсус» чекар Турғун пахлавон.
«Кизгонарди шаббодадан» ҳам
«Орзулари бир жаҳон» эди.
«Қўшни қиз»нинг асири бўлиб
«Ҳаётимсан сен менинг» дерди.
Аммо тақдир шу экан, карвон
Олиб кетмиш сулув ёрини.
Юрагида «бир жаҳон армон»,
Куйлаб юрар кўнгил зорини:
«Алдаманг эй, алдамчи қизлар,
Ҳар қадамда сизни деган бор.
Ўзга юртдан сиз изламанг ёр,
Суйган қалблар чекмасин озор».

03.10. 2011йил.

ЭНДИ ЙЎЛИМИЗ БИР...

Яратган Эгамдан илтижо билан
Дунё сўрамадик, сўрадик иймон.
Бору бирлигига таваккал қилиб,
Офият тиладик, қилмадик гумон.
Дўст бўлдик, таъманинг илинжи эмас,
Ҳақнинг ваъдасига ишониб дилдан.
Англадик умримиз абадий эмас,
Фақат пиллапоя ҳақиқий йўлда.
Масжид ҳовлисида тафаккур этиб,
Тикилдик очилган қийғоч гулларга.
Бир дарвиш домла¹нинг этагин тутиб,
Кўшилдик мўмину содик қулларга.
Балки машхур шоир бўлмадик, аммо,
Туйдик бандаликнинг оғир юкини.
Энди йўлимиз бир, йўлимиз танҳо
Яшаймиз ягона Ҳаққа юкиниб.

7.08.05

1. устоз Мирзоали Абдураҳмон ўғли кўзда тутилган.



АХИЛ ЭЛНИНГ ДАСТУРХОНИ

Эсанбой ақага

Менинг доим Ургут томон боргим келар,
Гўзал Ургут боғларини кўргим келар.
Хунарманду саховатли одамларнинг
Таърифида қўшиқ куйлаб юргим келар.
Дунёларга донги кетган Ургутдирсан,
Хўжа Хизр назар қилган Ургутдирсан.
Қайга борса ўшал юртни обод қилган,
Ахиллигу дўстлик қасрин бунёд қилган.
Неча улуф сиймолари бор Ургутнинг,
Элу юртнинг баҳти учун хизмат қилган.
Дунёларга донги кетган Ургутдирсан,
Хўжа Хизр назар қилган Ургутдирсан.
Дунёдаги барча қавму қариндошлар,
Сиздек иноқ бўлса агар олам яшнар.
Ахил элнинг дастурхони файзли бўлар,
Тотувликдан элу юртнинг қадри ошар.
Дунёларга донги кетган Ургутдирсан,
Хўжа Хизр назар қилган Ургутдирсан.

2011.

ОТАБЕК ФОЙИБОВГА

Йиғилишар эмиш оқ туялардек
 Маҳшарда масжидлар Ҳақнинг қошида.
 Масжидга боғланур чин ошиқлардек
 Омад куши кўнса кимнинг бошига.
 Чунки бунда банда ўз тилагини
 Тангридан сўраса етгай муродга.
 Ҳақ дегай: «Уйимда ноумид қилсан,
 Ярашмас мен каби шарафли Зотга!»

20.06.2011йил



Бир донога бердилар савол:
 «Айт, ҳаётдан афзалроқ не бор?»
 Деди: «Кимдан қолса яхши ном,
 Афзалроқдири ҳаётдан минг бор»
 Сўрадилар донодан такрор:
 «Айт, ўлимдан афзалроқ не бор?»
 Деди: «Ёмон отлик бўлмоқдан,
 Ўлим афзал саналар минг бор».

2004



Яшасалар эди одамлар
Етиб бир бирин қадрига.
Камаярди юрақда ғамлар
Қўшиларди умр умрига.
Муте экан умримиз токи
Дунё деган ёвуз сехрга.
Яшагаймиз доимо ёлғиз
Мудом ташна бўлиб меҳрга.

2004

ҲИММАТ ВА ХАЙР

Йигитнинг бир қўли хайр дейдилар,
Ҳиммат камарини боғланг йигитлар.
Эл дуосин олай десангиз ўзни
Ватан хизматига чоғланг йигитлар.
Буюк боболарнинг авлодидирмиз,
Шу юрт ободлиги бизнинг баҳтимиз.
Йўли очиқ бўлса кимнинг агарда,
Умри узун бўлгай дейди халқимиз.
Асли савоб ишда сиз бир сабабкор,
Тангри ўзи қўйган ризқ-рўзни сочиб.
Қишлоқ четидаги хув бобо чинор,
Минг йил яшаётир кафтларин очиб.

20.06.2010й.



Маърифат аҳлининг бедор қалбида,
Эзгу ҳис-туйғулар этар галаён.
Ўз бурчин англайди Ватан олдида,
Дилда борин тилда айлайди баён.

Маърифат аҳлининг дил ойнасида,
Акс этиб туради мозий суврати.
Ҳар ёзган сатридан туғилажақдир,
Эртанги кунларнинг тасаввуроти.

17.04.07

ФАЛСАФА

Сийлаганди тангри таоло,
Бадавлату бахтиёр эдим.
Менга бойлик керакмас асло,
Дўстларим бор бўлса бас, дердим.
Ногоҳ, омад юз бурди мендан,
Фақирликни юборди тақдир.
Дардим айтай десам юрақдан,
Тинглагувчи дўсту ёр йўқдир.
Тарқ этдилар ошнолар бир-бир,
Дарвиш рухим ёлғиз қолмоқда.
Тангрим, менга молу-давлат бер,
Дўстларимни сотиб олмоқقا.

08.08.2004 й



АРАФА КУНЛАРИ

Арафа кунлари муҳаббат билан
Кўнгил эшикларин очиб қўйинг ланг.
Кимнингдир дилини оғритиб билмай,
Кимгадир яхшилик қилгансиз, эсланг.
Арафа кунлари меҳрингиз дўстим
Асло дариг тутманг бир-бирингиздан.
Токим яхшиликнинг гул, чечаклари
Яшнаб униб чиқсин дил тўрингиздан.

11.01.2010й

БИР ДЎСТИМГА

Йўқламаймиз бир-биримизни
Аввалгидек ғамгусорлик йўқ.
Билиб бўлдик бор сиримизни
Устимиз бут, қорнимизда тўқ.
Топиб олдик ўз йўлимизни,
Ўтаётир рўзгоримиз ҳам.
Кўрсак ташлаб қўз қиrimизни
Бош иргаймиз-кетамиз илдам.
Иккимиз ҳам эмасмиз айбдор
Айбдор эрур ғуур, кибримиз.
Дўст бўламиз тупроқдек хоксор
Дўппайганда бир кун қабримиз...

11.10.2013-йил

ХИЗМАТДОШ ДҮСТАРИМГА

Бизлар ахил сафдошлар эдик
 Тарқалмаган эди иттифоқ.
 Майды- чүйда гапни айтмасак
 Орамизда йүқ эди нифоқ.
 Ҳар қандайин ҳолатда, ишда
 Мардлик эди бош шиоримиз.
 Яқдил эдик ҳар бир юмушда,
 Улуғ Ватан ифтихоримиз.
 Эзгу орзу, пок ниятлардан
 Қалбимизда жұшарди ҳислар.
 Ҳали яна учрашамиз деб
 Ишонч билан яшардик бизлар.
 Бизлар тожик, уйгур, ұзбек, рус-
 Фарзандлари бир мамлакатнинг,
 Битта байроқ остида юриб
 Ұтагандик Ватан хизматин.
 Қорлар юрти олис Камчатка
 Бизлар учун эди қадрдон.
 Эй хизматдош дүстларим сизни
 Дијдорингиз құмсайман ҳар он.
 Ҳар йил зафар сафин тузардик
 Ұзимизни курашга чоғлаб.
 Эзгулик ва эрк тантанаси¹
 Мудом бизни тургайдир боғлаб.

04.05.2010

1. 1-9 май-күнде тутилган.



ГУЛЛАР РАЬНОСИ

Раъно Муборизга

Зебо санамлар ичра тенгсиз барноси сенсан,
Богу чаманлар ичра гуллар раъноси сенсан.
Шоираи давронлар ичра аълоси сенсан,
Тожик қизи бу жоним бўлсин жонингга пайванд,
Оташин нигоҳларинг этди мени чашмбанд.

Дур, жавоҳир йифилган хазинами даҳонинг,
Шириндир шаккардан ҳам, айтчи, болми забонинг?
Тоғ гулидек муаттар бўй таратар ҳар ёнинг,
Тожик қизи бу жоним бўлсин жонингга пайванд,
Оташин нигоҳларинг этди мени чашмбанд.

Гуллаб яшнади Ватан истиқлол давронида,
Барпо бўлди боғ, чаман яқдиллик замонида.
Фойиб топди бахтини шоирлар маконида
Тожик қизи бу жоним бўлсин жонингга пайванд,
Оташин нигоҳларинг этди мени чашмбанд.

07.07.2015 йил.

ИНТЕРНЕТ, МЕН ВА ДЎСТЛАРИМ

Интернет Худонинг неъмати десам,
«Дажжолнинг кўзи у» дер бир танишим.
Кимга қандай билмам, у туфайли мен
Кўплаб янги дўстлар билан танишдим.
Ёдгор Обид деган шоир номини
Ўқигандим Устоз¹ шеърида бир пайт
Интернет туфайли ҳамсухбат бўлдим
Шеърларин ўқийман энди ҳамма вақт.
Мавлон Шукурзода –асил зиёли
Хайрҳоҳ устоздир, дўстдир беминнат.
Шеърларим чоп этди суратим билан
Ватандошим дея кўрсатиб ҳиммат.
Шеърларини ўқиб катта бўлганман
Хуршид Даврон, Солих, Усмон Азимнинг!
Интернет орқали ташаккуримни
Билдиromoшогирдлик бурчим ўзимнинг.
Рауф Парфи каби соchlари оппоқ
Карим Баҳриевни борми билмаган?
Озод, эркин сўзга у доим муштоқ!-
Ҳақ учун курашни канда қилмаган.
Катта мансабларда ишламаса ҳам
Ҳамиша миллатнинг гамини ейди.
«Бир неча тилларни биласиз, ука,
Яхши ёзмоқликка мажбурсиз» дейди.
Ахмад Аъзам менга меҳрибон устоз!-
Хол авҳол сўрасам кетади яйраб.

1. Абдулла Орифнинг «Ҳайронлик» шеъри кўзда тутилган.



Тоби йўқлигидан нолийди бир оз,
Доимо шай турар қаламин қайраб
Исмат Хушев номи ҳаммага таниш
Унга хос очиқлик ва самимият.
Ўзбеклар номини дунёга ёйиш,
Исмат ака учун энг улуг ният.
Шоир аҳли азал зиё истайди
Маърифат нурида қалбини поклаб.
Давронбек дўстимни бир бор кўрсайдим
Бағримга босардим маҳкам қучоқлаб.
Икки китобимнинг нусхаси мавжуд
Давронбек дўстимиз яратган сайтда.
Қувонч, ҳаяжондан титрайди вужуд,
Бунда интернетнинг хизмати катта!
Қанча дўстлар топдим, мард ва самими:
Умидбек, Муродбек, Дадаҳон Ўзбек,
Дилшод Жамолиддин, Фазлиддин ака
Дилимга яқинсиз- узукка кўздек.
Шавкат Раҳмон рухи биз билан яшар
Мудом чорлаб турар юксак парвозга!
То зулм бор экан «ўткир сўз»¹ билан,
Бизлар жўр бўламиз жасур овозга!
Сирожиддин менга ҳамиша ҳамроҳ,
Хар ишда суюнчиқ ва мададкорим.
Тушкунликка тушиб қолганда ногоҳ,
Тасалли берувчим ва дилбардорим.
Элда дерлар «жиян тоғага тортар»,
Мен эса аксинча жиянга тортдим-

1. Шавкат Раҳмон бораси.

Адашиб юрганда нодўстлар аро
 Унинг сиймосида чин дўстни топдим.
 Сўлим Сирдарёда Устоз Аҳмадий
 Шогирдларга таълим, тарбия берар.
 Тошкент эсламаган шоирларни у
 Интернет орқали эслатиб тураг.
 Ким ватандўст бўлса чиндан, агарда
 Аввало туғилган юртини севар.
 Маръямбону яшар Тожикистонда,
 Аммо Фаргона деб юраги куяр!
 Ўш –менинг бобомнинг туғилган ери!
 Болаликдан менга қадрли бу ном!
 Аъзам Раҳим билан Зиё Шокирни
 Қондош, қардошим деб қилгум эҳтиром.
 Бир садо келади Наманган ёқдан
 Ширин соғинчларни қўзғаб дилимда.
 Муслимбек шеърлари барчага ёқар,
 Ўзи ҳам ярашур муслим элимга!
 Дунёда аёлдек меҳрли зот йўқ
 Мен бунга неча бор бўлганман икрор.
 Матлуба опамдан мудом кўнглим тўқ-
 Мендан ҳол сурайди такрор ва такрор.
 Бетакрор шоира Олимабону
 Олис Европадан салом йўллайди.
 Нуктадон билимдон –тилшуносидир у!
 Ҳар қандай ҳолатда мени қўллайди.
 Рухан яқин бўлар дўстлар аслида
 "Дўст дўстнинг ойнаси" деган гап ҳам бор.
 Опа-сингил топдим назм дарсида-
 Жумагул, Хосият дўстдир бетакрор.



Газал бўстонидан ташбехлар излаб
Юрган Гулбахорга тасанно дегум.
Юрагим турганда ғашланиб, бўзлаб
Қувонч бағишлайди бир Гўзал Бегим!
Умр иборатдир қувончу ғамдан
Баъзан шодман, баъзан чўқади кўнглим.
Тасалли беради қайгули онда
Мени олислардан йўқловчи синглим!
Бир Момо Ҳаввонинг муносиб қизи
Москва шаҳрида ижод қиласи.
Соҳибахонимнинг ҳар битта сўзи,
Кўнглим боғларини обод қиласи!
Хосият Бекмирза – Ӯшликлар фахри,
Бобур ижодининг ошиғи эрур.
Чоп бўлган китоблар меҳнат меваси-
Хосиятнинг зорли қўшиғи эрур!
Улуғ боболардан бизларга суннат
Ўқиб ўрганмоқлик форс шериятин.
Кимга ошно бўлса шижаат, гайрат,
Ортгуси билими ва маърифати.
Неъмати чексиздир одил худонинг
Менга замондошdir икки улуғ зот.
Неъматулло ака, Одил Икромий
Мавлавий руҳини айламоқда шод.
Менинг юрагимни ўртар бир армон,
Унутиб бўлмайди бу улкан ғамни.
Эсламай бўлурми ахир, ушбу он,
Оташнафас шоир Асқар Маҳкамни!

Ваҳдатдан¹ Тошкентга келгач шоирнинг
Тафаккур чечаги яшнаб очилди:
««Эрк»деди, бўғзини қиличлар тилди,
Ва сўзлар дорига осилди...»²
Шавкат Раҳмон каби жўмард ва ботир,
Мусулмон элининг шоири эди.
Бугун унинг ўрни билинаётир,
Румий шуносларнинг нодири эди.
Ҳали ёш эди у, балким яшарди,
Бўлгандা озгина олғир, устамон.
У "теран англади аҳли башарни
Қутқарса қутқара олади имон!»³
Қадим Авестони ўзбек тилига
Ўгириб миллатга этди армугон.
Маломат ханжарин шоир дилига
Санчди шафқат билмас жохил оломон!
Фоят оғир эди «гуноҳ» залвори-
Ҳаллождек ҳайқириб «Аналҳақ» деди!
Буюқ шоирларнинг шудир қисмати -
Жохиллар шоирнинг бошини эди.
Аммо неча йилdir кўхна Туронда
«Ҳак»ила «Аналҳақ» кўлдан тушмайди.
Шоирни ўқишар Афғон, Эронда
Демак, Аскар Маҳкам номи ўчмайди!
Умр ўтар экан ҳар лаҳза, ҳар он,
Кўрган кечирганин сўйлар ҳар одам.

1. Кофарниҳон ноҳиясининг ҳозирги номи.

2. Шодравон Аскар Маҳкам сатрлари.

3. Шодравон Аскар Маҳкам сатрлари.



Ўз ҳолига қараб бо қадри имкон
Дунё келажагин ўйлар ҳар одам.
Ўзбек шериятин кенгдир осмони-
Офтоби, юлдузи ҳамда ойи бор!
Агар бутун бўлса дилда имони
Ҳар битта овознинг ўрни, жойи бор.
Ҳақиқат туғилар баҳс, талошларда,
Халқ борки бўлгуси шоиру оқин.
Ҳозирги ёшлардан–қаламкашлардан
Жавоҳир Абдулла дилимга яқин.
Бир фикрим бор дилда қатъий, синашта,
Не чоғлик тўғридир –буни билмадим.
Шеърият ортидан шуҳрат талашган
Кимсаларни сира шоир демадим!
Қисмат кимга қандай насиба берур,
Ҳеч кимса олдиндан айтиб беролмас.
Қувгинда эрк истаб юрган зотлар ҳам
Ўзбекнинг фарзанди-бегона эмас!
Қўп яхшилик кўрдим инсон зотидан-
Мунис ота-онам, опам, синглимдан.
Ушбу сатрларни ёзар эканман
Ўтган азизларим ўтар кўнглимдан.
Кетишидди васлига зор килиб мени
Қанийди бир бора яна кўрсайдим.
Бошимга кўтариб юрсам арзирди,
Тириклар сафида улар юрсайди!
Аммо тақдир ҳукми шунаقا экан
Ўзинг сабр бергин Қодир Аллоҳим!
Муборак онларда улар қабрини
Жаннат гулларига тўлдир илоҳим!



Яхшиям сиз борсиз яхши одамлар,
 Сиз бирла ободдир синиқ кўнгиллар.
 Фам ғусса дилимни чулгаган дамлар
 Сизнинг далдангиздан дардим енгиллар.
 Бугун арафадир азиз дўстларим,
 Қалбингиз илоҳий нурларга тўлсин!
 Янаги муборак ҳайитга қадар
 Ҳар янги кунингиз хайрли бўлсин!

12-14.10.13й

ГУЛЛАР ТАБАССУМИ

Шоира Гўзал Бегимга

Гуллар табассумин сиз кўрганмисиз?
 Чиройли табассум қилади гуллар.
 Улар сухбатида ҳеч бўлганмисиз-
 Кулганда юракдан кулади гуллар!

Гуллар табассумин сиз кўрганмисиз?-
 Инсонга яхшилик тилайди улар.
 Бахш этар эзгулик, бахш этар шодлик
 Шундан яйраб-яшнаб унади гуллар!

Гуллар табассумин сиз кўрганмисиз?-
 Самими табассум қилади гуллар.
 Сохталикни билмас, ёлғондан қулмас,
 Ёлғон табассумдан ӯлади гуллар!

04.10.2013-йил, 14-30



ҲАҚ ЙҰЛИДА

Дұстим Эркинга

Дунё нима? Талошли уйми,
 Ёки катта бозорми, дунё?
 Марднинг марги номардга тўйми?
 Яхшиларга озорми, дунё?
 Тўғри яшаб юрганингни ҳам,
 Кўролмайди бир тўда олчоқ.
 Ортингдан тош отиб дам- бадам
 «Дұстим» дея очади қучоқ.
 Бундайларга дилингни берсанг,
 Ўт қўйишар хонумонингга.
 Молингни-ку тортиб олишар,
 Кўз тикарлар яна жонингга.
 Дилни бериб ягона Ёрга,
 Ҳақ йўлидан кетмайлик тойиб.
 Салом бўлсин содик дўстларга!
 Сана. Имзо. Ҳасанбой Ғойиб. 15.02.2011.

ДЎСТЛАРИМ - ДАВЛАТИМ

Мен билмаган эканман,
 Мен адашдим бегумон.
 Дўстлар давлатим экан.
 Дўстларсиз ҳаёт ёмон.
 Мен билмаган эканман,
 Ўртанар жон беомон
 Ёлғизлик азоб экан,
 Ёлғизлик жуда ёмон. 01.02.2010



Дўстлар муҳтож бўлганда
 Кўнгил эшигин очдим.
 Бошимга иш тушганда
 Дўстлар кўзимни очди.
 Номард дунё, хор дунё,
 Дўстлардан қилди жудо.
 Мендан юз бурсалар ҳам
 Уларни асра, Худо!

02.2010.

АЛЛОҲ ҶУЗИ СИЗНИ СУЙСИН...

Дўстим дея бағрим очиб
 Сийлаганим билмаганлар.
 Нозик онлар четга қочиб,
 Ҳолим сўраб келмаганлар.
 Омад кулиб бокқан чоғлар
 Мақтовдан тил тиймаганлар.
 Бойлик учун мени севиб,
 Аллоҳ учун суймаганлар.
 Яхши ёмон давраларни
 Бизга раво кўрмаганлар.
 Ваъда бериб оғир кунда
 Ўз сўзида турмаганлар.
 Шу ўткинчи дунё молин
 Бизга қўзи қиймаганлар.
 Гуноҳлигин билиб аммо,
 Фийбатдан тил тиймаганлар.



Аллоҳ сизга раҳм қилсин
Бизга раҳми келмаганлар.
Аллоҳ ўзи сизни сўйсин
Севги нима билмаганлар.

03.12.2008.

ҚУШЧАГА

Ташрифингдан митти дўстим,
Хаста дилим тоғдай ўсди.
Ҳар кимнинг бор каму кўсти,
Бунга парво этмайсанми?
Ярим умрим ўтиб кетди,
Ошноларим сотиб кетди,
Менга тошлар отиб кетди,
Сен ҳам бир кун сотмайсанми?
Дўстлар қадрим билмадилар,
Назарга кам илмадилар.
Аҳдга вафо қилмадилар,
Сен ҳам ташлаб кетмайсанми?
Кўнглим эди меҳрга зор,
Топдим фақат ранжу озор.
Дунё экан кўхна бозор,
Дилим вайрон этмайсанми?
Давраларда юрдим, толдим,
Дўстларимдан кўнглим қолди.
Сенга дардим тўкиб солдим,
Элга достон этмайсанми?

02.07.05 й

ЕЛИБ БОРАР УМРИМ КАРВОНИ

Ташвишлардан толиққанимда
 Ўз қалбимга далда бергани.
 Кетгим келар ёшлигим ўтган
 Адирларга равоч тергани.
 Юрсам дейман дўлона териб
 Қизилжарнинг этакларида.
 Умрим қолса аста айланиб
 Болаликнинг эртакларига.
 Аммо афсус қалбим армони
 Ёшлиқ қайтиб келмас ҳеч қачон.
 Елиб борар умрим карвони
 Борса келмас манзилга томон. 27.04.03.

АСЛ ИНСОНЛАРДАН ЯХШИЛИК ҚОЛУР

Жаҳонга келдингми сен меҳмон бўлиб
 Ўшадир иқболинг, ўшадир баҳтинг.
 Рози бўлса сендан эл қўнгли тўлиб
 Аслида шу эрур энг баланд тахтинг.
 Барча атрофингда бўлса парвона
 "Оллоҳга минг шукр"-пичирлар лабинг.
 Йилларни ўйласанг мисли афсона,
 Шу қадар тез ўтмиш-оқар сув каби.
 Аҳли дардлар сендан шифо топсалар
 Мамнун яшасалар ҳаётга қониб.
 Исминг эшигандаги "Балли" десалар,
 Елқадош бўлсалар чорлаган онинг.
 Вақтнинг шиддатини эзгулик енгар,
 Гарчи умр оти чопишдан толгай.
 Асл инсонлардан яхшилик қолур,
 Гойибдан яхшилик бўлиб шеър қолгай. 2015



ОНАЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Онадек вафодор борми дунёда?
Онадек фидокор борми дунёда?
Онадек ватандор борми дунёда?
Онадек ҳаққа ёр борми дунёда?
Онадек баҳтга ёр борми дунёда?
Борлигин баҳш этиб фарзанди учун,
Унинг камоли деб аямас кучин.
Ранжитса кечирар, олмагай ўчин,
Хақ талаб қилмагай хизмати учун,
Баҳтли санамасин ўзини нечун?!
Ундан ўрганайлик вафодорликни,
Ундан ўрганайлик фидокорликни,
Ундан ўрганайлик ватандорликни,
Ундан ўрганайлик ҳаққа ёрликни,
Ундан ўрганайлик баҳтиёрликни!
Кўзимизга суриб хоки пойини,
Уй тўрида тутиб унинг жойини.
Поёндозлар тўшаб атлас, шойини,
Дастурхонга кўйиб ширмой нонини,
"Онажон, сен менинг ягонам" дейлик!
"Дилдаги энг гўзал таронам" дейлик!
«Сен борсан дунёда-мен баҳтлидирман,
Бошдаги тож ўзинг, мен таҳтлидирман!
Сенинг дуонг билан мен аҳдлидирман,
Дунёда сен ўзинг ягонам» дейлик,
«Дилдаги энг гўзал таронам» дейлик,
«Онажон, сен менинг ягонам» дейлик!!!

09.03.15.

АРМУГОН

Бир истагим бор сиздан дилдор,
Дунёларни кезайлик бирга.
Ҳақ сорига биргина йўл бор,
Ошноликда етайлик Сирга!
Сизга қалбим армугон дилдор,
Мехрим сизни чулғасин нурга!
Танҳо Ҳаққа бандалик қилиб
То қиёмат бўлайлик бирга!
Сизга жоним армугон дилдор,
Дунё ўзи қоришган сирга.
Муҳаббатдан баҳтимиз топиб
Талпинайлик илохий Нурга!
Сизга борим армугон дилдор,
Дам уаркан Исрофил Сурга,
Ҳар гал бизни қўлласин Аллоҳ!
Жаннатда ҳам бўлайлик бирга!

18/07/2013-йил



*“Шашмақом” ансамбли раҳбари, Тожикистон
халқ ҳофизи Даврон Гулмуродовга*

Бир ариқдан сув ичганмиз Даврон билан,
Гоҳо шарбат, гоҳ қолганмиз айрон билан.
Шеъру ғазал бўстонида дил қонидан
Лавҳлар битдик, вале, юрдик замон билан.



Халқ ҳофизи бўлди бугун Даврон ака,
Ифтихорга тўлди бугун Даврон ака.
“Шашмақом”ни чорак аср эл ёдида
Сақлаб келди бахти бутун Даврон ака!

11.03.2012й.

ВАЛИЖОН МУСОЕВГА

Сенинг асли ярминг тожик, ярминг ўзбек,
Икки элни қадрлайсан худди ўздек.
Жисмингга мос исминг бордир Вали деган,
Ярашиқли, узукка жой бўлган қўздек.

11.03.2012й.

МЕХР ҚАДРИ

Тош меҳр дунёда айландик тошга
Оқибат қолмади дўсту ёронда.
Ҳеч ким бир-бирини йўқламас бошқа,
Учрашувлар тўйда ё ресторанда.

Эшик таққиллатиб аҳвол сўраш йўқ.
Кибру ғуур бугун тож эрур бошга.
Мухими устинг бут, қорнинг бўлсин тўқ
Эрк бериб яшаймиз баҳсу талошга.

Ҳаммамиз оқилу, ҳаммамиз доно,
Кимсан, буюкларнинг наслидандирмиз.
Биз каби тўра йўқ бу дунё аро,
Бизлар аслларнинг аслидандирмиз.

Биримиз саййиду, биримиз хўжа,
Баландdir бизларнинг шараф-шонимиз.
Бизлар оддий элдан фарқлимиз жуда,
Файзли, пурнеъматдир дастурхонимиз.

Бизлар чанд погона юксалиб кетдик,
Эъзоздамиз шону шавкат бағрида.
Тўкин-сочинликнинг қадрига етдик,
Аммо, етолмадик меҳр қадрига.

04.10.2013

ЙЎЛИМИЗНИ БЕРИНГ, БИРОДАР!

Эй, биродар бу фоний дунё¹
Айтинг кимга қилибди вафо.
Дўстлигингиз истардик, аммо,
Бир калима ширин сўзингиз
Кўрмадингиз биз учун раво.
Меҳр тўла кўнглимиз билан,
Саховатли қўллимиз билан,
Шири шакар шеъримиз билан,
Биз сиз сари интилдик, аммо,
Боқмадингиз биз томон ҳатто.
Англаб етдик, бизни севмассиз,
Молингизни бизга бермассиз.
Дилингизни бизга бермассиз.
Ҳиммат қилинг хаётда бир бор:
Йўлилизни беринг, биродар,
Йўлилизни беринг, биродар!

07 10 2011



*Рашт ноҳиясининг сабиқ раиси муҳтарам
Сайдумрон Абдураҳмонзодага*

Одамий бўлмаса ким
Сўз қадрин қайдан билсин.
Сўз қадрини билмаган
Ўз қадрин қайдан билсин?

Ўз қадрини билмаган,
Эл қадрини билурми?
Умрида йўл юрмаган
Йўл қадрини билурми?

Ким элдан қилса ҳазар,
Ҳақ ҳам этмагай назар.
Худбин бўлса ким агар,
Муродига етмагай.

Эл дегай: «Куч-бирликда,
Бирлашган доим ўзар».
Эл суйган раҳбар эруп
Сайдумрони Назар!

28.11.2014йил.



Дӯстим Ҳабибулло Дӯстга

Тангри ҳар кимга ҳам этмагай насиб
 Элга хизмат қилмоқ баҳтини дӯстим.
 Ҳамсүхбат бўлганда сиз билан ҳар гал
 Тоғлардай юксалдим, тоғлардай ўсдим.

Сизда истеъоддининг гавҳари мавжуд
 Ушбу гавҳарни сиз авайлаб сақланг.
 Одамшунос номин олганингиз рост
 Истагим элу юрт ишончин оқланг!

01.09.2012-йил.

ОНА ЮРТИМ ТОЖИКИСТОНИМ

Боболардан мерос бу макон
 Офтоб янглиғ жонбахш, сехрли.
 Болам каби азиз, қадрдон,
 Онам каби мушфик, меҳрли.
 Алла айтиб улгайтди мени
 Лутф айлади эркалаб, суйиб.
 Иқболимдан қувонди доим,
 Тоғдек ўсдим меҳрини туйиб.
 Аҳд айладим: хизматин қилгум
 Бобо юртим Тожикистонни.
 Алишмасман мен дунёларга
 Регарзамин-қутлуғ маконни!



Зеро шу юрт, шу она диёр,
Ободлиги олий орзумдир.
Дўстлик, тинчлик –менинг шиорим,
Аҳдга вафо эса қарзимдир! 05.06.2014

ЎТГАН ИШГА–САЛОВАТ

Бизлар дину диёнати бир хил миллат,
Ўргамиизда қачон пайдо бўлди иллат?
Биз Иброҳим халиуллоҳ наслиданмиз
Ҳам Муҳаммад (с.а.в) пайгамбарга содик уммат!
Кимки бизнинг дўстлигимиз истамагай,
Иблис-ўша! Демак унга бўлгай лаънат!
Кўхна Турон исломият бешигидир,
Шундан Дунё ахли ҳануз қиласар хурмат.
Кин, адоват ярашмагай мӯъмин зотга,
Мӯъмин бўлсанг бир-бирингга айла ҳиммат!
Етти марта Каъба тавоғ айлагандан,
Бир мӯъминнинг дилин олмоқ турар қиммат.
Бир хил эрур ҳатто тўю маъракамиз,
Бул ҳам бўлса Парвардигор берган неъмат!
Туронмизми, Туркистонми, Тожикистон–
Бизлар азал қондош, жондош бўлган миллат!
Динимиз ҳам дилимиз ҳам ягонадир,
Ола қарааш бизларга ёт бўлган иллат.
Фойиб сўзин оғир олманг оғаларим
Бағрикенглик, рафоқатда бўлинг ибрат!
Унутайлик адovату гиналарни,
«Ўтган ишга–саловат» деб, шудир суннат!

24.07.2013-йил

ХИКМАТ

Ҳар инсоннинг ўз қараши, ҳулқи ҳамда хислати бор,
 Одамлардан олган сабок, хулосаю ҳикмати бор.
 Кам эмасдир яралишда инсон зоти бир-биридан,
 Мартабаси устун кимнинг муҳаббатга рағбати бор.
 Икки дунё саодати насиб одам фарзандига,
 Гар дилида иймон деган бебаҳо бир давлати бор.

2015 й.

ЗОРИМ БОР ЮРАКДА

Зорим бор юракда, аммо зўрим йўқ,
 Одиллик шиорим, бундан кўнглим тўқ.
 Кимдир яхши одам, ким эса ёмон
 Истагим барчаси бўлсинлар омон.
 Разолат ахлидан юрдим мен йироқ,
 Аҳли жўмардларга тан бергум, бироқ,
 Камдир жўмардликни ихтиёр этган,
 Аҳдига вафони дўст, ҳамроҳ тутган.
 Гадоларни кўрдим – бошида тожи,
 Англадим, бой улким, йўқ эҳтиёжи.
 Фалат экан одам аталган маҳлук,
 Оллоҳ деб, шайтонга қиласи қуллук.
 Йўлим тўғри айла, этмагин маҳзун,
 Инсон боласининг орзуси узун.
 Барига гувоҳсан эй, қодир Эгам,
 Дардим фориг айла ўзинг мени ҳам.
 Аллоҳим зикрингда зокир эт мени,
 Нажот бер, тоатда моҳир эт мени.

18.05.2012 й.



РАШТОНЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИ

Аҳлиддини Ҳисорий-
Раштонзамин фарзанди.
Фақат оддий фарзандмас
Жигарбанди, дилбанди.

Сайдумрони Назар
Кӯп тажрибали раҳбар.
Хушрафтору хушгуфтор
Ҳақ унга этмиш назар.

Зумрадхон ва Жамила
Раштонликлар фаҳридир.
Мадинаи Азимий-
Ифтихорга ҳақлидир.

Нурмат Маърифхон ака
Ибратдир садоқатда.
Нуриддину Айниддин
Дўстлигу рафоқатда!

Ҳофиз Гулназар ака
Булбул каби хушвоноз.
Диловари Мирзодан
Қўшиқ айтар жуда соз.

Раштонзамин бағрида
Хисорийнинг тўйида-
Устоз Файзали Шукур,
Камина Ҳасан Фойиб,
Абдуқаҳхори Қосим
Меҳмон бўлдик ажойиб!

28.11.2014йил.


УСТОЗ ЁДГОР ОБИДГА

«Аста ҳорғинлашиб бормоқда кўзим,
Аста ёруглашиб бормоқда ҳаво».
Бир умр курашдим порласин дея
Адолат қуёши Туркистон аро!
Наҳотки «ҳаммаси бўлади унут,
Куйиб-пишганларим, ёнишларим ҳам».
Наҳот яшаб ўтар қарори-сукут,
Абу Турк авлоди бир умр мулзам?!
Асло! Зое кетмас ҳеч бир ҳаракат,
Мудом турғунликда қолмагай дунё!
Имоним комилдир бўлажак шаксиз
«Тўлқинлар ортидан тўлқинлар пайдо!»

13.04.2013йил.

IX

Гули хандон кўринмасму



- *Күрнімасму*
- *Санам*
- *Қоронғу оқиғом чоги*
- *Ул ёр хабардормикан*
- *Титраб тұрап бұ жонимиз*
- *Ошиқона*
- *Ховалыңда*



ҒАЗАЛЛАР

ҚҰРИНМАСМУ

*«Менга ишқинг йұлида қон күринур,
Юзинг ойинасида жон күринур»*

Хофиз Хоразмий

Саҳарда бөг аро кезсам, гули хандон күринмасму,
Сарандозин сабо үйнаб, жон ичра жон күринмасму?
Дилим яйрап висолидан, күзим қувнар жамолидан,
Кетолмасдан хаёлимдан, үшал жонон күринмасму?
Қаро тун қўйнида порлоқ, мисоли ой эрур моҳим,
Булутлар ичра гоҳида бўлиб пинҳон, күринмасму?
Савол сўрсам суманлардан жавоб айтмоққа ор айлар,
Сирин фош айламасликка этиб фармон, күринмасму?
Софинч тифи дилим ўртар, кутарга тоқатим етмас,
Менинг озурда жонимга бўлиб дармон күринмасму?
Фойиб, ишқни бало дерлар, на чоранг бор чидайдирсан,
Магар ишқ йўлида айтгил, жон ила қон күринмасму?

24.03.09

САНАМ

Ҳар кеча ёдимга тушгай кўзлари шахло санам,
Боқиши жоним олиб, боз айлагай эҳё санам.
Богима ташриф этиб лутф айласа ул мохирӯй
Гуллар ичра энг гўзал бўлгай ўшал раъно, санам.
Неча йилки ҳажрида овворадирман дар ба дар
Мажнун этди васлининг уммедида лайло санам.
Ул менинг жоним, жаҳоним, ул ягона матлабим
Истагим бўлса умрбод мен ила ошно санам.
Гойибо, гар бўлса пок кўнглингдаги орзу ният
Файбдан нажот этиб бўлгай сенга шайдо санам.

25.03.09

КОРОНГУ ОҚШОМ ЧОГИ

Коронгу оқшом чоги кездим мисли девона,
Топай дедим, изладим изларингдан нишона.
Оҳ қанийди топсайдим изларингнинг гардини,
Юзларимни босардим мен унга ошикона.
Хазон қўшиқларини куйлаётган дараҳтлар,
Шовуллашиб бўлдилар атрофимда парвона.
Ҳолим хабарин еллар айтдиму абрларга,
Кўз ёшларин тўқдилар мен каби ғарифона.
Васлинг қўмсаб эй жонон, Гойиб бўлди саргардон,
Қилсанг бўлмасму эҳсон изингдан бир нишона.

2002



УЛ ЁР ХАБАРДОРМИКАН

Хажрида ўртанганимдан ул ёр хабардормикан,
Мен каби тунлар соғинчдан уйқусиз бедормикан?
Севгининг сирли тузоги ўй-хаёлин банд этиб,
Йўлларимда интизору ошиғи дийдормикан?
Субҳидам эсган сабодан ишқ сабогин ўрганиб,
Субҳдан оқшомгача қилган иши такрормикан?
Мен унинг лаъли лабидан дилга малҳам истасам,
Киприги жонимга ханжар, зулфи тори дормикан?
Фойибо, айт, бу жаҳонда тарки жон этмай туриб,
Махлиқонинг васлини кўрмоқ баҳти бормикан?

2009.

ТИТРАБ ТУРАР БУ ЖОНИМИЗ

Мисли гул япроғидек титраб турар бу жонимиз,
Гарчи қисмат зарбидан қочмоққа йўқ имконимиз.
Гарчи бу дунёи дун ҳеч кимсага дўст бўлмагай,
Мангулик даъвосида ўтмоқдадир ҳар онимиз.
Бандаларга бу умр вақтинчалик сармоядир,
Истаган чоғ қошига чорлар яна Султонимиз.
Охират айёмида Тангри ўзи бергай мадад,
Тавба, истиғфор билан покласак иймонимиз.
Маърифатнинг нуридан бўлгай мунаvvар қўнглимиз,
Аҳли диллар даврасида бўлса гар маконимиз.
Фойибо, ихлос билан тутсанг ҳақиқат йўлинни,
Охират мулкида ҳам обод бўлур қўргонимиз.

2002

ОШИҚОНА

Висолига муштоқману, кўрай десам қўзим етмас,
Жамолига ошиқману, таърифлашга сўзим етмас.
Бунчалар ҳам кўп бўлмаса Ёрнинг нозу адолари,
Севганимни билиб туриб бир ишора, имо этмас.
Тонглар кутдим зор, интизор, йўлларми деб бир хушхабар,
Сахар кезган насимлар ҳам аҳволимга парво этмас.
Шунчалар ҳам кўп эрурми менинг журму гуноҳларим,
Ёлборсам ҳам эртаю кеч, даргоҳига зорим етмас.
Фойиб доим дуо айла, дуо ҳам бир ибодатдир,
Ҳадислардан далил борким, дуолар бесамар кетмас.

05.10.2009й.




Ховалингда бор экан обу ҳаволар хуш-хуш,
Сувларида дард учун бордир даъволар, хуш-хуш.
Султон Увайс Қароний ҳазратимнинг равзасин,
Ким зиёрат айласа топгай маънолар, хуш-хуш.
Худди жаннатдан нишон айлаб Худо бизлар учун
Ҳадя этмиш, арзигай айтсак санолар, хуш-хуш.
Хушзабону хуш зеҳин мардумлари бу ўлканинг,
Қўнгли пок, ихлослари юксак, аълолар, хуш-хуш.
Йўл юриб, дунё кезиб хеч қайда мен учратмадим
Хуш ҳаво, хуш манзара, гўзал маъволар, хуш-хуш.
Фойибо, ибрат учун ер юзин сайр айласанг,
Босган изингдан очилур гули раънолар, хуш-хуш.

30.04.06

IX

Ӯарғона тонг отгунича



- *Маираб газалига мухаммас*
- *Ҳазиний газалига мухаммас*
- *Авлиёхон Эшон газалига мухаммас*
- *Ӯлмас Жамол газалига мухаммас*
- *Ӯлмас Жамол газалига мухаммас*
- *Сайиид Невъматуллоҳ Иброҳим газалига мухаммас*
- *Асқар Маҳкам газалига мухаммас*



МУХАММАСЛАР

МАШРАБ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Неча йиллар фирогида қўйган сорбонларим келди,
Бобомлардан қолиб кетган қатор карвонларим келди.
Ота-онам етолмаган орзу, армонларим келди.
Намангон шаҳридан, дўстлар, менинг ёронларим келди,
Отам бирла онамни билгувчи меҳмонларим келди.

Боболар ҳасратин айтсам, замин титраб, қўйгай офтоб,
Тарқалиб кетмиш алар қўнгли доғ, бағри кабоб.
Айрилиқнинг жабридан чеккан аламу изтироб,
Шижаот бобида ҳар қайсиси Рустаму Сухроб,
Адолат тахтига минган бу кун Султонларим келди.

Бу оламда ҳар бир ишга бўлгусидир сабаб, омил,
Озодликнинг насимидан саодатга бўлдик ноил.
Боболарнинг руҳлари шод, ҳамд айтмоққа тиллар мойил,
Иноятли, диёнатли яна ҳам муршиди комил,
Ҳама ориф, ҳама содик, ҳама ирфонларим келди.

Алар дийдорини кўргач, кетгай дилдан сиёҳ, Машраб,
Тангри ўзи раҳм айлаб боқди бизга қиё, Машраб.
Битгай ушбу мухаммасни Фойиб ҳам бериё, Машраб,
Аларнинг хоки пойи кўзларимга тўтиё, Машраб,
Чироғимни мунаvvар қилғучи ҳоқонларим келди.

03.03.2012 йил.

ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ёдинг ила бедорман жонона тонг отгунча,
Кўчангда зор юргайман мастина тонг отгунча.
Энди менга ҳаловат бегона тонг отгунча,
Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отгунча,
Ўйлаб юрагим, жисмим бирёна тонг отгунча.

Ҳажрингда қон ютурман таҳаммул этолмасдан,
Дол бўлди тик қоматим, қаддимни тутолмасдан,
Сарсону саргардонман олисга кетолмасдан,
Мен Вомиқу Узро-сан, васлингга етолмасдан,
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отгуна.

Кўз ёшларим юволмас бағримдаги губорим,
Танҳо мақсадим ўзинг эй дилдаги туморим,
Дардимга бўлгин дармон, дилозор дилоромим,
Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хуморим,
Ҳажрингда бу кўнгиллар вайрона тонг отгунча.

Ошиги мубтолангман, тингласангчи зоримни,
Истасанг нисор этгум сенга йуғу боримни.
Васлингга ноил айлаб, олсанг олгин жонимни,
Ҳеч кимга деёлмасдан бу арз ила ҳолимни,
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отгунча.



Келсанг нетар кечалаб, нозу хиромон айлаб,
Ошигларинг кўнглини бир бора шодон айлаб.
Фойибдек бедилларни волаю ҳайрон айлаб,
Хилватда агар кўрсам, сирримни баён айлаб,
Сен бирла бўлай анда ҳамхона тонг отгунча.

То тирикман кўйингда юрак бағрим тиғларман.
Истасанг шайх Санъондек белга зуннор боғларман.
Пойингга тиз чўқмоққа ҳар дам ўзни чоғларман.
Найлайки иложим йўқ, ҳар гўшада йигларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отгунча.

25.03.2013йил.

АВЛИЁХОН ЭШОН ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Май истаймиз ва лекин паймонани кўрмаймиз,
Сўзлашурмиз туну кун, ҳамхонани кўрмаймиз.
Ҳажрида куяр кўнгил, пинҳонани кўрмаймиз,
Ишқ келди- кўз бойланди, бегонани кўрмаймиз,
Етаклаб юр, девона, майхонани кўрмаймиз.

Ошигу маъшуқликда фироқ бору висол йўқ,
Хуснига разм солсам кипригидан узар ўқ,
Гоҳо қошин чимириб зарда билан урап дўқ,
Шам бўлиб иккимиз ҳам тишладик ҳар кеча чўғ,
Қаноти чисирлаган парвонани кўрмаймиз.



Шавқим ортиб бородир ёрга интилган сари,
Ортидан чопиб борсам ёр кетади илгари.
Жонни ўртаб юборди нозлари, хийлалари,
Бу дилнинг қўргонига кирди ишқнинг лашкари,
Тош тегиб қон сараган пешонани кўрмаймиз.

Ҳолимизга қулмагин эй, зоҳид, фикрингдан қайт,
Панду насиҳат қилма ўзгалардан ўқиб байт.
Ҳолимиз англаюрсан шу ҳолга тушганинг пайт,
Бошлама дарсхонангга, сабоғингни сувга айт,
Ишқдан ўзга мураббий, фарзонани кўрмаймиз.

Ишқ дардин қайдан билсин ғофилу қалби кўрлар,
Кўнгил қулфи очилгач, ошкор бўлғуси сирлар.
Гулдан тўшаб поёндоз, бошимдан сочиб дурлар,
Эшикларин ланг очиб, кел, деб чорлади хурлар,
Аммо юрақдан ўзга ошёнани кўрмаймиз.

Васлин бир кўрай десам ёр олган юзин ўраб,
Жонни нисор этардим, қўйса агар бир қараб.
Мухаммас ёзди Ғойиб пирлардан дуо тилаб,
Эй Эшон, ахли ошиқ бормадик ҳолинг сўраб,
Кўзинг сувига чўккан остонани кўрмаймиз.

20.03.2012йил.



ӮЛМАС ЖАМОЛ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Офтоб юзинг сехрини самолардан сўрайман,
Унинг нури-тафтини ҳаволардан сўрайман.
Сарв қаддинг қадрини адолардан сўрайман,
Сочинг атрини қўмсаб, саболардан сўрайман,
Ширин-шакар лафзингни садолардан сўрайман.

Сомон йўли бу асли муборак изларинг деб,
Оламларни ёритган ой каби юзларинг деб.
Танамга рух бағишлар ошуфта сўзларинг деб,
Нега зиё таратгай бу қора кўзларинг деб,
Тун бағрида яраклар Зухролардан сўрайман.

Мунаввардир бу олам маърифатдан, билимдан
Шукр қилгум ўзингта, зикринг тушмас тилимдан.
Йўл берган ҳам ўзингсан ҳам тутгувчи қўлимдан,
Нақши табассуминг бор оинаи дилимда,
Аммо яна кўрай деб раънолардан сўрайман.

Баъзида жўш урарман дил сиримни айтолмай,
Куйингда бекарорман, мақсадимга етолмай.
Фойиб эмас ҳозирман, хузурингдан кетолмай,
Нозинг риёсини ёр, ҳеч нарсада тополмай,
Ушбу амални мавжи дарёлардан сўрайман.

Ҳажринг ўтида жоним, куйиб, ёндим, бўл огоҳ,
Ҳайрон бўлма, пойингга йиқилсам мен баногоҳ.
Ақлимни йўқотурман, сўзим адаштириб гоҳ,
Савдои севги сеҳри кийлатганидан огоҳ,
Тинглаганим нидони наволардан сўрайман.

Само менинг ҳолимга ҳайрон бўлиб ўзимдек,
Фужфон-гужфон юлдуздан маржон тўкар кўзимдек.
Фойибдан келар садо худди менинг сўзимдек:
Ўлмасга эътиборли бўлгайми, деб ўзимдек,
Ишқинг ўтида куйган адолардан сўрайман.

11.07.2015.

ЎЛМАС ЖАМОЛ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Мени доим тўгри йўлга равон қил,
Мушкулларим арит, ишим осон қил.
Сарсон қилма сира, соҳиб макон қил,
Худовандо, имонимни омон қил,
Дагал этма тилим, ширин забон қил.

Ўзга ният дилимга тугмагайман,
Васлинг истаб юракни тифлагайман.
Даргоҳингда ҳасратдан йиглагайман,
Ўзингдан бошқага бош эгмагайман,
Сенга бўлган ишончим бегумон қил.



Ҳисоб куни ёдга тушса баногоҳ,
Танам титраб, забун бўлурман ногоҳ.
Ўз ҳолимга ташлаб қўймагин, Аллоҳ!
Этиб қўйма сира шайтонга ҳамроҳ,
Ҳақиқат йўлига доим равон қил.

Бани одам сафар чоғда-кетишда,
Беллашурлар Ҳақ сорига етишда.
Ушбу йўлда толмай одим отишда,
Сенга сидқу вафо зоҳир этишда,
Тинимни билмаган озурдажон қил.

Йўлимни бер Тангри, йўлдан қайирма,
Манзилимга этиб олай тойилмай.
Ёлвораман мен ким, ожиз Фойибман,
Мени асло диёнатдан айирма,
Буюк меҳрингга қалбим ошъён қил.

Не яхшилик келса билгумдир сендан,
Не хатолиф ўтса, ўтгуси мендан.
Қувват кетмай аввал бу жисму жондан,
Чидайдурман на келса бошга сендан,
Бари банданг қатори имтиҳон қил.

Қаноатни бошимга айлагин тож,
Раҳм айла, коримга бергин ривож.
Бундан ортиқ давлат йўқдир, йўқ хирож,
Касу нокасларингга этма мухтож,
Ечиб мушкулларим сеҳринг аён қил.

Кўнглим равшан нуринг ила эй, Моҳим,
Сенинг амринг, ҳукмларинг силоҳим.
Авф айлагин бор бўлса иштибоҳим,
Гуноҳим кўп ҳузурингда, илоҳим,
Кечиргил шафқатингдан армуғон қил.

11.07.2015.



САЙИД НЕЪМАТУЛЛОҲ ИБРОҲИМ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўкда дил парвоз этар, осмон муборак бўлсин-эй,
Очса арш дарвозасин, кайҳон муборак бўлсин-эй.
Васлини қўмсаб етилган армон муборак бўлсин-эй,
Эй муҳаббатлиғ қўнгил, хижрон муборак бўлсин-эй,
Ўт аро бу топганинг имкон муборак бўлсин-эй.
Ишқнинг асрорига ҳар кимса ҳам етмас ишон,
Гар саодат истасанг, билгил саодатдир шу он.
Ҳажрида куймоқ надир, айлагин ҳолинг баён,
Доманингга субҳидамда гул тўкар маҳбуб ниҳон,
Чун димогинг ичра хуш райхон муборак бўлсин-эй.
Бешижоат бўлса ким, қолгай аро йўлларда руст,
Неча зотлар бўлди хор, рафторини этмай дуруст.
Довюрак бўл сен мудом, тоғларни теш, ғовларни буз,
Ким муҳаббатдан жудодир, ақли-жузъ, иймони суст,
Ақли куллар наздида иймон муборак бўлсин-эй.
Субҳи шом қилсанг дуо, пирларингни ёдда тут,
Мақсадинг ёр васли бўлса одатинг бўлсин сукут.
Дилдаги шубҳа, гумон илдизин буткул қурит,
Боқ, бу хусрон дайрида виждон унут, иймон унут,
Кўксинг ичра йиғлаган инсон муборак бўлсин-эй!
Бандалик қилгин мудом, тарқ этмайин рухи равон,
Дил эрур Ёр манзили мисли жон ичра бу жон,
Фойиб ҳам дил розини Сайидига этгай баён:
Худшиноссан коинот асрори ўзликда аён,
Дилда меҳвар истаган кайҳон муборак бўлсин-эй.

АСҚАР МАҲКАМ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

*Чаман ичида бир гул,
Гул бир ён, чаман бир ён
Тұра Сураймон.*

Дунё ажаб яралған аҳд бир ён, вафо бир ён,
Қисмат үйинин күринг раҳм бир ён, жафо бир ён.
Ёр ҳажрида bemormiz, дард бир ён, даво бир ён,
Мулки фано ичида шоҳ бир ён, гадо бир ён,
Зиндони ғам ичинде ох бир ён, сазо бир ён.

Бirimiz ҳақ йўлида, адашганмиз birimiz,
Ажал қистовидамиз ҳоҳ ёшмиз, ҳоҳ қаримиз,
Яратганинг қошига боргайдирмиз баримиз,
Харчандким валиймиз ё ҳур ё паримиз,
Лек насли одамиймиз ҳақ бир ён, хато бир ён.

Жар солурмиз жаҳонга «Мавлоно пиrimizdir»,
Қандай муридлигимиз пинҳона сиримиздир.
Оқибат якто: маҳшар йигилар еримиздир,
Шайтон пиrimizdir ҳам тийғу тийrimizdир,
Ёхуд ҳар биримиздир, бад бирён, бало бирён.

Ҳар янги кун биз учун охиратдан хабар бу,
Беш кунлик дунё надир? Имтиҳони башар бу.
Авжга чиқса шайтонлик қиёматдан асар бу.
Машшотай азал бу, машшоқи бебасар бу,
Ноҳун қўлида хундир, савт бир ён, садо бир ён.

Фойиб кўнгли дунёдан қолиб борар тобора,
Ўтди Асқар Маҳкам ҳам бағри бўлиб садпора.
Бунда ким үйин үйнар, ким чалади ногора,
Бул шоми базморо май сун менга нигоро,
Бол тут тилингда жоно, соз бир ён, сато бир ён.

18.03.2012йил

XI

Чиқим күнгөр юлдузларга



- *Хаё тимсоли*
- *Севдигу*
- *Иионч*
- *Богбонқишилек ҳақида*
- *Чимилдик*
- *Маҳзун юрак нидолари*
- *Зебосанамга*
- *Баҳор келаётир*
- *Келмадинг*
- *Сен рақсга тушардинг*
- *Девонадек*
- *Йиглама*
- *Насиба*
- *Ишқим кўчар юлдузларга*
- *Қайданам*
- *Ҳамон сени кўрсам*
- *Сен кетардинг*
- *Ёдингдами*
- *Биз топинган*
- *Сендан кетарканман*
- *Сенинг ўшал маъсум*
- *Сен бор эдинг*
- *Қисмат*
- *Сен келмадинг*
- *Оқшом согинчи*
- *Согинчларим*
- *Хайр бизга*
- *Танҳоликда*
- *Хафа бўлма*
- *Умидимнинг*
- *Чорак аср*
- *Сенсиз*
- *Куйган дилим*
- *Мен бир инсон*
- *Кезар эди*
- *Тунлар сенинг*
- *Кетар бўлсанг*
- *Савол*
- *Тилак*
- *Муҳаббат*
- *Яна юрак*
- *Сен борасан*
- *Қўнгил ва гул*
- *Қалбимда*
- *Қўзларингиз*
- *Согингандা*
- *Эй гул*
- *У дамлар*
- *Эсимдадир*
- *Қозоқ сулувига*
- *Севги ўлани*
- *Илк севгим*
- *Қўзларингда гар ёш кўрсам адо бўламан*
- *Умидимнинг гунчалари*
- *Лайло*
- *Бу кеча кел*
- *Муҳаббат кетмади*
- *Ишқ дарди*
- *Ишқ ўтида*



ҲАЁ ТИМСОЛИ

Хижолат тортгандек бўласиз гўё
Қизариб кетади ёноқларингиз.
Чарос кўзларингиз тик боқмас сира,
Ийманиб сўзлайди дудоғларингиз.
Ҳаё тимсолини кўраман сизда
Мени асир этар ажиб туйгулар.
Сиз шунчалар масъум, сизни ўйласам
Қалбимда бокира шеърлар туғилар.

02.03.10г.



Севдигу севгидан сўзлашмадик биз,
Бирга қўл ушлашиб юрмадик хандон.
Фамли лаҳзаларда бўзлашмадик биз,
Юраклар талпиниб турса ҳам чандон.
Йиллар ўтса ҳамки озурда дилим
Ҳамон талпинади жоним сен томон.
Соқовга айланар негадир тилим
Кўзим кўзларингга тушгани замон.
Ҳар гал қасди ортар азобнинг жонга,
Фақат алам бўлар бизнинг ҳаққимиз.
Гулим, ажралмайлик икки томонга,
Учрашиб қолганда энди иккимиз.

1986 й.

ИШОНЧ

Ишонгин баҳорлар келади,
 Бир умр қолмасмиз даштларда.
 Севгимиз дараҳти унади,
 Кўзлардан тўкилган ёшлардан.
 Оташин ишқимиз тафтидан,
 Ҳижроннинг даштлари ёнади.
 Севгимиз дараҳти шохига,
 Биз кутган баҳт қуши қўнади.
 Бу қадим бевафо дунёда
 Илк бора очилар ишқ гули.
 Ошиқлар қўл очар дуога,
 Биз баҳтли бўламиз, севгилим.

2003

БОҒБОНҚИШЛОҚ ҲАҚИДА

Бу ерларда ёшлигим ўтди,
 Илк севгимнинг азобин чекиб.
 Бу ерлардан гўзаллар кетди,
 Юрагимга наштарлар тикиб.
 Бу ерларда содиқ сирдошим-
 Кўхна чинор ўй сурап ҳануз.
 Тушларига кирап эҳтимол,
 Мени ташлаб кетган ўшал қиз.
 Узун тунлар тинглаганман жим,
 Дурбент сойнинг гулувларини.
 Мен севгандек севолмас ҳеч ким,
 Боғбонқишлоқ сулувларини.

2002й.



ЧИМИЛДИҚ

Олисларга кетиб қолган ҳумо қушим
Сизнинг бирла учиб кетди ақлу ҳушим
Умрлик ёр атаганим ширин тушим,
Севгимизнинг чинлигини билиб қўйинг,
Чимилдикқа ундан тумор илиб қўйинг.

Минг тасаддуқ ишққа содик қолганларга.
Жазо бордир муҳаббатдан тонгандарга.
Аҳд паймонлар айландиму ёлғонларга?
Севгимизнинг чинлигини билиб қўйинг,
Чимилдикқа ундан тумор илиб қўйинг.

Гарчи сизни мос кўрмади менга тақдир,
Бахтим қаро бўлса ҳам ки, кўнглим оқдир.
Унинг бир-ла бирга яшаб бўлинг бахтли,
Севгимизнинг чинлигини билиб қўйинг,
Чимилдикқа ундан тумор илиб қўйинг.

2001.

МАҲЗУН ЮРАК НИДОЛАРИ

Хомуш тортди дилнинг янгроқ садолари
 Ўтди ёлғон муҳаббатнинг адолари.
 Энди тунлар ишқ куйининг сехри эмас
 Тарагали маҳзун юрак нидолари.
 Суйганларим, куйганларим тарқ айлади,
 Ёлғиз бошим савдоларга ғарқ айлади.
 Умидимнинг гулин хазон, барг айлади,
 Кўнгил уйим меҳмонлари–хатоларим.
 Қайдан келди бу хиёнат – қора хатар,
 Ўргамиизда айрилиқдек савдо ётар.
 Энди топган азобларим ўзим тортай,
 Колмади-ку бу жонимга фидоларим.
 Дерлар, умр елдиримдек елиб ўтгай,
 Билмам қачон бу юракнинг дарди кетгай.
 Армонларим икки дунёга ҳам етгай,
 Тилда тошдек қотиб борар видоларим. 2002

ЗЕБОСАНАМГА

Бир зебосанамга бердим дилимни
 Четда қолди мени севган дилдорлар.
 Мен уни жонимдан севардим ортиқ
 Хажридан дилимда қолди озорлар.

Бир зебосанамга бердим дилимни,
 Энди ишқ ўтида ёниб, куяман.
 Ҳавога совурди менинг кулимни
 Мен уни барибир севаман.

30.10.2013-йил.



БАҲОР КЕЛАЁТИР

Баҳор келаётир муnis хотирлар,
Бир-бир елаётир хаёл кўкида.
Баҳор келаётир сени хотирлаб,
Кўшиқлар битурман сенинг ҳақингда.
Баҳор келаётир муз қотган дунё,
Кўзини очмокда аста уйқудан.
Қайноқ бир нафасни сезгандек гўё,
Кўнгиллар уйғонар ширин туйғудан.
Нозларингни ая, сен ҳам эй гулим,
Қара, баҳор келар висолга ташна.
Кел, бирга бўлайлик, келгин, севгилим,
Кел, бирга яшайлик баҳордек яшнаб. 24.01.02.

КЕЛМАДИНГ

Баҳор келди қишдан, аёздан ўтиб,
Насимлар эсдилар майнин ва енгил.
Баҳор келди яна сени эслатиб,
Фақат сен келмадинг соchlари сунбул.
Қирларни қоплади яшил майсалар,
Ариқлар бўйида уйғонди ялпиз.
Сувлар тўйиб ундан олди бўсалар,
Фақат сен келмадинг соҳибжамол қиз.
Баҳор осмонига тикмоқ бўлиб дор,
Турналар олисдан келдилар омон.
Йўлингта кўз тутдим тунлари бедор.
Фақат сен келмадинг қошлари камон.
Интизор ҳовлимда гуллади бодом,
Кузатдим, гуллари кетди тўклиб.



Мен умид гуллари тўкилган одам,
Сенинг йўлларингга қолдим тикилиб...

May 2001.

СЕН РАҚСГА ТУШАРДИНГ

Сен рақсга тушардинг-гўзал вужудинг
Кўз-кўз қилган каби ноз-ла тўлғониб.
Мен эса ўзимни йўқотиб қўйиб
Қарашибга қўрқардим, уятдан ёниб.
Сен рақсга тушардинг гўё қалбингда
Ишқ ўти қайтадан оловланганди.
Менчи, ўриндиқда хижолат чекиб,
Ўтира олмасдан каловланардим.
Сен рақсга тушардинг-гўзалдинг фоят!-
Йиллар сени сира ўзгартирмапти.
Мен эса маҳлиё бўлиб, ниҳоят-
Сени қаттиқ севиб қолгим келяпти!

25.08.2014-йил



Девонадек юраман дайдиб
Кўчаларда мен кеч оқшомлар.
Хаёлимдан кетмайди сира
Сенинг бирла ўтказган дамлар.
Димоғимда соchlаринг иси,
Маҳзун тунлар, интизор тунлар.
Тонг чогида юлдузлар мисол
Дафтаримга тўкилар унлар.

01.06.2002.



Йиглама, аягин ашкингни,
Илтижо ҳам қилма, «кечир» деб.
Қалбингда ёнган чўғ – ишқингдан
Кечмасман, сен мени кечиргин.
Бехуда ӯтказма фурсатни,
Кўз ёшинг томмасин йўлимга.
Қалбимда ёққанинг ишқ-ӯтни
Мен ёқиб бораман ӯлимга. 1986й.

НАСИБА

Сени телбалардек севардим
Аммо менга боқмадинг қиё.
"Ўлгунимча севаман" дердим
Телбалардек бўлиб маҳлиё.

Айро экан қисмат йўллари
Айро экан бизнинг тақдирлар.
Қай одамнинг баҳтли қўллари
Бугун сени баҳтла тақдирлар.

Мен телбанинг хаёлим қочди
"ЁХу!" дедим, ўртандим ёниб.
Тангрим чин ишқ сирини очди-
Ва мен ичдим ИШҚ майин қониб.

Билгин, бир кун қиёмат келгай,
Чалингуси бурғулар, сурлар.
Менинг қутлуғ насибам бўлгай
"Чодирларда асралган ҳурлар".¹ 25.12.13.

1. «Рахмон» сураси, 72-оят.

ИШҚИМ КҮЧАР ЙОЛДУЗЛАРГА

Сенинг қадди равонингга фидо бўлсин бу кўнгил.
Фунча лабинг хандонига адо бўлсин бу кўнгил.
Висолингга хумор бўлиб кутгум сени дилором,
Гар келмасанг йўлларингда гадо бўлсин бу кўнгил
Севги деган оташ бўлиб куйдиришин билмабман,
Тушингда ҳам қўрмаганинг сўйдиришин билмабман.
Ҳаёт-мамот сабогини тўйдиришин билмабман,
Ишқ йўлида майли ўздин жудо бўлсин бу кўнгил.
Кўзларингиз бунча гўзал, сехрлари қўп ёмон,
Сўзларингиз дилга ёқар жозибадор ва равон,
Нигоҳингиз юрагимга тиф уради беомон,
Хуснингизга бир умрлик шайдо бўлсин бу кўнгил.
Гуноҳларим тўкилгайму қўлингиздан тутсам мен,
Вақт үлчовин унугтайман, қачон сизни кутсам мен.
Ишқим күчар юлдузларга, бу дунёдан ўтсам мен,
Сўнги дамда “севдим” деган нидо бўлсин бу кўнгил.

31.03.07



Қайданам кирдик биз бу гуноҳ йўлга,
Буйруқ бериб бўлмас экан кўнгилга.
Дунёни унутиб сухбат курамиз,
Тунлари боғларни тўлдириб сирга.
Бир зум кўришмасак юрак соғинар,
Энтикиб яшаймиз бир-биrimizga.
Гарчи кеч бўлса ҳам учраштириди деб
Шукронда айтамиз тақдиримизга.
Қанча давом этар билмаймиз, аммо
Эҳтиросга тўла бизнинг муҳаббат.
Меҳримиз жўш уриб борар тобора
Билсак ҳам олдинда тўсиқлар қат-қат.
Мангулик олдида бу ҳаёт асли
Ўткинчи онлардан иборат факат.
Қиймати бўлади вақтнинг қачонки
Унга ҳоким бўлса меҳру муҳаббат.

31.03.2007



Ҳамон сени кўрсам ўртанаар юрак,
Ҳамон сени кўрсам лол бўлар тилим.
Неча бор аҳд қилдим унутмоқ керак,
Аммо тарк этмади ёдинг, севгилим!
Чорак аср умр кетибди ўтиб,
Ўтиб кетди неча баҳор, ёз ва қиш.
Ҳамон кечагидек сени севишим
Ҳатто, ўзимга ҳам туюлар эриш.
Ҳолимизга йўқдир ҳожати баён,
Қисмат шундай экан, шу экан тақдир.
Сочим оқарганда англашим аён:
Ишқ бизга имтиҳон-атоий Ҳақдир!

14.01.2015-йил



СЕН КЕТАРДИНГ

Сен кетардинг ойдек тўлғониб
Ногоҳ ортга нигоҳ ташладинг.
Караҳт эдим, кетдим уйғониб
Беихтиёр юра бошладим.
Сен боқмадинг ортга қайрилиб
Кетавердинг нозланиб жонон.
Қолмай дея сендан айрилиб
Кетавердим ортингдан нолон,
Эҳ, қанийди бир умр шундай
Кетаверсам сени кузатиб.
Кетаверсам кечаю кундуз
Қўлларимни сенга узатиб.
Кўзга суртиб пойинг гардини
Суронларга бўлиб юзма-юз.
Эртаю кеч сенинг ортингдан
Кетаверсам сен-ла изма-из.

2001

ЁДИНГДАМИ

Ёдингдами илк учрашувлар
Ўшал ширин висол онлари.
Яшилилка бурканган олам
Навбаҳорнинг гўзал шомлари.
Кундузлари офтоб, тунлар ой,
Гувоҳ эди бизларнинг аҳдга.
Оламларга бахш этиб чирой
Бизлар тимсол бўлгандик бахтга.
Самоларда сузган абрлар
Товланарди оппоқ ва мовий.
Ёғар эди майин ёмғирлар,
Шивирлашиб сирли, самовий.
Осмон узра солиб аргимчоқ
Турналар ҳам бизни қутларди.
Қалдирғочлар териб кўзмунчоқ
Бизга бахтнинг қасрин тикларди.
Аммо, ўтди умр баҳори
Навбаҳорнинг ёмғири янглиғ.
Дилда қолди севги озори,
Дилда қолди хотира-мунглиғ.
Букун ғамгин боқар борлиқ ҳам,
Офтоб хира, ой эса синган.
Осмондаги булутлар-кулранг,
Мовий рангин йўқотиб қўйган.

26.04.2014-йил



Биз топинган ишқи азал
Энди менга дор бўлдими?
Мен ардоқлаб суйган гўзал
Ўзга ёрга ёр бўлдими?
Аҳдлашгандек баҳор чоғи,
Ишқ сехридан адо бўлиб.
Ваъдалари кўкка ўрлар
«Ёр-ёр» деган садо бўлиб.
Сеп йигарди онажоним
«Келинга» деб сандик- сандик.
Куйганимдан бағрим аро
Иzlар колди чандик-чандик.
Ё, Раб, бу не жудоликдир,
Эс-хушимдан айрилдим мен.
Бу не баҳти қароликдир
Бахт қушимдан айрилдим мен.
Тақдир хукми шундай бўлса,
Ўшал ёр-ла яшаб кетсин.
Фақат, айтинг бевафо ёр,
Юрагимни ташлаб кетсин...
Орзулаган ишқи аввал
Энди менга дор бўлдими?
Ошиқ Фойиб ишқ кўйида
Йиглаб, йиглаб зор бўлдими?!

12.02.2013йил.



Сендан кетарканман дил оғрир,
Дараҳтлар кузатар хұрсиниб.
Шамол изиллайди, қуяди ёмғир,
Афтода ҳолимдан үксиниб.

Сендан кетарканман йұлаклар
Чүзилиб боради тобора.
Қайдасиз эй ёруғ тилаклар,
Соғиниб йиглайман дил- пора.

Сендан кетарканман, севгилим,
Олдинда не кутар билмайман.
Айбимми, мен сени севганим?
Севмасдан мен яшай олмайман!

Сендан кетарканман, үйларим
Хазондек тұзғийди ҳар томон.
Бир ҳазин айрилиқ күйлари
Қалбимни үртайди беомон.

24.12.08



Сенинг ўшал маъсум қиёфанг
Хаёлимдан кетмайди дилбар.
Сен кетдингу кўнгил уйимни
Эгаллади андуҳ ва қадар.
«Мен севаман» шу қизни дея
Айттолмадим онажонимга.
Ўйлабмидим ахир ўшандা
Ўт кетишин хонумонимга.
Чорак аср ўтса ҳам, эй қиз
Хаёлимдан кетмайди ёдинг.
Самоларга ўрлайди ҳануз
Ошиқ дилнинг маҳзун фарёди. 13.02.2011



Сен бор эдинг, мен бахтли эдим,
Гўзал эди борлик ҳам жуда.
Ўтказардик гўзал тунларни
То тонггача суҳбат авжида.
Мовий осмон, зангори шафак,
Туғар эди оппоқ тонгларни.
Хадя этар эди қўёш ҳам
Камалакдек турфа рангларни.
Ўтиб кетди, қайтмагай энди
Гўзал тунлар, у оппоқ тонглар.
Сочларимга қировлар инди,
Юрагимни қоплади занглар.
Кўкрагимни эзади бир ғам,
Хижрон тифи дилни чавақлар.
Сени эсга солар ҳали ҳам,
Мовий осмон, зангор шафақлар. 15.02.2011

ҚИСМАТ

Ҳижрон ханжарлари сүякка етди,
 Тақдирнинг зарблари юракка етди.
 Оҳ урдим, охларим фалакка етди,
 Нечун сенга менинг зорим етмайди?
 Ишқинг деб қалбимдан сочдим ёғдулар,
 Мақсудим бол эди, ичдим оғулар.
 Оқибат қуюлди ҳазин туйгулар:
 “Тақдир ишқ жомини менга тутмайди”.
 Хазон фаслидаман, ӯтди баҳорим,
 Жоннинг қасдидаман, кетди қарорим.
 Дорнинг остидаман, эй гўзал ёrim,
 Нечун юрагимдан доғинг кетмайди?

2002.

СЕН КЕЛМАДИНГ

Ишқ–бало даشتida оввора бўлдим,
 Андуҳларга тўлди сабр соғари.
 Кўнгил чаманида гунчалар сўлди,
 Аммо, сен келмадинг, мени ахтариб.
 Мажрух юрагимни анордек тилиб,
 Осмоним тарк этди феруза ранглар.
 Шаблар нола қилдим куйиб, ўртаниб,
 Зухра чалиб берди ҳазин оҳанглар.
 Ҳижрон оташида кул бўлди таним,
 Тупроққа қорилдим ҳазондек гариб.
 Танҳо ўзинг эдинг зор-зор кутганим,
 Аммо, сен келмадинг, мени ахтариб.

2002



ОҚШОМ СОГИНЧИ

Кундуз шомга беланди,
Кўқда ҳилол қўринди.
Шундай гўзал оқшомда
Ёлғизлигим билинди.
Рўй кўрсатди юлдузлар-
Самовий гўзал қизлар.
Қаердасан, юлдузим
Қалбим сенга йўл излар.
Оқшом шамоли елар,
Тол барглари ҳилпирав,
Согинч ўртаган бағрим
Баргдек ерга тўкилар.

2002.



Соғинчларим қолди сарғайиб,
Кўзларимнинг қароғларида.
Тунлар кездим мижжа қоқмайин,
Маъюс кўнглим чорбоғларида.
Армон тоши майдалаб эзди,
Юрагимнинг қабатларини.
Танҳоликда сенсиз ўтказдим,
Гул умримнинг соатларини.
Тийра дилга бахш этар роҳат,
Изтиробли севги лаззати.
Ўлганда ҳам ўлгумдир факат,
Сен томонга қўлим узатиб.

2002

ХАЙР, БИЗГА

Хайр, бизга этмади насиб
 Бирга яшаш бахти, севгилим.
 Ӯзни хижрон дорига осиб
 Кетмоқдаман, хайр, эй гулим.
 Гарчи севар эдик биз чиндан,
 Туйғулар ҳам эди бокира.
 Қисмат юзин ӯгирди биздан,
 Ёлборсак ҳам боқмади сира.
 Зоримиз кўп, зўримиз етмас,
 Илож йўқдир, қилмай итоат.
 Дунё подшоҳ, маслаҳат этмас,
 Ӯз хукмини ӯтказар фақат.
 Балки бир кун пайт келиб яна,
 Учрашармиз иккимиз такрор.
 Мұхаббатсиз хор бўлган дунё,
 Севгимизга бўлганда икрор.

2002

ТАНҲОЛИКДА

Не ошиқ кунларни сенсиз яшадим,
 Хижрон даштларида кечди йўлларим.
 Рухим рангларидан сўзлар ясадим,
 Шеър бўлиб қуюлди бор хаёлларим.
 Аммо сен келмадинг қошимга, гўзал,
 Гарчи чорак аср севдим девона.
 Наҳотки ишқ менга қисматдир азал,
 Насибам ӯтмоқлик ёлғиз, ягона?

2002.



Хафа бўлма дўстим, азалдан,
Мұхаббатнинг қўзлари ожиз.
Тунлар эзилсанг ҳам азобдан,
Тақдирга тан бермоқлик жоиз.
Ошиқлик ҳам буюк бир баҳтдир,
У ҳар кимга этмайди насиб.
Ўлдирса ҳам ўлдирсинг тақдир,
Мұхаббатнинг дорига осиб.

2003.



Умидимнинг гуллари сўлди,
Узун ҳижрон кечаларида.
Армонларим дараҳтдек унди,
Боғбонқишлоқ кўчаларида.
Келин бўлиб ойдек нурафшон,
Ўзга уйни тўлдирдинг нурга.
Мен дардимни айтдим ҳар оқшом,
Содик дўстим кўхна чинорга.
Гул умримнинг шаън онларига,
Ўз ҳукмини ўтказди тақдир.
Боғбонқишлоқ шўх сойларида,
Аламларим сув бўлиб оқди.
Жононларнинг меҳр қўрида
Овутдим мен телба жисмимни.
Лекин ҳамон қалбим тўрида,
Авайлайман сенинг исмингни.

2001



Чорак аср ўтса ҳамки,
Сўнмас ошиқ дил хумори.
Сени ҳар гал кўрганимда
Тебранади кўнгил тори.
Ох, афсуски, ўшал дамлар
Қайтиб келмас энди ортиқ.
Агар қайтса умрим жамлаб
Қилар эдим сенга тортиқ.

2003.

СЕНСИЗ

Шум қайғунинг қора қушлари,
Ишғол этди кўнгил бояғимни.
Кундуз ўйлар, тунлар тушларим
Емиради юрак-тоғимни.
Осмонимни қоплади ғамнинг
Булутлари саф- саф тизилиб.
Сўнмоқдадир умидим шами,
Тоқат ипи борар узилиб.
Чор тарафдан қиласи таъқиб
Ўшал масъум оташ нигоҳлар.
Согинч номли қобикдан чиқиб,
Юрагимда кўкарап оҳлар.
Сенсиз кезсам йўллар ҳам ҳатто,
Қайларгадир кетар қайрилиб.
Билганимда ўшанда асло,
Кетмас эдим сендан айрилиб.

08.02.2002.



КУЙГАН ДИЛИМ

Куйган дилим яролари асло битмас,
Юрагимдан илк севгимнинг доги кетмас.
Осмонларга етган зорим сенга етмас,
Висолингга эртаю кеч зор бўламан,
Агар кўнсанг сенга содик ёр бўламан.
Кўнгил иши кимларгадир ўйин экан,
Чин севгининг савдолари қийинэкан.
Аммо унинг азоблари ширин экан
Висолингга эртаю кеч зор бўламан,
Агар кўнсанг сенга содик ёр бўламан.
Не тиласам тилагумдир яратгандан,
Молу дунё сўрамасман гўзал, сендан,
Гарчи тақдир айро солди сени мендан,
Висолингга эртаю кеч зор бўламан,
Агар кўнсанг сенга содик ёр бўламан.

02.12.2001.



*«Эй, гулим, кўзларга ёшлар тўлганда
Соямиз қушилган дамларни эсланг»*

Шавкат Раҳмон

Мен бир инсон эдим меҳрга ташна,
Тақдир иккимизни учраштирганда.
Сен келдинг баҳорий гул каби яшнаб,
Кўнглим қувончларга тўлди ўшандা.

Афсус, яшолмадик бир бутун бўлиб,
Хижрон қасдимизда қайради тифлар.
Ўртамиизда унди айрилиқ гули,
Мунгли хотиралар қалбимни тифлар.
Сен бирла иккимиз бирга бўлганда,
Қалбимда яшарди энг ёниқ хислар.
Энди хотиралар хуруж қилганда
Яшайман ул баҳтли дамларни эслаб.

10.09.04



Кезар эди кўкда ой,
Ёлғизгина ойжамол.
Деразадан бир аёл
Боқиб турар ғамгин, лол.
Ойнинг сариқ соchlари,
Осмон узра таралар.
Аччиғ хижрон ёшлари
Аёл қалбин яралар.
Тун бағрида гўзал ой
Кезар эди тўлғониб.
Йиғларди ойдек аёл
Ёлғизликдан қийналиб.

2002.



Тунлар сенинг ёдингла ўтар,
Сени эслаб отар тонгларим.
Юрагимни соғинчлар ўрттар,
Фақат сенга етмас зорларим.
Ишқ деб ўргилади бу жоним,
Ишққа йўғрилади бу жоним.
Сени қўмсаб ўтар кундузим,
Кузатаман қўмсаб шомларни.
Сенинг ҳижронингда, юлдузим
Мен ўтказдим қанча онларни.
Ишқ деб ўргилади бу жоним,
Ишққа йўғрилади бу жоним.
Сенинг ёдинг билан, эй жонон,
Менга ҳаёт туюлар мангу.
Гарчи васлинг бўлса ҳам армон,
Мангуликни топдим, не қайфу?
Ишқ деб ўргилади бу жоним,
Ишққа йўғрилади бу жоним. 2007.



Кетар бўлсанг илтимос дилдор,
Хотирангдан ўчир исмимни.
Кўриб қолсанг қилма эътибор,
Кўча-кўйда кезган жисмимни.
Севгимизни афсона деб бил,
Эсламагин бирор сўзимни.
Ахир, сенсиз мен кимман, айтгил?
Эслолмайман ҳатто ўзимни! 03.03.2003.

САВОЛ

Наҳот изсиз кетди у гўзал онлар,
Наҳот унут бўлди у илоҳий сир.
Наҳот ёшлиқдаги аҳду паймонлар
Саробга айланиб кетдилар бир-бир.

Яшамоқ мумкинми лоқайд, бекайғу,
Дош бериб ҳижроннинг азобларига.
Бахт дея аталмиси мұқаддас туйғу
Қолдими дунёning каззобларига?

Қисматку айирди, жоним, бизларни.
Тингла, сенга бордир менинг саволим.
Наҳот қалбингдаги нафис ҳисларни
Олиб кетган бўлса вақтнинг шамоли.

Ёки яшаяпсан кўнишиб сўзсиз,
Ҳақ билиб манглайга битилган йўлни.
Наҳот яшаш мумкин севгисиз, ҳиссиз,
Армон чангалига тутқазиб дилни?!

07.09.2003.



ТИЛАК

Бу кун тақдир тугунлари ечилади,
Сизга бахтнинг эшиклари очилади.
Пойингизга ишқ гуллари сочилади,
Сизга бўлар бу дунёning имконлари.

Уйингизга тўлар қувонч чечаклари,
Қўлида гул табрик айтар дўстлар бари.
Маст қиласи бу гулларнинг мушқ, анбари,
Гулга тўлар бу дунёning осмонлари.

Ҳавас қиласи сизга дунё ошиқлари,
Янграганда илк бор алла қўшиқлари.
Тебранганда илк бор гўдак бешиклари
Унут бўлар бу дунёning армонлари. 2003.

МУҲАББАТ

Кўнглимни риштасиз боғлаган,
Қалбимни мунаvvар айлаган,
Дунёда бир мени сайлаган
Ўзингсан муҳаббат, ўзингсан.
Дилимга шеър ишқин жойлаган
Гоҳ қийнаб, гоҳида сийлаган
Куну тун мен ёниб куйлаган
Ўзингсан муҳаббат, ўзингсан.
Сен ёруг бир нурсан, ҳеч сўнмас.
Қай дилга ўт ёқсанг кам бўлмас.
Шеъримга сабабчи мен эмас,
Ўзингсан муҳаббат, ўзингсан. 07.12.2005



Яна юрак бўзлар, юрак ўртанаар,
Яна янгиланди дилнинг яраси.
Оҳ, нечун мен сени учратдим, дилбар,
Энди тинчлик бермас қўнгил ноласи.
Гарчи шак келтирмам сира қисматга,
Аммо менда мавжуд битта эътиroz:
Нечун чин ошиқлар етмас муродга,
Нечун ҳақиқий ишқ топмагай эъзоз?!

07.09.2003.



Сен борасан, шамоллар ўйнар
Сенинг ҳаририр кўйлакларингни.
Менинг эса ўтмоқда умрим,
Пойлаб сенинг йўлакларингни.
Сен борасан, жонланар ерлар,
Жозибали қадаминг бўйлаб.
Мен ёзаман ғамгин сатрлар,
Йўлларингда келишинг пойлаб.

2002.



КҮНГИЛ ВА ГУЛ

Менинг подшоҳ кўнглимни
Гадо айлади бир гул.
Кўксимдаги қумримни
Шайдо айлади бир гул.
Ўтса ҳам неча баҳор,
Ўтса ҳам неча ой, йил.
Гулни қўмсаб тунлари
Зор-зор йиглайди кўнгил.
Дерлар ишқ ёш танламас
Унга тенгдир шоҳ, гадо.
Мени севмаган гулнинг
Ҳажрида бўлдим адo.

14.03.2003.



Қалбимда ястанди ҳижроннинг чўли,
Дилимни тарк этган муҳаббат гули.
Менга муносибидир танҳолик йўли,
Сен мени севаман, демагил, гўзал.
Бир вақтлар бўлганман мен ҳам шўх, шодон,
Мехру муҳаббатга ташна эди жон.
Умрим заҳарлади бир гўзал жонон,
Сен мени севаман демагил, гўзал.
Не-не савдоларни ўтказдим бошдан,
Кўзларим дарёси қуриди ёшдан,
Кўксимда доғ қолган бир қалам қошдан,
Сен мени севаман, демагил, гўзал.

3.07.02



Кўзларингиз бунчалар маъюс
Кўрсам эзилади юрагим.
Кўзларингиз бунчалар маъюс,
Борми менинг сизга керагим?
Кўзларингиз бунчалар маъюс,
Ҳаддим сигмас кўпроқ боқишга.
Юрагимни қийнайди бир хис
Хаёт менгзаб бормоқда тушга.
Кўзларингиз бунчалар маъюс,
Кўзларимдан сизмоқда ашким.
Сизни шундай ҳолатта солган
Бевафога келади рашким.
Кўзларингиз бунчалар маъюс,
Мафтун бўлдим мен сизга жуда.
Сиз шунчалар гўзал ва масъум,
Мен қўрқаман бўлмоқдан жудо.

22.04.07



Соғинганда тунлари бедор,
Сени эслаб ёнаман дилдор.
Юрагимда сенинг аксинг бор,
Келгин жоним, ёнимга келгин.
Билсанг ҳаёт эмас абадий,
Чин дунёга элтгувчи водий.
Севилмоғу севмоқ табий
Келгин жоним, ёнимга келгин.
Бу очунда муҳаббат нима,
Суронларда изғиган кема.
Соғинтиридинг мени ёрим-а,
Келгин жоним, ёнимга келгин
Очиқ экан то икки қўзим,
Сени жондан севаман ӯзим.
Фақат сенга айтгум дил сўзим,
Келгин жоним, ёнимга келгин.

2001



Эй гул, менинг ноламсан, озоримсан,
 Армонимсан, юракдаги зоримсан.
 Тушларимга ойдек кирган ёримсан,
 Туморимсан, бўйнимдаги туморим.
 Ҳижронингда бамисоли қизгалдоқ. –
 Кўксим алвон-алвон ранглиғ, бағрим дод,
 Осмон қора тортар агар чексам оҳ,
 Губоримсан, бағримдаги губорим.
 Сени мендек бирор ошиқ суймаган
 Васлинг қўмсаб фирогингда куймаган.
 Чорак аср мени ўртаб, қийнаган,
 Хуморимсан, кўнглимдаги хуморим.

2003

У ДАМЛАР

У дамлар биз бошқача эдик
 Бироз содда ва лекин ўқтам.
 Эзгуликка ошно эдик,
 Уйгун эди юрак билан тан.
 У дамлар биз бошқача эдик.
 Умидларга тўла дилимиз.
 Биз ҳаётни жуда севардик,
 Юлдуз каби ёруғ йўлимиз.
 У дамлар биз бошқача эдик
 Мухаббатдан сармаст ошиқлар.
 Ҳануз дунё кенгликларида
 Янграп бизлар айтган қўшиклар.

12.01.07й



Эсимдадир оқшом чоги
Учрашгандек сой лабида.
Бирдан шаррос ёмғир ёғиб
Яшириндик тол тагига.

Чугур-чугур этиб қушлар
Бахтимиздан қувнар эди,
Висолингга түймай ёмғир
Тинмаса деб үйлар эдим.

Сочларингни қўлинг билан
Ушлаганча ерга боқиб,
Ширин-шакар тилинг билан
Сўзлар эдинг дилни ёқиб.

Биз севардик, унутгандик
Оқшомдан сўнг келган тунни,
Ҳали ҳануз қўмсар юрак
Ўшал ёмғир ёқсан кунни.

2010

ҚОЗОҚ СУЛУВИГА

Ҳамон юрак қўмсар орзиқиб,
Эслаганда ҳислар авж олар.
Тунлар мени кетар оқизиб
Хотиранинг жўшқин мавжлари.
Шодон эдик ишқ баҳорида
Гувоҳ эди серёмғир шаҳар.
Олма гулин хуш ифоридай
Қалбимизда яшнарди баҳор.
Бу кун бизни тарқ этган висол,
Бўзлар дилда ғамнинг ўлани.
Олатовнинг тоғлари мисол
Йўлларимиз кетди бўлиниб.
Туш кўраман овулларингни,
Сени қўмсаб кўзи қийигим.
Лекин ҳижрон довулларида
Фарқ бўлади умид қайигим.

2002.



СЕВГИ ӰЛАНИ

Исмингга мос кўзларинг ҳам жайрон эди
Кўйингда мен кеча кундуз ёнар эдим.
Сен бўлмасанг армонларда қолар эдим,
Қозоқ элин эрка қизи қайда қолдинг?
Олис юртда менга ишқдан шароб тутган,
Юрагимни бир умрга асир этган.
Кетар бўлсам келишимни зор-зор кутган,
Қозоқ элин эрка қизи қайда қолдинг?
Ишқинг оловида ёндин, чақин бўлдим,
Бўзтўргайдай ўлан айтиб оқин бўлдим.
Элингнида севиб, унга яқин бўлдим
Қозоқ элин эрка қизи қайда қолдинг?
Кезиб чиқдим поёни йўқ Қипчоқ даштин,
Қимиз ичиб сурдим роса ёшлик гаштин.
Тулпор миниб қирлар ошдим, довон ошдим,
Қозоқ элин эрка қизи қайда қолдинг?
Дардим айтсан ҳатто осмон келади тор,
Тақдир ҳукми висолингга айлади зор.
Юрагимда буюк севги ўлани бор
Қозоқ элин эрка қизи қайда қолдинг?

2003

ИЛК СЕВГИ ДОСТОНИ

Сутдек оқ лиbosга бурканган борлиқ
Зар янглиғ ялтирап қор учқунлари.
Менинг дилим эса бесаранжом, зиқ
Қордай парча-парча бўлган ўйларим.
Лайлак қор ёғарди ялтираб майин,
Иккимиз илк бора сайр қилган он.
Ким фикр қилибди йил ўтган сайин
Ғунча баҳоримиз топишин хазон.
Барча йигит-қизлар қилишиб ҳавас
Сўзлар эди бизнинг ишқий достондан.
Сен ҳам бу ҳислардан гўё эдинг маст,
Мен ҳам гул терардим шеърий бўстондан.
Кунлар шу тахлитда ўтарди, бироқ,
Ўртамизда унди қора тиканлар.
Сўнди икки қалбда порлаган чироқ,
Қолди юраклarda чексиз армонлар.
Ҳеч нарса бўлмади ўзгалар учун
Бир севги достони тугади шундай.
Сенинг юрагингни билмадим лекин
Қалбимда ilk севгим ҳамон ўшандай.

1984й.



КҮЗЛАРИНГДА

Олма-ота кўчаларин кезиб дар, ба-дар
Сенинг мунис хаёлингла яшаб юраман.
“Бахтсизман” деб ўртанмагин, ўртанма дилбар
Кўзларингда гар ёш кўрсам адо бўламан.
Бахт нимадир? Борми унинг ўлчови, фоли?
Ё у ҳаёт китобининг мангум саволи.
Бу дунёда ким яшайди қайғудан холи,
Кўзларингда гар ёш кўрсам адо бўламан.
Дардларингга ҳамдард бўлмас ҳар кас, ҳар нафар
Бир кун шодсан, бир кун сени қучмайди зафар.
“Шунаقا денг?”-сўроқларинг қалбимни ўртар,
Кўзларингда гар ёш кўрсам адо бўламан.
Хаёлимда эртаю кеч ўзингсан, дилдор,
Исминг эса тилимдадир такрор ва такрор.
Сени эслаб тунларим ҳам ўтади бедор,
Кўзларингда гар ёш кўрсам адо бўламан.
На илож, ёр, сен турган жой менга ҳам ватан,
У чорласа қучогига қайтиб бораман.
Йигламагин, кўриб қолсанг мени дафъатан,
Кўзларингда гар ёш кўрсам адо бўламан.

1990й.



Умидимнинг ғунчалари хазон бўлди,
Сенинг валинг менинг учун армон бўлди.
Юрагимда бино қилган ишқ қасрининг
Устунлари қулаб, ўзи вайрон бўлди.
Энди менга бегонадир ишқ куйлари
Дилим эзар огир-огир хис, ўйларим.
Тушларимга кириб чиқар баҳт тўйларим,
Тўйлар армон, армонларим осмон бўлди.
Бошим олиб узокларга кетгум нетай,
Қаландарлик ҳассасини қўлга тутай.
Сен баҳтли бўл, майли мен тоқ, ёлғиз ўтай,
Сенинг бирла қолиш менга гумон бўлди.

2003й.



ЛАЙЛО

Кўпдан сени эсламас эдим,
Яна пайдо бўлдинг йўлимда.
Ох, мен сени не учун севдим?
Ишқ ўт олди яна дилимда.
Чорак умрим ўтказдим гирён,
Йўлларингда интизор кутиб.
Ўзга ёр-ла яшадинг шодон,
Неча йиллар мени унутиб.
Тағдиримга берган эдим тан,
Унумтоғни қилган эдим аҳд.
Пайдо бўлдинг йўлимда қайдан,
Менга насиб этмаган, эй баҳт?!

Кўпдан сени эсламас эдим,
Пайдо бўлдинг кўнглим боғида.
Ох, мен сени не учун севдим?
Адо бўлдим ишқинг доғида.

03.05.2007й.



Бу кеча кел менинг ёнимга,
Малҳам бўлгин менинг жонимга.
Мардлик қони оққан қонимга
Жоним бир тун ўзингни бахш эт,
Юрагимга сувратинг нақш эт.

Баҳслашайлик ҳаёт ҳақида,
Севги-гўзал баёт ҳақида.
Биздан қолар фарёд ҳақида
Жоним бир тун ўзингни бахш эт,
Юрагимга сувратинг нақш эт.

Сен пари бўл, мен бўлай мафтун,
Сен Лайли бўл, мен эса Мажнун.
Юраклардан кетсин мунглиғ ун,
Жоним бир тун ўзингни бахш эт,
Юрагимга сувратинг нақш эт.

25.02.2001й.



МУҲАББАТ КЕТМАДИ...

Баҳор ўтиб кетди, ёз ўтиб кетди,
Умрим - барги хазон куз, ўтиб кетди.
Дўстлар юрагимни муз этиб кетди,
Мухаббат кетмади, кетмади.
Юлдуз каби сўнди умидим дилда,
Баъзан омад қуши кетганда қўлдан.
Телбадек адашдим мустақим йўлдан,
Мухаббат кетмади, кетмади.
Бугун руҳим синиқ, порадир жисмим,
Бир қисмим умиддир, армон бир қисмим.
Дилимда яшайди муборак исминг,
Мухаббат кетмади, кетмади.
Сут билан кирса не жон билан чиқар,
Аммо ишқ савдоси йиқитар, йиқар.
Умрим боғларида куз чодир тикар,
Мухаббат кетмади, кетмади.

06.08.05

ИШҚ ДАРДИ

Дилим шод, умримда осойишталик,
Измимга бўйсуниб қолганди омад.
Лекин сени кўргач чекинди шодлик,
Бошимга келди ишқ дарди - қиёмат.
Армон-кўхна дўстим, ўртар бағримни
Руҳимни тарқ этди осойишталик.
Гарчи ўкингандим дилдан неча бор,
Аразлаб кетди деб мендан ошиқлик.
Фуссага ботсамда ботайин танҳо,
Оллоҳнинг ишқида дегандим бот-бот.
Йиғласам йиғлайн кўйида ҳақнинг,
Истасам истайин жамолин фақат.
Бугунчи қошингда турибман, дилбар,
Дунёда мен каби хор, оввора йўқ.
Аҳдингда шеър ёзиб юрибман, дилбар,
На қилай дардимга ўзга чора йўқ.

2012-йил



Ишқ ұтида күйіб ёнишлар,
Интилишлар ҳам ұртанишлар.
Софинчларга тұла қараашлар
Бизга армон бұлади наҳот?

Икки юрак –икки саргардон,
Икки жуфт құз-икки қадрдон,
Икки ошиқ вужуд-икки жон
Энди сарсон бұлади наҳот?

Бизлар юрган сұқмоқлар, йұллар,
Иккимизни асраган йиллар.
Ишқимиздан яралған құйлар
Элга достон бұлади наҳот?

Кетай десам “үф” тортар хонам,
Пойим үпіб йиғлар останам.
Дунёларга бермас кошонам
Энди вайрон бұлади наҳот?

2003й.

Ҳасанбой Гойиб

Ҳаёт деланчаги

Мусаххех: *Сироғиiddин Фахриddин*
Саҳифа боғловчи: *Фарҳод Раҳимов*
Оро берувчи: *Алишер Алимарданов*
Ҳарф териувчи: *Наргиза Гойибова*

Босишга рухсат этилди 02.01.2016. Бичими 60x84^{1/16}. Офсет қоғози.
Офсет босмаси. Times New Roman Тј гарнитураси.
Нашриёт хисоб табоги 18,0. Нашр адади 700 нусха.
Буюртма №484. Баҳоси келишилган нарҳда.

ЧДММ “Андалеб Р”.
734036, Душанбе шаҳри, Р. Набиев кучаси, 218.
Тел: (+992 37) 233-17-17. E-mail: andaleb.r@mail.ru